
ОЙНИСА МУХАММАДИЕВА

БЕДИЛ
ВА
АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР
ФАЛСАФАСИ





Мухаммадиева Ойниса Мустафокуловна 1970 йилда Сирдарё вилоятининг Янгирер шаҳрида туғилган. 1996 йилда Тошкент Давлат университети Фалсафа-иқтисод факультетининг Фалсафа бўлимини имтиёзли диплом билан тамомлаган. 2000-2001 йилларда Ўзбекистон Миллий университети Фалсафа факультети Хотин-кизлар кўмитаси раиси, 2001-2002 йилларда факультетнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича декан муовини лавозимларида фаолият юритган. 2008 йилда “Мирзо Абдулқодир Бедил фалсафасида ахлокий кадриятлар масаласи” мавзусидаги диссертациясини ёқлаб, фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олган. 2008 йилдан буён Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг аъзоси.

Шу пайтгача Ойниса Мухаммадиеванинг Шарк фалсафаси, буюк шоир ва мутафаккир Мирзо Абдулқодир Бедил фалсафий, ижтимоий ва ахлокий карашларига оид бир катор рисоалари, ўқув-услугий ишлари, 100 га яқин илмий ва илмий-оммабоп мақолалари Ўзбекистон ва чет эл матбуотида нашр этилган.

Айни пайтда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети доценти лавозимида ишлайди.



SBN-978-9943-22-248-9



9 789943 122248

ОЙНИСА МУХАММАДИЕВА

БЕДИЛ ВА АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР ФАЛСАФАСИ

Монография

ALISHER AVOZIJ NOMIDAGI
TeshDO'TAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI

ТОШКЕНТ
«YANGI NASHR»
2016

УЎК: 001(092)(575.151)

72.3(5)

M52

*Мирзо Улузбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
Илмий-техникавий кенгашининг 2016 йил 28 июндаги 4-сонли
мажлиси қарори билан нашрга тавсия этилган.*

Мухаммадиева, Ойниса.

Бедил ва ахлоқий қадриятлар фалсафаси
(монография). – Т.: “Yangi nashr”, 2016. 168 б.

ISBN-978-9943-22-248-9

КБК 72.3(5)

Масъул муҳаррир:

ШУҲРАТ СИРОЖИДДИНОВ,

филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Жаъфар ХОЛИМУМИНОВ,

фалсафа фанлари номзоди, ЎзДЖТУ доценти;

Музаффар АРТИКОВ,

фалсафа фанлари номзоди, доцент

Ушбу монографияда буюк шоир ва мутафаккир Мирзо Абдулқодир Бедил фалсафасидаги ахлоқий қадриятлар объективлиги ва тарихий ҳолислик тамойилларини илмий-назарий таҳлил этиш ҳамда бадий-фалсафий меросининг ўзига хослиги, Шарқ маънавияти тараққиётидаги ўрни, шахс онги ва тафаккури ривожига таъсири, шунингдек, комил инсонни тарбиялашдаги аҳамиятини очиқ бериш каби масалалар таҳлил ва тадқиқ этилади.

Монография мазкур муаммолар билан шуғулланадиган мутахассислар, тадқиқотчилар ва Шарқ фалсафаси ихлосмандларига мўлжалланган.

ISBN-978-9943-22-248-9

© «Yangi nashr», 2016

КИРИШ

Шарқ фалсафаси талқинидаги ахлокий қадриятлар жаҳон маънавий-ахлокий тафаккури тараққиётининг ажралмас қисми бўлиб, ҳозирги ижтимоий-маънавий ҳаёт ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

Инсоният келажаги ва тараққиёти учун қонуний зарурат сифатида вужудга келган яхшилик, инсонпарварлик, маърифатпарварлик, меҳр-мурувват, қарам, саховат каби ахлокий қадриятлар фалсафа тарихи тизимида тадқиқотнинг алоҳида ўрганиш объекти бўла олади. Шунинг назардан қараганда, Шарқнинг буюк мутафаккири ва шоири Мирзо Абдулқодир Бедил асарларидаги илмий-ирфоний, диний-фалсафий, маънавий-ахлокий фикрларнинг моҳиятида ҳам ахлокий қадриятлар ўзифодасини топган ва улар бугунги кунда ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Фан оламида янгидан-янги қарашлар, улкан ўзгаришлар юз берар экан, улар орасида фалсафа фанига, фалсафа тарихи ва миллий фалсафага муносабат масаласи ҳам жиддий тадқиқотларни тақозо этади.

Мирзо Абдулқодир Бедил ижодида дунёни ботинан англаш, инсон руҳиятини қамол топтириш, ўзликни англаш орқали борлиққа муносабатда бўлиш ғоялари илғари сурилган. Уларни фалсафий нуқтаи назардан теран тадқиқ этиб, илм-фан соҳасида кенг қўллаш зарурати ҳам ишнинг долзарблигини белгилайди.

XX асрга келиб, маънавий-ахлокий муаммолар ҳам глобал тус ола бошлади. Ушбу муаммони ҳар томонлама ҳал этишда Шарқ мамлакатларида минтақа ахлоқига хос бўлган йўллар, усуллар ва воситаларга мурожаат

этиш ўта эътиборлидир. Шундан келиб чиққан ҳолда, Мирзо Бедил ахлоқий қарашларини тадқиқ қилишга алоҳида урғу бериш назарий ва амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

Шўролар даврига қадар юртимизда бедилхонлик кечалари адабий бир анъана сифатида кенг кўламда ўтказилиб келинар эди. Бундай кечалар ёшларнинг маънавий-ахлоқий камолотига доимо ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиб келган. Лекин шўролар мафкураси таъйиқи ушбу анъананинг ривожланишига тўсқинлик қилган. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганлиги, халқимизнинг бой маънавий анъаналаридан бўлган бедилхонлик кечаларининг ҳам тикланишига имкон яратмоқда. Мирзо Бедил фалсафаси асосида бедилхонлик кечаларини қайта тиклаш ёшларимизни ушбу анъана воситасида маънавий-ахлоқий камол топтириш, уларда тарихий хотирани шакллантириш ва мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Фалсафий тафаккур тараққиёти тарихида ўзининг бой илмий-адабий мероси билан ўчмас из қолдирган буюк мутафаккир Мирзо Абдулқодир Бедилнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Унинг ижодини тадқиқ этишда Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон ва Марказий Осиё олимлари ўзига хос тарзда ёндошганлар.

Мирзо Бедил адабий-фалсафий меросини тадқиқ этиш ва уни кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола этиш борасида салмоқли ишларни амалга оширган таниқли ўзбек ва тожик олимлари – Абдурауф Фитрат¹, Садриддин Айний², Холида Айний³, Иброҳим Мўминов⁴, Му-

¹ Фитрат. Мирзо Бедил. – Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти. 1996. – 48 б.

² Айни С. Мирза Абдулкадыр Бедиль. – Сталинабад: Таджгосиздат, 1954. – 132.

³ Айни Х. Бедиль и его поэма “Ирфон” – Сталинабад: Таджгосиздат, 1956. – 126 с.

⁴ Мўминов И. Мирза Бедилнинг фалсафий қарашлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1957. – 96 б.

заффар Хайруллаев⁵ ва Шавкат Шукуровнинг тадқиқотларини алоҳида таъкидлаб ўтишга тўғри келади.

Абдурауф Фитратнинг 1920 йилда ёзилган “Мирзо Бедил” мақоласи ўзбек матбуотида Бедилнинг ҳаёти, асарлари ва фалсафий идеали билан таништиришни ўз зиммасига олган дастлабки илмий мақоладир. Унда файласуф-шоирнинг илмий-ирфоний қарашлари ва шеъриятидаги ўзига хос бадий услубга алоҳида эътибор қаратилган.

Покистон олимлари Мирзо Бедил ҳаёти ва ижодий йўлини ўрганишда анчагина ютуқларга эришганлар. 1952 йил Лоҳурда Хожа Ибодулло Ахтарнинг “Бедил” номли рисоласи урду тилида чоп этилган. Шунингдек, 1960 йилда Лоҳурда адабиётшунос олим доктор Абулғанийнинг Бедил ҳаёти ва ижодига бағишланган монографияси инглиз тилида нашр этилган.

Машҳур олим ва адиб Садриддин Айнийнинг 1954 йилда Тожикистонда чоп этилган “Мирзо Абдулқодир Бедил” номли монографиясида мутафаккирнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти, илмий, ижтимоий-фалсафий қарашлари ўз аксини топган.

Адабиётшунос олима Х. Айнийнинг 1956 йилда ёзилган “Бедил ва унинг “Ирфон” асари” китобида Мирзо Бедил яшаган давр, мутафаккирнинг ҳаёти ва ижоди, “Ирфон” асарининг тузилиши, ўзига хос бадий тили, асарда илгари сурилган илмий билиш, нутқ ва сўзнинг қудрати, меҳнатсеварлик ва деҳқончилик, кимиёгарлик, сеҳргарлик каби мавзулар ҳамда афсона ва ҳикоялар мазмун-иундарижаси таҳлил этилган.

Таниқли ўзбек файласуф олими, академик Иброҳим Мўминовнинг 1957 йилда нашрдан чиққан “Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари” деб номланган мо-

⁵Хайруллаев М. Ўрта Осиё халқларининг фалсафий мероси. – Т.: “Фан”, 1965. – 43 б.

нографиясида файласуфнинг ҳаёти ва ижоди, онтологик-гносеологик қарашлари, ижтимоий-сиёсий ва қисман ахлоқий қарашлари илмий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ этилган.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ҳозирги даврга қадар Мирзо Бедилнинг бир туркум ғазал ва рубойлари Назармат⁶, Ш. Шомухамедов⁷, Ж. Камол⁸ ва Матназар Абдулҳаким⁹ каби адиблар томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, халқимизга тақдим этилди. 2005 йилда “Шавқингни ёд этиб” номи остида Бедилнинг ғазаллар, рубойлар ва дostonлари тўпланиб, нашр этилди. Шунингдек, 2007 йилда Бедил ғазаллари Матназар Абдулҳаким томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, “Ҳумо парвози” номли тўплам шаклида чоп этилди.

Буюк мутафаккир шоирнинг ҳаёти, илмий-адабий мероси, унинг ўзига хос шеърӣ услуби, фалсафӣ-ирфонӣ ва ижтимоӣ-ахлоқӣ қарашлари ҳамда Бедилнинг кейинги давр адиблари ижодига етказган таъсири каби масалалар Ш.Шукуров,¹⁰ Н.Комилов,¹¹ Ҳ.Болта-

⁶ Мирзо Абдулқодир Бедил. Комде ва Мудан. Назармат таржимаси. – Т.: Ўзбекистон давлат нашриёти, 1960. – Б. 94.

⁷ Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубойлар Ш.Шомухамедов таржимаси. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1974. – Б. 6.

⁸ Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубойлар. Ж.Камол таржимаси. – Т., 1991. – Б.70-76.

⁹ Матназар Абдулҳаким. Табаррук ташриф. / Бедил рубойларининг таржимаси. – Урганч: Хоразм, 1991; Такаллум. / Бедил рубойларининг таржимаси. – Нукус: Қорақалпоғистон, 1995. – Б. 45.

¹⁰ Қаранг: Шавкат Шукуров. Мирзо Бедилнинг поэтик мероси. – Т.: “Фан”, 1989; Сердовон бир тоғ. / “Бедил ва ўзбек маънавияти” мавзuidaги халқаро анжуман материаллари. – Т.: “Мовароуннаҳр”, Техрон: “Ал-Худо” халқаро нашриёти, 2005. – Б.75-85.

¹¹ Қаранг: Нажмиддин Комилов. Ирфон нури. // “Тафаккур”. – 2006. – № 2. – Б. 68-73; Ирфон нури Абулмаонӣ. / “Бедил ва ўзбек маънавияти” мавзuidaги халқаро анжуман материаллари. – Т.: “Мовароуннаҳр”, Техрон: “Ал-Худо” халқаро нашриёти, 2005. – Б.3-18.

боев,¹² Р.Воҳидов¹³ ва Э.Очилов¹⁴ каби адабиётшунос олимлар, М.Абдуллаева,¹⁵ О.Мухаммадиева¹⁶ ва Ж.Холмўминов¹⁷ каби файласуф олимлар томонидан ўрганилди.

Айниқса, самарқандлик адабиётшунос олим, профессор Шавкат Шукуров мутафаккир шоирнинг ҳаёти, бадий мероси, лирикаси ва шеърий услубига доир бир туркум қимматли монография ва илмий рисоалар, 300 дан ортиқ илмий ва илмий-оммабоп мақолалар нашр эттирди, Бедил лирикаси бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Олим ўз тадқиқотларида ада-

¹² Қаранг: *Ҳамидулла Болтабоев*. “Қунгул китобидан анланган фикрлар” ёки Бедилни Фитратона тушуниш (Сўз боши) // Фитрат. Бедил (Бир мажлисда). – Т., 1996; Фитрат – бедилшунос. / “Бедил ва ўзбек маънавияти” мавзuidaги халқаро анжуман материаллари. – Т.: “Мовароуннаҳр”, Техрон: “Ал-Ҳудо” халқаро нашриёти, 2005. – Б.34-53.

¹³ Қаранг: *Раҳим Воҳидов*. Теран тафаккурга йўғрилган шеърият / “Бедил ва ўзбек маънавияти” мавзuidaги халқаро анжуман материаллари. – Т.: “Мовароуннаҳр”, Техрон: “Ал-Ҳудо” халқаро нашриёти, 2005. – Б.59-74.

¹⁴ Қаранг: *Эргаш Очилов*. Ғафур Ғулом ва Мирзо Бедил. / “Бедил ва ўзбек маънавияти” мавзuidaги халқаро анжуман материаллари. – Т.: “Мовароуннаҳр”, Техрон: “Ал-Ҳудо” халқаро нашриёти, 2005. – Б.118-127; Бедил асарлари ўзбек тилида. / “Бедил ва ўзбек маънавияти” мавзuidaги халқаро анжуман материаллари. – Т.: “Мовароуннаҳр”, Техрон: “Ал-Ҳудо” халқаро нашриёти, 2005. – Б.128-141.

¹⁵ Қаранг: *Мухтабар Абдуллаева*. Иброҳим Мўминов – Бедилнинг ижтимоий-фалсафий фикрлари тадқиқотчиси. / “Бедил ва ўзбек маънавияти” мавзuidaги халқаро анжуман материаллари. – Т.: “Мовароуннаҳр”, Техрон: “Ал-Ҳудо” халқаро нашриёти, 2005. – Б.92-102.

¹⁶ Қаранг: *Ойниса Мухаммадиева*. Мирзо Абдулқодир Бедилнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари. – Т.: “Фан ва технология”, 2010.

¹⁷ Қаранг: *Жаъфар Холмўминов, Жалил Ҳазратқулов*. Форсий адабиётнинг жаҳон адабиётидаги ўрни. – Т.: “Янги нашр”, 2012. – Б. 214-225; *Жаъфар Холмўминов*. Абулмаъоний таважжухлари. // “Маънавий ҳаёт”, №3 2015. – Б.90-95; *Жаъфар Холмўминов*. Буюк тамаддун асосчиси. / “Хуррият”, 2016 йил 10 феврал. – Б.8; *Жаъфар Холмўминов*. Бедил фалсафасини яратган давр. / “Ўзбекистоннинг маънавият стратегияси: генезиси, эволюцияси ва амалиёти” мавзuidaги Республика илмий-амалий анжумани илмий мақолалар тўплами. 2016 йил 31 март. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети. – Т., 2016. – Б.52-54; *Ja'far Holmo'minov*. Bedilni anglash zavqi. / “Til va adabiyot ta'limi”, 2016 yil 6 son. – Б.36-37.

биётшунослик илми нуқтаи назардан ёндошган ҳолда буюк шоир ва файласуф асарларининг тили, бадийий услуби ва лирикасининг ўзига хос хусусиятларига катта эътибор қаратган.

Юртимизда Мирзо Бедил шеърятини ва ундаги фалсафий ҳикматдан илҳом олиб қалам тебратган академик шоир Ғафур Ғулом Бедил ижодига ўзгача меҳр билан қараган. Ғафур Ғулом, Носир Саидий ва Шоислом Шомухамедовлар томонидан 1960 йилда нашрдан чиққан “Тафаккур мевалари”¹⁸ китоби ҳам Мирзо Бедил рубоийларининг таржимасига бағишланган. Атоқли ўзбек шоири Ғафур Ғулом шеърятининг равнақида Бедил асарлари руҳий қувват бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишга тўғри келади. Буни Ғафур Ғулом асарларида учрайдиган Бедил ҳақидаги қайноқ сатрлардан ҳам пайқаш мумкин.

Шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, Бедил буюк бир форсийзабон шоир ва мутафаккир бўлишига қарамай, эронлик олимлар XX асрнинг биринчи ярмигача унинг ижодига унчалик катта эътибор қаратмаган эдилар. Охирги ўттиз йил мобайнида Мирзо Бедилнинг мураккаб услуб – “сабки ҳиндий”да яратилган шеърятини, ранг-баранг фалсафий тафаккури ҳамда унинг Марказий Осиё минтақаси, Эрон, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон халқларининг маънавий ҳаётига етказган ижобий таъсири каби масалалар эронлик олимлар диққатини кўпроқ ўзига жалб этиб келмокда. Бошқача айтганда, “Мирзо Бедил ижоди, бадийий услуби ва фалсафий-ирфоний қарашлари Эрон адабиётшунослари томонидан умумий тарзда ўрганилиб келинган. Шу нарсани қайд этиш лозимки, Эронда XX аср бошларигача Бедил ижодига қизиқиш унчалик кучли бўлмаган. Ҳозирги давр келиб, эронликлар Бедил ижодини катта қизиқиш билан ўрганмокдалар. Хусусан, охирги йилларда

¹⁸ Тафаккур мевалари (Тўплам). – Т., 1960.

Техронда ташкил этилган “Урси Бедил” (Бедил анжумани) номли анъанавий халқаро илмий анжуманнинг ҳар йили бир марта ўтказилиши Эрон бедилшунослик мактабининг тобора ривожланиб бораётганидан дарак беради. Ушбу анжуманда Эрон, Афғонистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Ҳиндистон, Покистон ва Европа давлатларидан бир қатор бедилшунос олимлар ва адиблар иштирок этишади. Таникли эронлик олим Шафъий Кадканий Эронда биринчилардан бўлиб Бедил ҳақида қатор мақолалар ва рисоалар ёзди. Айниқса, унинг “Шоэр-э ойинэхо” (Кўзгулар шоири) номли рисоласи (Бедил ғазалларидан намуналар билан) Бедил шеърляти, тили, услуби, ўзига хос бадиий хусусиятларига оид сара тадқиқотлардан ҳисобланади. Шафъи Кадканий ҳам бошқа бедилшунослар сингари устоз Айнийнинг Бедил ҳаёти, ижоди ва унинг Марказий Осиё халқлари маънавий ҳаётидаги ўрни хусусидаги тадқиқотлари ва қайдларидан кенг фойдаланади. “Шоэр-э ойинэхо” мўъжаз рисола бўлишига қарамай, Бедил ҳаёти ва ижоди билан боглиқ анчагина қимматли маълумотлар беради. Жумладан, муаллиф ёзади: “Доктор Жозеф Аул 1920 йили Ўрта Осиё сафаридан қайтгандан сўнг хотираларида Бухорода Бедилга нисбатан бўлган ҳурмат ва эҳтиром ҳақида ёзади. Ҳолбуки бу нарса унгача эроншуносларга номаълум эди”.¹⁹ Бедилнинг Эронда танилмаганини Шафъий Кадканий ҳам қайд этиб ўтади: “Бедил тахминан шу кунларгача Эронда, ҳатто бу ердаги адабий доираларда ҳам танилмаган эди. Аммо бутунги кунга келиб баъзи бир адабиёт тарихи тадқиқотчилари, мисол келтирадиган бўлсак, жумладан, Шафақ аста-секин унга эътибор қаратишяпти”.²⁰ Ш.Кадканийнинг

¹⁹ Қаранг: Жаббар Холмұминов. Бедилни англаш завқи. / “Ўзбек шарқшунослиги: бугунги ва эртаси”. Илмий мақолалар тўплами. 7. – Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2016. – Б.216-227.

²⁰ Мұхаммадрззо Шафъи-йз Кадканий. Шоър-э ойинэхо. Барраси-йз шби-э хэндий ва шър-э Бидэл. – Тэхрон: “Огоҳ”, 1384. – С.84.

ёзишча, “Шарқ муаллифларидан форсий адабиёт тарихининг забардаст урдузабон тадқиқотчиси Шиблий Нуъмоний унинг (Бедил – О.М.) ҳақида танқидийнамо мулоҳазалар юритган, ҳолбуки бошқа бир урдузабон муаллиф – Ҳожи Абдуллоҳ Ахтар 1953 йилда бу ҳақда қимматли тадқиқот яратган”.²¹

Мухаммадризо Шафеей Кадканийдан сўнг “эронлик адабиётшунос олим Иброҳим Худоёр “Садриддин Айний ва Бедил Дехлавий”²² номли катта мақола ёзиб, улуғ адибнинг бедилшунослик соҳасидаги хизматларини юқори баҳолади. У бедилшуносликни Мовароуннаҳр (Марказий Осиё) халқлари маънавий ҳаётида катта таъсир кучига эга бўлган муҳим ижтимоий-адабий ҳодиса сифатида баҳолаб, Айнийнинг ана шу жараёнда тутган мавқеини белгилаб беришга ҳаракат қилади. И.Худоёр Мовароуннаҳр бедилшунослик мактабини улуғ мутафаккир Аҳмад Дониш Бухорий номи билан боғлар экан, гарчи у (яъни, Аҳмад Дониш) Бедил ҳақида алоҳида асар ёзмаган бўлса-да, “Наводир ул-вақоеъ” ва бошқа асарларидаги ишоралар, Айнийнинг у ҳақдаги “Намунаи адабиёти тожик” тазкираси ва “Мирзо Абдулқодири Бедил” монографиясида берган маълумотлари ҳамда таниқли олим Расул Ҳодизоданинг “Адабиёти тожик дар нимаи дуввуми асри XIX “ номли китобида келтирган маълумотларига таянган ҳолда Аҳмад Дониш ҳақиқатдан ҳам Мовароуннаҳр бедилшунослик мактабининг байроқбардоридир, деган хулосани қўлаб-қувватлайди. Унинг тўғри таъкидлашича, Аҳмад Донишдан сўнг Бедил ҳақида фикр юритган иккинчи бедилшунос Абдурауф Фитратдир. Фитрат ўзининг “Бедил бир мажлисда” номли мақоласида Бедил ҳаёти, ижоди ва қарашлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтар

²¹ Ўша китоб. – Б.83.

²² Қаранг: *Иброҳим Худоёр. Садриддин-э Айний ва Бидэл-э Дэхлавий. // “Сино”, 2011 йил: баҳор-ёз. 41-42 сонлар. – Б.34-49.*

экан, улуғ шоир ва мутафаккирнинг оламшумул шухрати ва бедилшунослик вазияти хусусида ҳам баъзи бир фикр-мулоҳазаларни ўртага ташлайди”.²³

Ж. Холмўминовнинг маълумот беришича, И. Художёрнинг Марказий Осиё адабиёти тадқиқига бағишланган йирик монографияси – “Ғарибэхо-йё ошно” (Таниш нотанишлар)да ҳам Бедил ҳаёти ва ижодига кенг ўрин ажратилган. Китобнинг “Мовароуннаҳр адабий муҳитларида бедилшунослик” номли тўртинчи бўлимига киритилган “Мовароуннаҳрда ҳинд услуби”, “Сайидо Насафий. Сойиб (Табризий)”, “Мовароуннаҳрда Бедил ва унинг услуби”, “Бедил ва Тошкент адабий муҳити”, “Мовароуннаҳрда Бедил асарлари тошбосма нашрлари тарихи” каби бир қанча муҳим мавзулар тадқиқотга тортилган.²⁴

Афғонистонлик олим Бурҳониддин Номик Шаҳронийнинг “Бедилхонлик ва бедилшунослик диёрига қисқача сафар”²⁵ номли мақоласи охириги йилларда бедилшунослик тарихи ва ҳозирги даврдаги вазияти ҳақида нисбатан кенгроқ маълумот берувчи мақолалардан саналади. Унда “нега бедилшунослик Эронда яхши ривожланмади?”, деган саволга шундай жавоб берилади: “Эронда Бедилга нисбатан бўлган эътиборсизликнинг сабабларидан яна бири сифатида унинг шеърлари тилидаги мураккаблик, Бедил асарлари тилининг Афғонистон ва Мовароуннаҳр тожиклари тилига яқинлиги ҳамда Бедилнинг ўз асарларида ушбу минтакаларда кенг тарқалган сўфийлик тариқатларининг бебаҳо мероси қадриятларидан кенг равишда фойдаланганлигини эслатиб ўтишади. Бунга мисол сифатида Бадахшон

²³ Ўша жой.

²⁴ *Ju'fur Holmo 'minov. Bedilni anglash zavqi. / "Til va adabiyot ta'limi", 2016 yil 6 son. – B.37.*

²⁵ Қаранг: Бурҳониддин Номик Шаҳроний. Бедилхонлик ва бедилшунослик диёрига қисқача сафар. Форс тилидан Ш.олимов таржимаси. // “Сино”, 2011 йил: куз-қиш. 43-44 сонлар. – Б.46-63.

ва Мовароуннаҳр тоҷиклари тилига хос бўлган, эронликлар учун эса тушунарсиз бўлган сўзлар ва атамалар ишлатилган куйидаги байтларни мисол келтириш мумкин:

*Бо нафси саркаш ин ҳама ранжу фомбар,
Рузи савор шаб кунад аспи чарогпо.*

Бу ерда “аспи чарогпо” деб йўлда жудаям секин юрадиган отга нисбатан айтилади. Байт мазмуни:

Қайсар нафс билан фақатгина азоб ва машаққат чекасан,

Сенсиз юрадиган от отлиқнинг кундузини кечага айлантиради”.²⁶

Юқорида келтирилган олимлар ва тадқиқотчилар Мирзо Бедил фалсафий меросининг маълум жиҳатларигагина эътибор қаратганлар, холос. Шунини ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, кўпгина Шарқ мутафаккирларининг ахлоқий қарашлари ҳозирги пайтгача тарихий-фалсафий нуқтаи назардан алоҳида тадқиқ қилинмаганидек, буюк шоир ва файласуф Мирзо Бедилнинг ҳам ахлоқий-иҷтимоий қарашлари ҳалигача етарли даражада ўрганилган, деб бўлмайди.

²⁶ Бурҳониддин Номик Шаҳроний. Бедилхонлик ва бедилшунослик дигерига қисқача сафар. // “Сино”, 2011 йил: куз-қиш. 43-44 сонлар. – Б.60.

І БОБ.

**МИРЗО БЕДИЛ ФАЛСАФИЙ-АХЛОҚИЙ
ҚАДРИЯТЛАРИНИНГ ҒОЯВИЙ-НАЗАРИЙ
АСОСЛАРИ**

**1. XVI-XVII асрларда Ўрта Осиё ва
Ҳиндистондаги ижтимоий-маданий ҳаёт**

XVI – XVII асрлар Ўрта Осиёдаги иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётда бурилиш даври бўлди. Шайбонийлар ва аштархонийлар ҳукмронлик қилган бу даврда илм-фан, адабиёт ва санъат ҳамда фалсафий тафаккур ривожини икки асосий йўналишда борганини кўришимиз мумкин. Бу йўналишларнинг биринчиси Ўрта Осиё минтақасида шаклланган бўлиб, унинг натижасида бир қатор адиблар, тарихчи олимлар, адабиётшунос ва файласуфлар етишиб чиқди. Иккинчи йўналиш – Ҳиндистонда Бобурийлар давридаги ўрта осиелик мутафаккирларнинг ижоди ва дунёқарашидир.

Ўрта Осиёдаги ижтимоий-маданий ҳаёт тарихига назар ташласак, бу даврда Бухоро, Самарқанд, Тошкент каби йирик шаҳарлар асосий маданият марказларига айланганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу шаҳарларда Ўрта Осиёнинг донишмандлари йиғилишар эди. Хусусан, шу даврда Самарқандда Маҳмуд ибн Муҳаммад, Мулло Абдул Али Низомиддин ибн Муҳаммад ибн Хусайн Биржандий каби таниқли математик ва астрономлар, Амир Али Акбар Самарқандий, Муҳаммад Дарвеш Самарқандий каби мусиқашунос олимлар етишиб чиқдилар.

XVI асрнинг иккинчи ярмида Бухорода 350 га яқин машҳур адабиётшунос ва шоирлар яшаб, ижод қилганлар. Шу билан бирга Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида мусиқа санъати юқори босқичга кўтарилди. Бу ерда

рубоб, най, уд, сурнай, карнай, дутор, сетор, чанг каби турли хил мусика асбоблари кенг тарқалди. Мусика санъатининг юксалишида Мавлоно Ҳасан Кавкабий, Мавлоно Ризо, Мавлоно Пирмуҳаммад Кулол ва бошқаларнинг хизмати катта бўлди.

Жамият маънавий ҳаётида ўрта ва олий даражали мадрасалар муҳим аҳамиятга эга эди. Аштархонийлар ҳукмронлиги (жонийлар, Бухоро хонлари сулоласи 1599-1753) даврида Бухоро, Тошкент, Самарқанд каби шаҳарларда кўплаб масжид ва мадрасалар қурилди. Мадрасаларда асосан калом, математика, геометрия асослари, мантиқ, араб тили, форс-тожик ва ўзбек адабиёти классикларининг асарлари ўқитилар эди. Шунингдек, анъанавий фанлардан ташқари Навоий, Ғолиқ, Бедил асарлари ҳам ўрганилган.

XVI-XVII асрларда фалсафий тафаккур ривожиди машҳур файласуф олимлар етишиб чиқдилар. Масалан, Мирзажон Шерозий, Юсуф Қорабоғий, Мухаммад Шариф Бухорий, Иноятулло Бухорий, Ҳусайн Халхалий шулар жумласидандир. Сўфи Аллоҳёр, Бобораҳим Машрабнинг тасаввуфий-фалсафий шеърлари ҳам халқ орасида машҳур эди. Сўфи Аллоҳёрнинг “Махзан ул-мутеъийн” (Тобеълар хазинаси), “Маслак ул-муттакийн” (Тақводорлар йўли), “Мурод ул-орифийн” (Орифлар муроди) каби китоблари диний-тасаввуфий гоялар билан йўғрилган бўлиб, уларда меҳр-муҳаббат, сабр-қаноат, иймон-эътиқод, камтарлик ва поклик каби ахлоқий муаммолар, бир қанча фикҳий ва ақидавий масалалар бадий таҳлил этилган.

XVII асрда Мовароуннаҳрда яшаб, ижод этган файласуф олим Мухаммад Шариф Бухорийнинг фалсафа, тарих, шеърят, ҳуқуқшунослик, тилшуносликка бағишланган илмий мероси, улар орасида ахлоқий масалаларга бағишланган “Ғавойиди ҳаққония” (“Ҳақиқий фойдалар”) номли асари минтақа илмий-маънавий та-

факкури тараққиётини аниқлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Бу даврлардаги ахлоқий-фалсафий фикрлар ривожини ва маданий ҳаётдаги ўзгаришларнинг яна бир йўналиши – Ҳиндистонда Бобурийлар давридаги ўрта осиелик мутафаккирларнинг ижоди ва дунёқараши билан боғлиқлигидир.

XVII асрда Ўрта Осиедан ташқари мамлакатларга бориб ижод қилган юртдошларимиздан Шавкат Бухорий (вафоти 1695 й.) Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон каби мамлакатларда бўлиб, учта шеърини девон яратди. Шайдо Хўжандий Ҳиндистонда яшаб, у ерда ўз шеърлари билан машҳур бўлди. Муҳаммад Солих Балхий аввал Балхда, кейин Ҳиндистонда яшаб ижод этди. Бухоролик шоир ва адабиётшунос Хожа Ҳасан Нисорийнинг шогирди бўлмиш таниқли тарихчи, шоир ва олим Мутрибий ҳаётининг бир қисми Ҳиндистонда ўтди.

XVI-XVII асрларда Ўрта Осие ва Шимолий Ҳиндистон маданий алоқалари тарихини ўрганишда XVI асрнинг иккинчи ярмида туғилиб, XVII асрнинг 30 йилларида вафот этган Мутрибийнинг 320 дан ортиқ ўрта осиелик шоирлар тўғрисида қисқача маълумот берувчи “Тазкират уш-шуаро” (Шоирлар зикри) номли тазкира-асарининг ўрни бекиёсдир.

Мутрибий тазкирасида келтирилган эсдаликлардан Бобурийлар ҳукмронлиги даврида, айниқса, Акбаршоҳ ва Шох Жаҳонгир даврида Ҳиндистон ва Ўрта Осие мамлакатлари ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий алоқаларнинг ривожланганлигидан бобурий ҳукмдорларининг Ўрта Осиега бўлган қизиқишлари маълум бўлади.

Захириддин Муҳаммад Бобур ҳукмронлиги даврида (1525–1530) Ҳиндистонда илм-фан, адабиёт ва санъатнинг шохда эътибор қаратиб келганлиги маълум. Лекин, Ўрта Осие илм-фани ва маданиятининг Ҳиндистонга

кириб келишини фақатгина Бобурнинг келиши билан боғлаш ҳам унчалик тўғри келмайди. Ҳиндистон билан Ўрта Осиё ўртасидаги маданий алоқалар қадимги таърихий даврлардан бошланади. Ҳиндларнинг “Калила ва Димна” асари азалдан Ўрта Осиёда яхши таниш бўлган. Илк ўрта асрларда эса Абу Райҳон Беруний ҳинд халқига Ўрта Осиё маданияти ва илмий ютуқларини тарғиб қилган. Олим “Мо лил-Ҳинд” (“Ҳиндистон”) номли асари орқали Ўрта Осиё халқларини ҳиндларнинг маданияти, бой санъати, урф-одати, турмуш тарзи, расм-русумлари, хулқ-одоби билан таништирди. Илмий ва маданий ҳамкорлик X-XI асрларда Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган Султон Маҳмуд Ғазнавий, XIV асрда эса Амир Темурнинг Ҳиндистонга юриши (1398) билан ҳам боғлиқдир.

Ўрта асрларда Ҳиндистон маънавий ҳаётида ёрқин из қолдирган ўрта осиелик мутафаккирлар орасида Имом Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (IX аср), Фариiddин Аттор (XII аср боши), Хожа Муйиниддин Чишти (XII аср боши) ва бошқаларни кўришимиз мумкин.²⁷ Улар орқали Ҳиндистонга кириб келган Ўрта Осиё ва мусулмон маданияти ҳинд маданияти эволюциясига ижобий таъсир кўрсатди. Бу эволюцияни Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласи давом эттирди. Бобурийлар ислом ва ҳиндуизм динларига ҳам эркин тараққий этиши учун муайян имкониятлар яратиб бердилар. Айтиш мумкинки, “нотинч ва ўзгарувчан тарих саҳнасида салкам уч юз йил ўз мавжудлигини сақлаган ва нафақат сақлаган, балки ана шу давр ичида жаҳон цивилизациясининг ривожига ҳам катта таъсир етказа олган Бобурийлар даврида Ҳиндистонда ҳинд, туркийзабон ва форсийзабон халқларнинг маънавияти ва эстетик завоқининг

²⁷ Қаранг: Нуриддинов М. Н. Из истории общественно-философской мысли Средней Азии в XVI-XVII веках – Т.: Медицинской литературы имени Абу Али ибн Сины, 1996. – С.32.

қоришмасидан ҳосил бўлган бутунлай янгича турмуш ва тафаккур тарзи юзага келди. Негаки, Мовароуннаҳрдаги Шайбонийлар ва Эрондаги Сафавийлар салтанати даврида ушбу минтақанинг Темурийлар давридаги шон-шукуҳи, қудрат ва салоҳиятига дарз кетган эди: доимий хунрезликлар, жангу жадаллар ва низолар исканжасида қолган минтақа халқларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи кескин ўзгарди – ночорчилик, қашшоқлик, доимий тазйиқ ва қувғинлар авж олди, маънавий ҳаёт таназулга юз тутта бошлади, илм-фан, адабиёт ва санъатнинг ривожланиши сусайди, ўз ҳомийларидан айрилган олимлар, шоир ва ёзувчилар, санъаткор ва ҳунармандларнинг аҳволи оғирлашди. Ана шундай вазиятда Бобур афсонавий Ҳиндистонда барпо этган қудратли, улуғ салтанат даргоҳидан бошпана топиш, инсонпарвар, адабиётдўст ва ва санъатсевар бобурий шоҳлар ҳимояси остида ижод қилиш орзуси уларнинг жонига оро бўлди. Натижада, бир пайтлар илм-фан, маданият ва санъатнинг йирик марказлари бўлиб келган Самарқанду Бухоро, Балху Ҳирот, Исфаҳону Нишопур, Ҳамадону Шероз каби шаҳарлардан юзлаб, балки минглаб шоир, ёзувчи, тарихнавис, олим, меъмор, хаттот ва наққошлар оқимининг юксалиш ва қадр-қиймат топиш орзу-умиди юкланган карвонлари “Ҳинд сори юзланди” ва Бобурийлар салтанати ҳимоясида қўним топди”.²⁸

XVI асрнинг иккинчи ярми Ҳиндистондаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт катта ўзгаришларнинг содир бўлиши билан характерланади. Бобуршоҳнинг ўғли Ҳумоюншоҳдан кейин давлатни бошқариш Ҳумоюннинг ўғли Акбаршоҳга ўтди. 1556 йилда Деҳли тахтига ўтирган Акбаршоҳнинг замони Бобурийлар салтанатининг энг

²⁸ Житфар Халмуминов. Бедил фалсафасини яратган давр. / “Ўзбекистоннинг маънавий стратегияси: генезиси, эволюцияси ва оми”

нинг Республика илмий-амалий анжумани илмий мақолалар тўплами
2016 йил 31 март. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети. – Т.
2016. – Б.52

ривожланган давридир. Бу ҳақда манбаларда қизиқарли маълумотлар учрайди. Жумладан, “Машҳур Бобуршоҳнинг ўғли Ҳумоюншоҳдан кейин ҳинд ҳукумати Ҳумоюн ўғли Акбаршоҳга қолди. Ҳижрий 923 йилда Деҳли тахтига ўтирган Акбаршоҳнинг даври Бобурийлар ҳукуматининг энг фойзли замонидир. Акбаршоҳ ички ва ташқи душманларни енгиб, ўлкасини кенгайтириб беркитгандан сўнг тижорат, санъат, илм, адабиёт ишларига аҳамият берди. Эрон, Туркистон ҳукуматлари билан хабарлашиб, ёзишиб турди. Ҳар томондан олимлар, адиблар, усталар, тожирлар Акбаршоҳдан фойдаланмоқ учун Ҳиндистонга қараб жўнадилар. Деҳли, Лоҳур, Агра каби ҳинднинг улуғ шаҳарлари Акбаршоҳ пайтида Шарқнинг илмий, адабий, тижорий улуғ марказлари бўлиб қолдилар”.²⁹

Акбаршоҳ Ҳиндистоннинг қадимги ва ўрта аср маданиятига чуқур қизиқиш билан қаради. У ўз мамлакатини ҳудудларини кенгайтириб, чегараларини барқарорлаштиргандан сўнг тижорат, санъат, илм-фан, адабиётга аҳамият беради. Унинг буйруғи билан кўп китоблар чет тилларидан таржима қилинади, мактаб соҳасида ислохотлар ўтказилади. Мактабда таълим олган ўқувчи одобнома, арифметика, фалакиёт, ҳўжалик ишлари, бошқариш қоидалари, диний билимлар ва физика фанларини мукаммал эгаллаши лозим эди.

Акбаршоҳ маҳаллий аҳолининг динига ҳурмат билан қараб, “сулҳи кулл”, яъни мусулмон ва ҳиндулар ўртасидаги умумий муросасозлик сиёсатини тарғиб қилди. Акбаршоҳ замонида мусулмон ва ҳиндуларни умумий дин муросаси остида ўзаро ҳурмат ва маърифатга йўналтирилган диний-ирфоний сиёсатига ҳам алоҳида эътибор берилди.³⁰ Акбаршоҳнинг диний-ирфоний си-

²⁹ Ҳамидулла Болтабоев. Фитрат – бедилшунос. // Бедил ва ўзбек маънавияти. Халқаро анжуман материаллари. – Т.: “Мовароуннаҳр”, Техрон: “Ал-Ҳудо”, 2005. – Б. 356.

³⁰ Қаранг: Айний Х. С. Бедил и его поэма “Ирфон”. – Сталинабад: Таджгосиздат, 1956. С.– 24.

ёсат олиб боришига таъсир этган нарса – бу унинг та-сааввуф таълимоти билан яқиндан танишгани бўлган. Акбар илгари сурган ушбу янги дин сиёсатига кўра, Ҳиндистондаги барча диний конфессиялар, жумладан, мусулмон, ҳиндуизм ва бошқаларнинг ўзаро тотувлик, тенглик ҳамда муроасага келишлари, бир-бирларини ҳурмат қилишлари ғояси илгари сурилган эди.

Акбаршоҳ илм-ҳунар эгаларининг Ҳиндистонга келишлари учун жуда кенг имконият яратди. Акбаршоҳнинг “сулҳи кул” сиёсати бунинг яққол мисолидир. “Биз Ҳиндистонда барча улусларнинг ички урушсиз, тинч яшашларини истаб, ҳамма томонлама тинчлик – сулҳи кул сиёсатини амалга оширмоқдамиз. Одамларга – тинчлик, салтанатга – хавфсизлик, барча имону эътиқодларга баробар эҳтиром”,³¹ деган мурожаатнома ўша даврда мамлакатда кенг тарқалган эди.

Буюк аждодимиз Акбаршоҳ ва у олиб борган сиёсат ҳақида фикр билдирганда маърифатпарвар ҳукмдорнинг диний бағрикенглигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Акбаршоҳнинг диний бағрикенглигини у олиб борган сиёсат орқали билиб олиш қийин эмас. Масалан, Акбар томонидан қурилган 4 қисмли “Эътиқодхона”³²нинг бир қисми – ҳиндлар муқаддас санайдиган қадимий “Ригведа”, иккинчи қисми – зардуштийларнинг “Авесто”си, учинчи қисми – насронийларнинг муқаддас китобларига, тўртинчи қисми – муслимлар эътиқодига макон бўлган. Акбар турли эътиқод вакиллари бир даврага йиғилсалар, ҳақиқатни билишлари осон бўлгай, хурофоту бидъат ҳискингай, деган фикрни илгари сурган.

Акбаршоҳнинг ушбу мурожаатномасига ва олиб борган сиёсатига жавобан турли мамлакатлардан олимлар, илмлар, усталар ва ҳунармандлар Ҳиндистонга келиб

³¹ Қодиров П. Хумоюн ва Акбар. – Т.: “Шарқ”, 1994. – Б. 498.

³² Амин Х.С. Бедил и его поэма “Ирфон”. – С. 24.

иждо қилдилар. Дехли, Лоҳур, Агра каби ҳиндларнинг улуғ шаҳарлари Акбаршоҳ даврида Шарқнинг йирик илмий-адабий, тижорат марказларига айланди.

Акбаршоҳ саройида “нуҳратон”, яъни “тўққиз гавҳар” деган ибора машҳур бўлган. Унда илм-фан, адабиёт ва санъатнинг тўққизта ёруғ юлдузлари, улар орасида Абулфазл ҳам ўрин олган. Акбар уларни “маънавият гавҳари”, деб атаган.

1547 йил Аграда туғилган Муборак Нагорийнинг ўғли шоир Абулфайз Файзий адабиёт тарихида муҳим рол ўйнади. У форсий адабиётнинг Ҳиндистон маънавий ҳаётидаги ролига юқори баҳо беради.

Форс тили ва адабиётини Ҳиндистонда Амир Хусрав Дехлавий, Абулфайз Файзийдан кейин Абулқосим Сийалкутий (вафоти 1682 й.), Муҳибуллоҳ ал-Ҳиндий (вафоти 1707 й.) ва Қози Мубораклар давом эттирдилар.

Абулқосим Сийалкутий Шохжаҳоннинг яқин маслаҳатчиси бўлган.³³ Абулқосим Сийалкутий ўрта осиелик ва эронлик алломалар, жумладан, Тафтазоний, Давоний ва бошқалар ижодидан ҳам хабардор бўлган. Бизгача файласуфнинг 11 та йирик рисоласи етиб келганлиги маълум.

Муҳиббуллоҳ ал-Ҳиндий XVIII аср бошларида яшаб иждо этган файласуфлардан бўлиб, у фалсафа ва мантиқ илмини мукамал билган. Муҳиббуллоҳ ал-Ҳиндий Сукрот, Афлотун, Арасту, Форобий, Ибн Сино ва бошқалар ижоди билан ҳам яхши таниш бўлган.

Акбаршоҳ ўзининг камолот сари интилиши, салтанатида илм-маърифатга кенг ўрин бериши билан шоир ва файласуфлар дунёқарашининг шаклланишига катта таъсир кўрсатди ва тарихда ўчмас из қолдирди.

Акбаршоҳ даврида Ўрта Осиё, Эрон билан Ҳиндистон халқлари ўртасида маданий ва иқтисодий алоқалар

³³ Қаранг: Нуриддинов М.И. Из истории общественно – философской мысли Средней Азии в XVI – XVII веках. Т.: Медицинской литературы имени Абу Али ибн Сины, 1996. – С.53.

анча ривожланди. Бу халқларнинг маданияти муайян даражада бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатди. Ҳиндистонда Акбаршоҳ ҳукмронлиги даврида Муборак Нагорий, Жалолиддин Танисорий, Шайх Абдулқодир ал-Бадаюний, Илоҳдод Султон Пурий, Абулфазл Аллоий, Амин Аҳмад Розий каби олимлар яшаб ижод этганлар.

XVII – XVIII асрларда Урфий Шерозий, Назарий, Нуриддин Зухурий, Толиб Омулий, Абу Толиб Калим Кошоний, шоира Муҳсина (тахаллуси “Фоний”). Доро Шукух, Чандра Бхан, Зебуннисо ва Мирзо Бедил каби улуғ шоирлар яшаб, ижод этдилар. Айниқса, тасаввуф ғояларидан баҳраманд бўлган маҳаллий адиблар, файласуфлар, сўфий шоирлар ҳам йиғилишиб, қадимги Ҳинд, Эрон ва Юнонистоннинг диний, ахлоқий ва фалсафий фикрларини билганликлари туфайли уларга таянган ҳолда фаол ижод қилганлар.

Акбаршоҳ вафотидан сўнг Бобурийлар шавкати аста-секин сўна бошлади. Жаҳонгир билан Шоҳжаҳондан кейин тахтга чиққан Аврангзебнинг даврида ички низолар, диний, миллий, иқтисодий тортишувлар халқнинг аҳолини тобора оғирлаштира борди.

XVI-XVII асрлардаги Ҳиндистон ижтимоий ҳаётининг энг муҳим омили бу динлараро муносабат муаммоси бўлди. Бу даврда Ҳиндистон аҳолисининг бир қисми ажнабий ғолиблар ва Ўрта Осиё, Афғонистон ва Эрондан келган муҳожирларни ташкил этган бўлса, бошқа қисми исломни қабул қилган маҳаллий аҳоли бўлган.

Мусулмон мутаассиблари дунё халқларини Куръон ва софида дин софлиги учун кураш олиб бориб, ҳиндуизмга эътиқод қилувчи ёки Ҳиндистонда тарқалган бошқа таълимотларнинг намояндалари – маҳаллий аҳолини кофир деб эълон қилдилар. Давлатнинг қудратли кучи бўлган ҳинду руҳонийлари ҳам ўз ўрнида ғайриқонунчиликни бошқа динларга нисбатан, шунингдек, ҳиндуизмга нисбатан қўйиб, мусулмонларга нисбатан қўйиб, мусулмонларни кофир деб эълон қилдилар.

зм ичидаги алоҳида табақалар ўртасида ҳам душманчиликка даъват қилдилар.

Ҳиндуизмдаги илк ислоҳотчилик ҳаракатларидан бири бҳактий оқими бўлди. Ушбу ҳаракат XIV-XV асрларда расмий ҳиндуизм, кастачилик – табақаларга қараб бўлишга қарши чиққан жараён сифатида шаҳар ҳунармандлари орасида пайдо бўлди. Дастлаб тинчлик характерида бўлган ушбу ҳаракатни мусулмон ҳукмдорлари қўллаб-қувватладилар, чунки бҳактилар браҳманлар динининг шаънига путур етказишга қодир эдилар.

Бҳактий ҳаракати илк бор шаҳарнинг ўзига тўқ савдогар, ҳунарманд ва судхўр қатламлари орасида пайдо бўлди. Ушбу қатламлар орасидаги тенгсизлик уларнинг бир мақсад атрофида бирлашишига тўсқинлик қиларди. Уларнинг мафкураларида феодалларга қарши муҳолифат билан бирга феодал ҳокимиятига фаол қаршилик кўрсатишдан воз кечиш сингари қарашлар ҳам кўзга ташланар эди. Бҳактий ҳаракати ҳиндуизмга баъзи бир ўзгартиришларни киритишни талаб қилар эди.

XV асрда икки дин – бҳактийлик ва ҳиндуизмнинг бирлашиши оқибатида Панжобда мусулмон феодаллари ва браҳманларнинг ҳокимлигига қарши ҳинду ҳунармандлари ва савдогарлари орасида пайдо бўлган ислоҳотчилик ҳаракати – сигхизм вакиллари чиқдилар.

Ҳиндистон ҳаётидаги ижтимоий тенгсизлик ва қашшоқликка қарши норозилик кайфияти ушбу мамлакатда шаклланган тасаввуф тариқатларида ҳам маълум даражада ўз аксини топди. Тасаввуф таълимоти Ҳиндистонга дастлаб IX асрларда кириб борган бўлиб, ушбу мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига катта таъсир кўрсатган. Ҳиндистонда тасаввуфнинг Сухравардия ва Чиштия каби тариқатлари кенг тарқалди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Сухравардия тариқатига зардуштийлик дини ҳам ўз таъсирини кўрсатган

эди.³⁴ Чиштиа таълимотига кўра, Аллоҳ барчани тенг яратгани учун унинг бандалари ер – заминда баробар бўлиб яшамоқлари лозим. Шунинг учун дардмандларнинг дардига дармон бўлмоқ, очларни тўйдирмоқ олийжаноб инсоний фазилатдир. Бу таълимотга кўра, ҳар бир мўмин банда дарёдек сахий, офтобдек нурафшон, заминдек таъзим-тавозеда бўлмоғи даркор. Зероки, Аллоҳ ўзининг шундай бандаларини севади. Тенглик ва инсонпарварликни тарғиб этгани учун оддий меҳнаткашлар Чиштиа тариқатига эргашдилар. Ушбу таълимотнинг аосчиси бўлган Муйиниддин Чиштий Ҳирот яқинида туғилиб, кейинчалик Ҳиндистонда ўз тасаввуфий қарашларини тарқатган.³⁵

Ўзаро урушлар, диний ва миллий низолар ва тортишувлар Ҳиндистон халқларининг бирлигини барбод қилди, мамлакат иқтисодий ҳаётига беҳад зиён етказди, омманинг турмушига оғир таъсир этди.

Ижтимоий ҳаёт, халқнинг турмуш шароити қанчалик оғир бўлишига қарамай, бу даврда Ҳиндистонда форс-тожик ва ҳинд тилларида яратилган адабиёт намуналари халқларнинг маънавий-ахлоқий тафаккури тараққиётига ўз таъсирини кўрсатди.

Аврангзеб³⁶ замонидаги файласуф ва адибларнинг воқеаларга, ҳаётга, ахлоқий қадриятларга муносабатлари турлича бўлган. Масалан, Мирзо Абдулқодир Бедил ва унинг қарашларига яқин бўлган файласуф ҳамда шоирлар феодал тузумнинг иллатларини кескин танқид қилиб, халқ манфаатларини кўзлаб куйлаган бўлсалар, хушомадгўй, маддоҳ шоирлар эса ўз ижодий изланишларини мол-дунё, бойлик орттиришга қаратганлар.

³⁴ Қўранг. *Айни Х. С.* Бедил и его поэма “Ирфан”. – Сталинабад: Таджго-виздат, 1956. – С. 22.

³⁵ Қўранг. *Ҳамиджон Ҳомидий.* Тасаввуф алломалари. – Т.: “Шарк”, 2004. – Б. 10.

³⁶ Аврангзеб Оламгир Бобурийлар сулоласидан бўлиб, 1658-1707 йилларда Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган.

Шайх Валийуллоҳ XVIII аср Ҳиндистон маънавий тафаккури тараққиётида ўчмас из қолдирди. У Бобурийлар империясининг қайта тикланиши тарафдори эди. У илоҳиётга ва фалсафага оид 50 дан ортиқ асар ёзиб, уларда ҳаётда ниш урган мушкул ижтимоий масалаларни кўтариб чиқди. Валийуллоҳ “Ҳужжатуллоҳ ал-Балиған” асарида идеал жамият тузишни орзу қилди. Жамиятдаги барча кишилар одил бўлиши керак, деган ғояни илгари сурди.

Валийуллоҳ ўз ғояларини ислом дини асосида баён этди. Унинг фикрига кўра, ҳаммада бир эътиқод мавжуд, аммо диний қонун ва анъаналарда фарқ бор. Бу жиҳатдан олганда, ҳиндуизм дини билан исломнинг моҳияти бир.³⁷

Валийуллоҳ файласуф шоир Мирзо Бедил изидан бориб, ҳиндлар билан мусулмонларнинг бирлиги учун интилган. Адолат ҳар бир кишининг одоб ва ахлоқига, мамлакатнинг иқтисодий аҳволига, давлатнинг сиёсатига боғлиқ, деган фикрни асослашга ҳаракат қилган.

Ўрта Осиё ва Ҳиндистон ўртасида юзага келган маданий алоқалар ҳақида яратилган тазкираларда³⁸ ҳам кўп ривоятлар бор. Чунончи, XVI аср охири ва XVII аср бошида яшаган бухоролик шоир Абдураҳмон Мушфиқийнинг номи Ҳиндистонда машҳур бўлгани маълум. Бу тўғрида Мирзо Бедил ҳам ўзининг “Куллийёт”идаги “Рубоийёт” асарида маълумот берган.

Умуман, XVI-XVII асрларда Ўрта Осиё илм-фани ва маданиятининг ривожланишида маълум силжишлар содир бўлганлигини кузатиш мумкин. Бу даврда, аynикса, шеърят ва адабиёт гуллаб-яшнади. Шу билан бирга фалсафа ва тарих фанлари, меъморчилик санъати

³⁷ Қаранг: Гордон – Полонская Л.Р. Мусульманские течения в общественной мысли Индии и Пакистана – М.: ИВЛ, 1963. – С. 46.

³⁸ Тазкира – Яқин ва Ўрта Шарқ халқларида турли муаллифларнинг адабий – бадий асарларидан намуналар келтириб тузилган тўплам. Унда адибларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳам маълумотлар бўлган.

ҳам ривожланди. Энг асосийси, бу даврдаги илм-фан ва маданиятнинг ривожи Ўрта Осиё билангина чекланиб қолмасдан, унга тарихий жиҳатдан яқин бўлган Ҳиндистонда ҳам юксалди. Бунинг сабаби эса, Ҳиндистонда Бобурийлар ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиёдан Ҳиндистонга кетан олим ва шоирларнинг ўлмас ижоди эди. Бунда мусулмон маданияти ва тасаввуф таълимоти ҳамда ўша даврда Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган Шайбонийлар ва Аштархонийлар давлатининг таъсири сезиларли бўлди.

Ҳиндистонда Бобур, Ҳумоюн, Акбар ва Шоҳжаҳонлар ҳукмронлиги даврида маданий ривож-равнақни кўришимиз мумкин.

Туркий халқларга хос бўлган бунёдкорликка, маънавий юксакликка, меҳр-оқибатлиликка, динлар ва миллатлараро тотувликка бўлган интилишни, айниқса, XVI-XVII асрларда Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган Акбаршоҳ даврида кўпроқ учратамиз. Акбаршоҳнинг инсонпарварлик ғоялари орқали туркий халқлар ҳинд ва бутун Шарқ халқларининг қалбидан чуқур ўрин эгаллади. Бу эса Шарқ маънавий-маданий юксалишига ўз таъсирини кўрсатди.

Ҳиндистонда Бобур, Ҳумоюн, Акбар ва Шоҳжаҳонлар ҳукмронлиги даврида мусулмонлар ва ҳиндулар ўртасидаги дўстона муносабат, диний багрикенглик ғоялари ҳинд халқи билан мусулмон халқлари тинч-тотув яшашига мустаҳкам замин бўлган. Буларнинг барчаси Бедил дунёқарашининг шаклланишига ўзининг ҳаёт-бахш таъсирини кўрсатган. Ўз навбатида, аллома Бедил ижоди ҳиндулар ва мусулмонлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилди.

2. Мирзо Абдулқодир Бедилнинг ҳаёти ва ижодига таъсир кўрсатган омиллар

Аллома Мирзо Абдулқодир Бедил 1644 йили Ҳиндистоннинг Азимобод шаҳрида туғилди. Бедилнинг исми Мирзо Абдулқодир, баъзи бир тазкирачиларнинг ёзишларига қараганда, Чигатой улусининг Барлос элидан эканлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор. Садриддин Айнийнинг келтиришича, Бедил ва унинг қариндошлари номларининг “Мирзо” унвони билан бошланиши шуни кўрсатадики, боболарининг бири улуг бошлиқ “сардор” бўлиши мумкин. Чунки Ҳиндистонда атоқли бошлиқлар авлодини “Мирзо” деган фахрли унвон билан атаганлар ва улар ўзига хос бир табақа ҳисобланар эди.³⁹ Мирзо Бедилнинг буюк аجدодларимиздан бири эканлигини исботловчи яна бир мисолга диққатни қаратадиган бўлсак, “Мирзо” калимаси ҳақида Миён Бузрукнинг “Бедил” мақоласида қизиқарли маълумот келтирилади. “Бедилнинг исмидаги “Мирзо” калимаси унинг темурий сулоласидан эканига очиқ далилдир, чунки “хон” калимаси муғул сулоласига қандай хос бўлса, “Мирзо” калимаси ҳам темурийларга шундай хосдир. Бедилнинг боболари Ўрта Осиёдан Ҳиндустонга ғолиб Бобир Мирзо замонларидан бориб қолганлар ва Бангўлсмитда Азимобод шаҳрида ерлашганлар”,⁴⁰ деб ёзади муаллиф.

“Бедил” атамасини сўфиёна, ошиқона таҳлил этадиган бўлсак, дил, кўнгил, қалб билан боғланиб келаётгани кишини бефарқ қолдирмайди. “Бедил” бадий адабиётда “дилини қўлдан берган ошиқ” маъносини англатади. Шунингдек, ўз ишини жон-дили билан севган, кўнглини илм-фан ва адабиётга бағишлаган кишини англатиши ҳақида ҳам фикрлар мавжуд.⁴¹ Ушбу фикрнинг

³⁹ Садриддин Айний. Танланган илмий асарлар. Мирза Бедил. – Т.: “Фан”, 1978. – Б.265.

⁴⁰ Миён Бузрук. Бедил. // “Маориф ва ўқитувчи”. – 1928. № 1.

⁴¹ Иброҳим Муминов. Танланган асарлар. 1 жилд. – Т.: “Фан”, 1969. – Б.58.

исботи ўлароқ, яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, “Бедил” дейишнинг маъноси аниқ: ошиқ ёрга шу қадар маҳв бўлганки, маъшуқа тажаллий айлайдиган макони – дилнинг ўзини ҳам олиб қўйган, тамоман забт этган, шу сабабдан у бедил (дилсиздир).⁴² Дарҳақиқат, гарчи “Бедил” тахаллуси бир қарашда “дилсиз”, “қалбсиз” маъносида келса-да, аслида бутун қалби ва дилини Илоҳ ишқига бағишлаган ошиқ маъносини англатади. Файласуф шоир бу ҳақида шундай дейди:

*Бедил, осудатар аз мавҷи гуҳар хок шудем,
Рафтан аз хеш чи миқдор ба тамкин омад.*

Мазмуни: “Гавҳарнинг секин-секин мавж уриши билан увадаланиб, бедил бўлиб бордик, (энди) ўзликдан қутулишнинг (воз кечишнинг) қай даражада имкони қолди экан?”⁴³

Бундан шу нарса маълум бўладики, “бедиллик” ишқнинг мукамаллиги, ўзликдан кечиш, Аллоҳга бўлган чексиз ва барқарор муҳаббатнинг мартаба-даражасидир. Бир сўз билан айтганда, Бедил ўз қалбини Аллоҳга бағишлаган файласуф-шоирдир.

“Чор унсур” Бедилнинг ҳаёти ва дунёқарашини тадқиқ қилишда биринчи даражали манбадир. Бедил бу китобни 41 ёшидан бошлаб 55 ёшларида тугатган. Шунга қараганда, улуг мутафаккир бу китобни 1690 йилларда ёзган, деб тахмин қилиш мумкин. Ушбу асарида Бедил отадан етим қолгани, асосий тарбияси билан онаси шуғулланганлигини баён қилган. “Чор унсур”да келтирилган маълумотларга қараганда, файласуф шоирнинг ахлоқий қарашларининг шаклланишида асосий

⁴² Султонмурод Олим. Синган дил шишасининг ўзи – бир олам. // “Бедил ва ўзбек маънавияти” мавзuidaги халқаро анжуман материаллари. – Т.: “Мовароуннаҳр”, Техрон: “Ал-Худо” халқаро нашриёти, 2005. – Б. 103-104.

⁴³ Гулшани адиб. Намунаҳои назми тоҷик. Асрҳои XVI-XVIII. Ҷилди IV. – Душанбе: “Ирфон”, 1977. – Б.248.

омиллар сифатида аввало, онасининг тарбияси, сўнгра амакиси Мирзо Қаландар ва тоғаси Мирзо Зарифлар берган таълим-тарбия эканлигини англаб олишимиз мумкин. Бедил “Чор унсур” асарида отадан етим қолиб, асосий тарбияни онасидан олганлиги ҳақида шундай дейди: “Онам тарбияси мени шунчалик қўлладики, етти ой китоб варақлаб, кўзим хат танийдиган бўлди. Пировардида онадан туғма қувватим ожиз тилимни Қуръони каримни ўқимоқлик саодатига муяссар, кўзим ўтқирлиги ҳарф танимоқлик бахтига мушарраф этди. Сўнг ўн ёшга тўлганимга қадар эътиборни араб сарфу наҳви қоидаларини ўрганмоққа, фаҳму идрокимни форсий назму насрини тушунмоққа қаратдим”.⁴⁴ Демак, кўри-ниб турибдики, Бедил 7 ёшга кирганда ўқий бошлаган, Қуръон, ҳадисни мукаммал ўрганган. Кейинроқ эса, мадрасага ўқишга кирган. У 10 ёшига қадар араб грамматикасини, форсий назм ва насрни ўрганади. Бўлажак шоир дастлабки шеърларини болалигида ёза бошлаган. Садриддин Айнийнинг аниқлашича, Бедилнинг 10 ёшлигида ёзган шеъри қуйидаги мазмунда бўлган:

*Ёрам ҳар гаҳ дар суҳан меояд,
Буйи аҷибеш аз даҳан меояд.
Ин буйи қаранфул аст ё накҳати гул,
Ё роиҳаи мушки Хутан меояд?*

Мазмун:

*Ёрим қачон сузлаш учун оғиз очса,
Унинг оғзидан гул хушбўйлиги келади.
Бу – қалампирмунчоқнинг ҳиди ёки
Хутан мушкининг ҳидига ўхшайди.*⁴⁵

⁴⁴ Бедиль. Избранное. / Сост. Р.Хади-Заде. – Душанбе: “Ирфон”, 1984. – С. 135.

⁴⁵ Садриддин Айний. Танланган илмий асарлар. Мирзо Бедил. – 266 б.

Бедилнинг 10 ёшида ёзган бу шеърига ҳеч ким ишонмайди. Кимга кўрсатса, “бу сенинг шеъринг эмас”, деб уни кўнглини синдирадилар. Кичкина Абдулқодир эса бу ҳолдан ранжийди. Одамларнинг “ёш билан соқол-чопонга қарабон, ёлғиз шуларга аҳамият берган эссизлар, 10 яшар бир боланинг 4 йўл маъноли нарса ёзганини кўп кўрувчи ҳимматсизлар”⁴⁶ эканлигини англайди. Бедил болалик ҳаётини чуқур изланишлар билан бошлаганлиги унинг кейинги тақдирига ҳам, аниқроғи, буюк файласуф даражасига кўтарилишида жуда катта рол ўйнаган.

Мутафаккир илк илм сабоғини мадрасада олар экан, 15 ёшга тўлганида мадрасани тарк этишга мажбур бўлади. Мирзо Бедилнинг мадрасадан кетиш сабаби ҳақида ҳар хил фикрлар мавжуд. Масалан, Фитратнинг “Бедил”⁴⁷ асарида ушбу ҳолнинг сабаби мадрасада юз берган нохуш ҳолат, яъни у ердаги икки муллаваччанинг жанжаллашиб турганлиги ва бу ҳолни амакиси Мирзо Қаландар кўриб, қаттиқ ранжиганлиги, шундан сўнг Бедилни мадрасани тарк этишга чақирганлигида, деб кўрсатилади. Худди шундай сабаб Холида Айнийнинг “Бедил и его поэма “Ирфон” асарида ҳам келтирилган.⁴⁸ И.Мўминовнинг “Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари” китобида эса, Бедилнинг мадрасадан кетиш сабаби деб мадрасадаги эскича ўқитиш усули, диний – схоластик билимларнинг Бедилни қаноатлантирмаганлиги деб кўрсатилади.⁴⁹

⁴⁶ *Фитрат*. Бедил. – Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1996. – Б.44.

⁴⁷ *Фитрат*. Бедил. – Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1996. – Б.44.

⁴⁸ *Айний* Х.С. Бедил и его поэма “Ирфон”. – Сталинабад: Таджгосиздат, 1956. – С.40.

⁴⁹ *Мўминов И.* Философские взгляды Мирзы Бедия. – Т.: Изд. АН Узбекистан, 1957. – 32 с.

Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, кўплаб алломаларнинг илму тафаккури тараққиётига сабаб бўлган мадрасага нисбатан эскича ўқитиш усули сифатида қараш бир оз таҳлил талаб этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Бедилнинг мадрасадан кетишига И.Мўминов томонидан келтирилган сабаб тоталитар тузум мафкураси таъсиридаги бир ёқлама қараш, деб ўйлаймиз. А. Фитрат ва Х.Айний томонидан айтиб ўтилган сабаблар эса, Бедилнинг “Чор унсур” асарида қайд этган воқеага айнан мос келади. Унда “Кунлардан бир кун мусоҳаба мактабининг алломалари орасида мунозара бўлди. У авжига чиққанида баҳс ўчоғи аланга олди. Икки виждонсиз олим ўзаро бетамизларча гап талашур, ҳам ёлғонлик майдонини хўп жонлантирур ва енгилтаглик яловини баланд кўтарур эди. Бири зўр бериб англатган жаъмики нарсани бошқаси инкор этур эди. Буниси қизиқ деб билган нарсаларни униси номақбул деб топар эди. Даъфатан мағлубият бўронининг кутуриши туфайли улардан бири ожизлик терига ботди, бошқасининг эса, ғалаба мавжларидин мағрурлик томири бўртган эди”.⁵⁰

Ушбу ҳолнинг гувоҳи бўлган унинг амакиси Мирзо Қаландар бу одобсизлик доирасида билим бўлиши мумкин эмаслигини, билим олишда аввало одоб-ахлоқ муҳим роль ўйнашини таъкидлаб, Бедилни у ердан кетишга, мутасаввиф-сўфийлар даврасига қўшилишга чақиради.⁵¹ Демак, Мирзо Бедилнинг мадрасани тарк этишининг асосий сабаби, у ердаги муллаваҷчаларнинг ахлоқсизлиги ва бунинг оқибатида амакиси Мирзо Қаландарнинг Бедилга берган панд-насихати, уни илм – ирфонни ахлоқ билан безаган мутасаввиф алломалар даврасига таклифи, деб хулоса чиқариш мумкин.

⁵⁰ Бедиль. Избранное. – Душанбе: “Ирфон”, 1984. – С. 141.

⁵¹ Қаранг: Ўша жойда.

Ушбу масалага эътиборни қаратишимиздан мақсад шуки, Мирзо Бедилнинг ахлоқ, тасаввуфий ғоялар билан ижод қилган мутасаввиф шоир ва адиблар даврасига қўшилиши унинг бевосита мадрасадан кетиши билан боғлиқдир. Мирзо Қаландарнинг Бедилга берган ўғити ёш Абдулқодирнинг фалсафий мушоҳадасини кенгайтиришида ўзига хос бир мактаб ролини ўтаганлиги маълум. Шу ўринда Мирзо Қаландарнинг қуйидаги фикри диққатга сазовордир: “Ўй-ю фикрингни чин донолик сари бургилки, токи китобу суратсиз ҳам назарингда ҳақиқат пардаси намоён ва сукут мактабида олам сиру асрори аён бўлсун. Сенинг иқтидоринг – бутунлигинг заминидур, уйғунлигинг жумбоғи – табиатинг замиридур. Энди сен ўз иқтидорингни синаб кўрмоғинг ва салафларинг сўзидин огоҳ бўлмоғинг даркорким, алар сиймосида ҳақиқат нафислиги ва фикрлар зарифлиги намоёндур”.⁵² Агар ушбу панду насихатни диққат билан таҳлил қиладиган бўлсак, биз учун Бедил ҳаётини диний-тасаввуфий қирралари айнан ушбу ҳолат билан бошланишига гувоҳ бўламиз.

Амакиси Мирзо Қаландарнинг юқоридаги панду насихатларига кулоқ солган Мирзо Бедил китоблар мутолааси билан машғул бўлиб, имкон қадар ўқиганлари устида жиддий бош қотиради. Бедил ўзи тушуниб етмаган, моҳиятини чуқур англамаган муаммолар юзасидан Мирзо Қаландардан маслаҳатлар сўраб, унинг ёрдами билан масалаларни теранроқ ёритиш қобилиятини аста-секин ошириб борди. Мирзо Қаландарнинг далда берувчи сўзларининг майинлиги ва ёқимлилиги Бедилнинг илмга янтилишлари “чироғида гўё мой улуши”ни ошириб борар эди.

Мирзо Қаландарнинг қалб покизалиги, илм-маърифатда ахлоқий қадриятлар устуворлиги, борлиқни сўфиёна англаш ва қадрлаш каби насихатлари кейинчалик

⁵² *Бедиль. Избранное.* – С.141-142.

Бедилнинг бутун умри давомида ҳаётий тамойилларга айланиб, фалсафий қарашларининг мағзи сифатида қаралган.

Мирзо Қаландардан ташқари Бедилнинг тарбияси билан унинг тоғаси Мирзо Зариф ҳам жиддий шуғулланади. Мирзо Зарифнинг асосий касби тижоратчилик бўлиб, шунга қарамай, у Куръон ва ҳадис илми, араб грамматикаси ҳамда адабиётни чуқур ҳис қилган шахс бўлган. Шунинг учун ҳам Бедилнинг илм-саводининг янада ўсишида, адабиётга меҳр қўйишида Мирзо Зарифнинг таъсири катта бўлган, десак янглишмаймиз.

Бедилнинг “Чор унсур” асарида ёзилишича, 14 ёшида қариндош-уруғлари билан биринчи саёҳатга чиқади. Бихар ва Банголордаги маҳаллий рожаликларни бориб кўради. 1661 йилда Бедил тоғаси билан Удеса шахрига сафар қилиб, машҳур мутасаввиф Шоҳ Қосим Хувалло қўлида 2 йил таълим олади. Форсий тилдан ташқари ҳинд ва араб тилларни ҳам мукаммал ўрганади ҳамда ушбу тилларларда яратилган бадиий ва илмий адабиёт билан яқиндан танишади. 1663 йилда Бихар вилоятидан Ҳиндистон пойтахти Деҳлига сафар қилади. Бедил Деҳлида Шоҳ Қобулий номли донишманд билан танишиб, ундан руҳият сир-асрори – ҳол илмини ўрганади.

Мирзо Бедил “Чор унсур” асарида мутасаввиф сўфий Шоҳ Қобулий билан танишгани ва ундан ўрганган илмлари ҳақида баъзи лавҳаларни келтириб ўтган. Унда таъкидланишича, Бедил Деҳлидан ўтиб боришида мутасаввиф издошларидан бирининг қариндоши-никида йиғилган сўфийларнинг мажлисида иштирок этади ва мажлисда иштирок этаётганларнинг биридан мутасаввиф Шоҳ Қобулий ҳақида қизиқарли маълумот эшитиб қолади. Унда “Ушбу кунларда аллақандай мажзуб бир вайронани ўз ташрифи билан безабди ва шу масканда яшаб қолиб, уни мунаввар этибди. Аҳволига хос хусусият шуки, қаршисига қанча мўл таом қўйма-

синлар, бу унинг учун ўт-оловга хас-чўп отмоқлик ва қанчалик сув келтирмасинлар бу – тупроққа томчи то-мизмоқлик кабидур.

Ул зот қанчалик хоксор бўлмасин, улуғворлигининг салобати босадик, унинг тамойилини кўз ўнгинга келтирмоқни истасанг, ақлу идрокинги ваҳимасидан рангинг бўзарар ва улуғворлиги нуридан кўрқув ичра кўзинг хира тортади. Зиёратига борганимизда ул зот уйку оғушида эди. Муболағасиз айтиш мумкинки, ул зот гўё сояда ухлаётган куёш ва гирдобдан яширин денгиз каби эди”⁵³, деган гапларга гувоҳ бўлади. Бу суҳбат Бедилнинг қалбида Шох Қобулийга нисбатан ғойибона ихлос ва иродат пайдо бўлишига туртки бўлади. Қизиги шундаки, ўша йиғинда мажлис аҳлининг суҳбати ниҳоясига етиб қолганда, Шох Қобулий ҳам ғойибдан етиб келган ва Мирзо Бедил билан учрашган экан.

Бедилнинг Шох Қобулий билан илк учрашуви ҳақида “Чор унсур”да келтирилган мазкур маълумотлар Бедилнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги янги жиҳатларни тадқиқ этиш имконини беради. Бедил Шох Қобулий билан юзма-юз бўлган учрашув ҳақидаги баёнида шундай дейди: “Мен унинг моҳиятини ўрганмоққа интилганим сари қандайдур заройиб бир нарсა кўзларимни тўсиб турар ва қандайдир ҳушсизлик ақлу идрокимни бўғиб олган эди. Нима воқеа бўлганлигини англаб олгунимга қадар ул панду насиҳатнинг чақноқ офтоби – Шох Қобулий кўзимдин яшин каби ғойиб бўлди ва ҳақиқатни билиш ойинасининг безуборлиги саросималик ила алмашинди”.⁵⁴

Мирзо Бедил Шох Қобулий билан илк учрашуви таассуротини баён этар экан, биз бундан мутасаввиф Шох Қобулий Бедилнинг руҳий оламига қанчалик яқинлашиб бораётганининг гувоҳи бўлишимиз кийин

⁵³ Бедиль. Избранное. – С.160.

⁵⁴ Ўша манба. – Б.167.

эмас. Зеро, Бедилнинг фалсафий-тасаввуфий қарашларида бу воқеанинг ҳам ўз таъсири бўлганлиги шубҳасиздир. Бедил Шоҳ Қобулий билан юзма-юз бўлган учрашув ҳақидаги баёнида *"Биз рубару ўлтириб олдик, тасвирлар зиёфатидаги каби оғиз очмай ва ойинадаги аксимиз каби суз сузламай ўлтирар ва лекин бир-биримизга диққат ила тикилур эдик. Ва шу фурсатда завқу шавқимиз юзлаб идишдаги майнинг кайфидин зиёда эди, ой жамолининг ошкора нафосати, яъни марҳамат-муруввати, минг-минг баҳор ҳуснига қиёс қилгулик эди"*⁵⁵, деб эслайди.

Бедил Шоҳ Қобулийни яна кўрмоқ ва у билан суҳбат кўрмоқ истаги билан уни жуда кўп марта излагани ва бир кунни Деҳли бозорида учратганини зўр ҳаяжон билан эслайди. У Шоҳ Қобулий билан бўлган мулоқотни куйидагича қайд этади: *"Камина сўрадим: "Ҳозир мен қандоқдурмен?" Ул зот марҳамат айлади: "Қандоқ бўлсанг ва ўзингга қандоқ кўринсанг, шундоқдирсен. Юриш-туришингдаги ўзгариш – куч-қудрат намоёнига, аҳволингдаги ўзгариш – узлуксиз гуллаб-яшнашга асосланмишидир. Бунда ранг-бўёқ бўронидин баҳор гузаллиги пайдо бўлур, тўлқинлар жунбуши баҳри муҳитни қирғоқ ҳаддидан нарига оширибдур..."*

Мирзо Бедил томонидан баён этилган юқоридаги маълумотлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Бедилнинг мураккаб ҳаёти ва ўз ҳаётий тажрибасидан келиб чиққан иррационал ҳолатлари файласуф-шоир ижодининг серқирра бўлиши ва мураккаблашиб боришига улкан таъсир кўрсатган.

Мирзо Бедил ва Шоҳ Қобулийларнинг турли ҳолатдаги ғайритабиий учрашув ва баҳслари Мавлоно Жалолиддин Румий билан унинг дўсти Шамсиддин Табризийларни эслатади. Чунки Жалолиддин Румийнинг яқин дўсти ва маслакдоши Шамсиддин Табризийдан

⁵⁵ Бедиль. Избранное. – С.167.

бироз вақт айрилган ҳолати билан Мирзо Бедилнинг Шоҳ Қобулийни иккинчи марта учратиб, яна йўқотганидаги ҳолатлари бир-бирига яқин ва ўхшашдир.

Жалолиддин Румий Шамсиддин Табризийнинг Кўндан ғойиб бўлганидан изтироб чекиб шундай дейди:

*Эи азий дуст, кўзларим гирён, мени тарк айлама,
Кетма, мендан йироқ, осмон, мени тарк айлама.
Ер, менинг пойимда тур, даврон, мени тарк айлама,
Ўзга оламга юриб, карвон, мени тарк айлама.
Жисмаро жонсен ҳамиша, жон, мени тарк айлама*⁵⁶.

Бедил ҳам Шоҳ Қобулийни йўқотганида қаттиқ изтироб чекиб, айтган фикрлари Жалолиддин Румийнинг ҳолатига яқинлигини кўрамиз. Жумладан, Бедил шундай дейди:

*Ўшал табиб афсун тилсимин аён этди-да, кетди,
Кўзларимни ҳайрат кўзларила даво этди-да, кетди.
Кўз унгимда яна баҳор чақнаб, қалб уришидан
Ҳар сочим толасини нолон булбулга ошён этди-да,
кетди.*

*Ўй-ю фикрим олган ул гузалдин ҳайратдамен,
Бори оламини фикрдек пинҳон этди-да, кетди.*⁵⁷

Дарҳақиқат, тасаввуф оламининг таъсири Шоҳ Қобулий тимсолида Мирзо Бедилни ўзига жалб этган. Файласуф борлик, инсон, унинг камолоти масалалари, ўзликни англаш ва ўзликдан кечиш каби фалсафий масалалар устида баҳс юритганда ўз ҳолатидан келиб чиқиб фикр қилган.

Мирзо Бедил 25 ёшида уйланиб, Аврангзебнинг ўғли Аъзамшоҳ даргоҳида навкарлик хизматида бўла-

⁵⁶ Радий Фиш. Жалолиддин Румий. – Т., 2005. – Б. 172 – 173.

⁵⁷ Бедиль. Избранное. – С. 165 – 166.

ди. Бедилнинг шоирлигини сезган Аъзамшоҳ ундан ўзи ҳақида қасида ёзишни сўрайди. Ҳеч қачон ҳеч кимга маддоҳлик қилмаган хурфигрли Бедил бу истакни ба-
жармай, навкарликдан воз кечиб, Акбарободга боради. Аммо кўп ўтмай яна Деҳлига қайтади. Мамлакатдаги нотинчлик, турли вилоятлардаги ғалаёнлар сабабли Бе-
дил Панжобга кетишга мажбур бўлиб, Лоҳур, Мултон, Кашмир, Сарҳинд каби шаҳарларни кезиб чиқади, та-
ниқли шоирлар ва олимларнинг суҳбатдан баҳраманд бўлади. Қадимги ҳинд тарихи ва ривоятларини ўрга-
нишга киришади.

Бедил ҳикмат – фалсафа ҳамда ҳандасага оид са-
лафларининг асарларини ўрганди. Амакиси Мирзо Қа-
ландардан бошқа Ҳиндистоннинг атоқли сўфийлари
Мавлоно Камол, Шоҳ Қосим, Ҳуваллайҳий, Шоҳ Фо-
зил, Шоҳ Абдулфайз, Мирзо Зариф деган кишилардан
илм ўрганади, Шайх Камолдан бевосита таълим олади.
Бедилнинг айтишича, Шайх Камол маърифатпарвар
киши бўлиб, ҳинд тили ва фалсафасини яхши эгал-
лаган, шу соҳаларда Бедил билан суҳбатлар ўтказган.
Шайх Камол вафотидан кейин Шоҳ Фозил, Шоҳ Абдул-
файз исмли олимлардан таълим олган.⁵⁸ Бедил, айтиш
мумкинки, бутун умри давомида илм ўрганди. Буни
унинг ўзи “Куллиёт”ига ёзган муқаддимасининг сўнги-
да келтирилган шеърда ҳам таъкидлаб ўтган:

*Навиштам онҷӣ дил фармуд, хондам ҳар чӣ неш омад,
Маро беихтиёриҳо ба хиҷлат муттаҳам дорад.*⁵⁹

Мазмуни:

*Нимаики кўнгил истади, ўшани ёздим, нимаики тўғри
келди, ўшани ўқидим.*

Ихтиёрсизликлар мени хижолатга қўяди.

⁵⁸ Қаранг: Мирзо Бедил. Рубоийлар / Ш.Шомухамедов тарж. – Т.: “Адаби-
ёт ва санъат”, 1974. – Б. 4.

⁵⁹ Овозҳо-йё Бидэл. Наср-э адабӣ (“Руқъэот”, “Нуқот”, “Эшорот”, “Чаҳор
унсур”). Тасҳиҳ: Акбар Бэхдорванд. – Тэхрон: Муассасэ-йё энтэшорот-э
“Нэгоҳ”, 1386. – С.26.

Бедил 1696 йилгача умрини саёҳатда ўтказди, ҳинд халқининг ҳаёти, маданияти ва қадимги ёзма ҳамда оғзаки ижод ёдномалари билан яқиндан танишди. Мамлакатдаги нотинчлик ва нохушликлардан қаттиқ изтироб чекди. Бу вақтга келиб Ҳиндистоннинг айрим ороллари ҳамда океанга чиқадиган қўлтиқ, бандаргоҳларини Англия, Португалия каби Европа давлатлари босиб ола бошлаган эдилар. Бу ҳол Ҳиндистондаги сиёсий вазиятни янада кескинлаштириб, ҳинд халқи аҳволини оғирлаштираётган эди.

Мамлакатдаги ана шундай воқеалар, ташқи томондан бўлаётган ижтимоий-сиёсий таҳдидлар, иқтисодий ночорлик Бедил дунёқарашига, хусусан, унинг ижтимоий-сиёсий, ахлоқий, маърифий қарашларига таъсир қилди. Натижада, у ўзининг ижодида ватанпарварлик, инсонпарварлик, турли дин ва мазҳабдаги қавмларнинг ҳамжиҳатлигини тарғиб этди. Чунки Ҳиндистонда ислом дини, ҳиндуизм ва бошқа динларга эътиқод қилувчилар ўртасида ҳам низолар, келишмовчиликлар бўлиб турар эди.

Мирзо Бедил Ҳиндистонда ўн бир подшоҳ ҳукмронлик қилган даврлардаги ижтимоий-сиёсий воқеаларга гувоҳ бўлиб, 1721 йилда 77 ёшида Дехли шаҳрида вафот этди.

Мирзо Абдулқодир Бедил умрининг охиригача мутасил ижод қилиб, кўплаб лирик шеърлар – ғазаллар, қасидалар, рубоий ва қитъалар, ижтимоий-фалсафий, маънавий-ахлоқий ва таълимий руҳдаги маснавийлар, дostonлар ва насрий асарлар яратди. Файласуф шоирнинг илмий-ижодий фаолияти 1665-1670 йиллардан бошланиб, 60 йил давом этди.

Мирзо Бедил ҳинд, эрон, араб каби Осиё халқларининг илмий меросини чуқур ўзлаштирган етук олимдир. Булардан ташқари, Мирзо Бедил Рудакий, Низомий, Санойи, Атторм, Саъдий, Румий, Ҳофиз, Жомий,

Навоийларнинг асарларини ҳам чуқур ўрганган ҳамда улар идеалига ҳамнафас эканлигини ҳар қадамда намоён эта олган шахсдир.

Бедил 120 минг мисрадан ортиқ чуқур фалсафий-ирфоний мазмундаги шеърлар ва 20 босма табокқа яқин насрий асарлар ёзиб қолдирган. Унинг “Куллиёт”и “Ирфон”, “Чаҳор унсур”, “Ишорот ва ҳикоят” каби 16 та мустақил асарни ўз ичига олади. Бедилнинг “Муҳити аъзам”, “Тури маърифат”, “Тилисми ҳайрат”, “Девон”, “Рубоийёт”, “Ишорот” каби асарлари шеърӣ, “Чаҳор унсур”, “Нукот” ва “Руқъаот” каби асарлари насрий (аммо назм аралаш) ҳисобланади.

Мирзо Бедил 1669 йилда ёзган “Тилисми ҳайрат” маснавийсида инсон жисми ва руҳияти ҳақида баҳс юритади. Бу асар 7500 мисрани ўз ичига олади. Бедилнинг “Ғазалиёт”, “Таркиббанд ва таржеъбанд”лари унинг “Девони”да гупланган. “Ишорот” асари 224 байтдан иборат маснавий жанрида ёзилган бўлиб, асосан инсон, ҳаёт, табиат ҳодисалари ва қисман тасаввуф таълимотига оид масалалар баёнига бағишланган. Асарнинг бошланишида муаллифнинг ўзи уни “Нукот”га тегишли ишоралар”, деб атаган.⁶⁰

Бедилнинг 1681 йилда ёзган “Муҳити аъзам” асари 9 минг мисрадан иборат маснавий бўлиб, унда тасаввуф аҳли ҳаётига оид ҳикоялар, мусиқа таърифи ва бошқа маънавий масалалар хусусида баҳс юритади. Бедил Ҳиндистоннинг гузал табиятини, бетакрор тароватини ўзининг 1687 йилда ёзган “Тури маърифат” (Маърифат тоғи) маснавийсида ранг-баранг жилолар билан ифодалайди. Бу асар асосан Байрот тоғига бағишланиб, 3 минг мисралик асардир. Бунда Байрот тоғи Мусо тоғига қарши қўйилади.⁶¹

⁶⁰ Қаранг: Овозҳо-йэ Бидэл. Наср-э адабӣ (“Руқъэот”, “Нукот”, “Эшорот”, “Чаҳор унсур”). – С.325-333.

⁶¹ Қаранг: *Фитрат*. Бедил. – Б. 47.

Мирзо Бедил асарларининг гултожи бўлган “Ирфон” шоир томонидан 1712 йилда ёзиб тугалланган. “Ирфон” (араб тилидаги “ъарафа” сўзидан олинган бўлиб, “танимоқ”, “билмоқ”, “билиш”, “билим”, “тушунish”, “таниш”, “англаш”, “идрок этиш”, “илоҳий билимлар” каби маъноларни англатади) маснавийсида файласуф шоирнинг фалсафий, тасаввуфий ва ахлоқий қарашлари ифодаланган. Бедилнинг ўзи бу асар ҳақида

*Мешавад сози нусхаи “Ирфон”,
Ҳиссае аз таважжуҳи инсон –*

деб ёзади. Яъни, “Ирфон” да инсонга эҳтиром созидан нусха берилади, унинг таважжуҳлари ҳақида баён қилинади.⁶² Унинг ҳажми 2 минг байтдан иборат бўлиб, унинг таркибида турли ҳикоялар, шеърий парчалар, ҳатто дostonлар ҳам ўрин олган. Машҳур “Комде ва Мудан” дostonи ҳам ашу асар таркибида берилган. Асарнинг “Муқаддима”сида инсоннинг таъриф-тавсифига кенг ўрин ажратилади. Инсоннинг улуғворлиги, кўп нарсани бажаришга қодир улуғ бир зот эканлиги, ақл-идроки билан ўзга махлуқотлардан фарқ этишини кўрсатиш билан бирга номукамал, ўжар, мол-дунёга ўч бўлган инсондан ярамас иллатлар содир бўлишини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Бедилнинг бутун ижодий фаолияти давомида ёзилган иккинчи йирик насрий асари – мактублар тўплами унинг “Руқъаот” номли асарида жамланган. “Руқъаот” форс-тожик тилидаги мураккаб насрда, гоҳида сажъ санъатидан фойдаланган ва мавзу мазмунига мос кичик шеърий парчалар – ғазаллар, кичик маснавийлар, рубойлар, қитъалар ва байтлар билан безатилган 288 та

⁶² Қаранг: *Мирзо Бедил. Рубойлар.* / Ш.Шомухамедов тарж. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1974. – Б. 4.

руқъадан иборат.⁶³ Ушбу шеърӣй парчалар Бедилнинг “Девон”и ёки бошқа шеърӣй асарларида учрамайди. Руқъаларнинг аксарияти Бедилнинг Шокирхон, Шукруллоҳхон, Карамуллоҳхон, Ҳусайнкулихон Баҳодур, Мирзо Зайнулобидин каби энг яқин дўст-биродарлари ва маслакдошлари номига битилган. Энг характерлиси шундаки, Бедилнинг мактублари бир томондан тарихий-автобиографик аҳамиятга эга бўлса, иккинчи томондан бадиий-адабий ва илмий-фалсафӣй қимматга ҳам эгадир. Бедил мавриди келганда руқъаларида ўзининг фалсафӣй-ирфонӣй ва ижтимоӣй-ахлоқӣй фикрларини ҳам баён этишга ҳаракат қилган. Шу нуқтаи назардан олганда ушбу асарни алоҳида тарзда чуқур илмий таҳлил ва тадқиқдан ўтказиш зарурати туғилади.

Бедилнинг форс-тожик тилидаги мураккаб насрда ёзилган энг йирик асари – “Чаҳор унсур” (тўрт унсур: ҳаво, сув, тупроқ, олов) асосан автобиографик характерга эга асар бўлиб, ғазал, маснавий ва байт каби кичик шеърӣй парчалар билан безатилган. 1703 йилда ёзилган мазкур асарда Бедилнинг таржимаи ҳолига доир маълумотларга, унинг яшаган даврини акс эттирувчи воқеа-ҳодисаларга ҳам кенг ўрин берилган. Асарда, шунингдек, фалсафӣй, ахлоқӣй ва ижтимоӣй масалалар ҳам баён этилган.⁶⁴

Бедилнинг фалсафӣй асари “Нуқот” (Ҳикматлар, маънолар) 75 нуктадан иборат. Ҳар бир нукта қисқача насрий парчалар билан бошланиб, “Руқъаот”даги шеърӣй парчаларга нисбатан ғазал, маснавий, таркиббанд, таржеъбанд каби каттароқ шеърӣй жанрлар билан давом эттирилади. Умуман олганда, асосан фалсафӣй-ахлоқӣй мавзуларга бағишланган “Нуқот” кўпроқ назмий асарлар мажмуасига ўхшаб кетади.⁶⁵

⁶³ Қаранг: Овозҳо-йе Бидэл. Наср-э адабӣ (“Руқъэот”, “Нуқот”, “Эшорот”, “Чаҳор унсур”). – С.29-182.

⁶⁴ Қаранг: Овозҳо-йе Бидэл. Наср-э адабӣ (“Руқъэот”, “Нуқот”, “Эшорот”, “Чаҳор унсур”). – С.337-672.

⁶⁵ Овозҳо-йе Бидэл. Наср-э адабӣ (“Руқъэот”, “Нуқот”, “Эшорот”, “Чаҳор унсур”). – С.185-322.

Бедилнинг ўзига хос услуби бор. Унинг асарларида ўта нозик ташбеҳлар ва айниқса, киноя ва истиоралар кўп учрайди. Бедил ўз фикрларини очиқ-ойдин айтмайди. У ўз асарларида китобхон фаҳму фаросатига кўпроқ таянади ва унинг ақлу заковатига комил ишонч билан қарар экан, кўп ҳолларда эътиборли ижтимоий масалаларни ифода этмоқ учун ҳаётдаги маълум воқеаларни кўздан яшириш билан қаноатланади. Бунинг англаш ва тушунишни китобхоннинг ўзига ҳавола этади:

*Ҳар бир рамз сен билан менда, эй инсон,
Нозикфаҳмларга бу сирлар аён.
Ёқуб димоғидек нигоҳ пайдо қил,
Кўйлағи исиди Юсуф намоён.⁶⁶*

Демак, Юсуф ва Зулайхо афсонасидаги Яъқуб Юсуфнинг кўйлағи ҳидида ўз ўғлини кўра олгани каби, нозикфаҳм китобхон ҳам кичик бир ишорадан улкан бир фалсафий фикрни англаб ола билиши керак.

Дарҳақиқат, Мирзо Бедил ғояларини ифодалаган асарлар мазмунини тушуниш осон кечмайди. Ана шу соҳаларнинг барини ўзлаштирган одамгина Бедил айтганларидан хабардор бўлиши мумкин. Бедилнинг ўзи бу ҳақда шундай ёзган эди:

*Маъниини баланди ман фаҳми тунд меҳоҳад,
Сайри фикрам осон нест, кўҳаму кутал дорам.⁶⁷*

Мазмуни:

*Юксак маъноларимга етиш учун учқур зеҳн даркор,
Фикрим сайрини этмоқ осонмас, тоғман — доволларим бор.*

⁶⁶ Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубойлар. / Ш.Шомухамедов тарж. — Б.96.

⁶⁷ Қаранг: Бедил. Куллиёт. — Бомбей, 1882.

Бу эса Бедил асарлари юзига парда тортади, унинг ҳақиқий маъносини барча ҳам дарҳол кўриб, пайқаб ололмайди. Шунинг учун ҳам Бедил асарларини ўқиб, уни китобхонларга тушунтириб берувчи “Бедилхонлар” майдонга келдилар.⁶⁸

1880 йилда Тошкентнинг Бешёғоч даҳасидаги Чорсу маҳалласида боғбон оиласида тугилган шоир, таржимон ва ношир Саййид Ҳайбатуллоҳхўжа Хислат томонидан 1914-1915 йилларда ёзилган “Тухфаи Хислат” баёзида⁶⁹ бедилхонлик ҳақида маълумотлар келтирилган. Унда таъкидланишича, бедилхонлик суҳбатларида қатнашган Ҳофизхон ўғли Азизхон шундай ҳикоя қилади: “Зиёлилар орасида бедилхонлик энг олий суҳбатлардан ҳисобланарди. Агар бошқа бир шаҳар ёки ўзга юртлардан бирор машҳур бедилхон келганлигини эшитиб қолинса, билимдонлар ўша одам қатнашган суҳбатда бўлишга интилар эдилар. Эсимда, 20-йиллари Қозондан Мусо Жоруллоҳ исмли олим келиб, бедилхонлик мажлисларида ғолиб чиқа бошлади. Чорсуда Мухторхон исмли машҳур бедилхон яшар эди. Уни Мусо Жоруллоҳ қатнашган бир суҳбатга таклиф қилган эканлар. Суҳбатда Бедилнинг бир байтидан Мухторхон ўн икки маъно топибди. Шунда қозонлик меҳмон унга тан бериб, бу айтилган маъноларнинг ярми унга янги эканлигини, аммо булардан ташқари яна етти маъно ҳам бор эканлигини баён қилган. Демак, улар иккаласи бир байтдан ўн тўққиз маъно топишган экан”.⁷⁰

Бундан кўриниб турибдики, юртимизда Бедил ижодига, фалсафасига қизиқиш ниҳоятда кучли бўлган.

⁶⁸ Қаранг: Муминов И. Философские взгляды Мирзы Бедия. – Т.: АН Уз. 1957. – С. 39.

⁶⁹ Баёз – шоирларнинг танланиб, чуқур мулоҳаза билан тартиб берилган, турли дунёқарашдаги, турли бадий тайёргарликка эга бўлган ўқувчиларнинг талаблари ҳисобга олинган шеърлар тўплами.

⁷⁰ Саййид Ҳайбатуллоҳ хўжа Хислат. Тухфаи Хислат. – Т.: “Нур”, 1992. – Б.4.

Жадидчиликнинг айрим Ғарбдаги тадқиқотчилари, жумладан, Элен Каррере Д'Энкоус, А.Бенингсон, Хисао Куматсуларнинг қайдларига кўра, Бухорода жадидчиликнинг вужудга келишида дастлаб Бедил фалсафасининг, сўнгра Аҳмад Дониш асарларининг муайян ўрни бор.⁷¹ Буни исботи ўлароқ шуни таъкидлашимиз мумкинки, маърифатпарвар шоир ва олим Фитрат ёшлигиданок Бедил рубоийларини ўқиб, ундан таъсирланган ва ўз ижодида Бедилни устоз, деб билган. Фитратнинг ижтимоий-сиёсий ва бадий қарашларининг шаклланишида Мирзо Абдулқодир Бедилнинг ҳаёти ва илмий мероси, фалсафий қарашлари ўзига хос бир мактаб бўлган, десак муболаға бўлмайди.

Хуллас, Мирзо Абдулқодир Бедилнинг ҳаёти ва ижодига таъсир кўрсатган асосий омиллар сифатида қуйидагиларни қайд этишимиз мумкин:

– Мирзо Абдулқодир Бедилнинг буюк мутафаккир, шоир ва файласуф бўлиб етишишида Шарқ алломаларининг, мутасаввиф шоирларнинг ижоди алоҳида аҳамиятга эгадир. Айниқса, Жалолиддин Румий, Саъдий Шерозий, Фаридиддин Аттор, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби мутафаккирларнинг ижоди Бедилни ҳар доим қизиқтириб келган. Манбаларда келтирилишича, Бедил Саъдийнинг “Тулистон” ва “Бўстон”ини мароқ билан ўқиган ва унинг таъсири билан бу ҳақда ўзига “Бедил” тахаллусини олган.⁷² Албатта, файласуф ижодида Қадимги Юнонистон мутафаккири Арастунинг таъсири ҳам салмоқли бўлган. Биз буни Бедилнинг “Ирфон” асарининг бир неча саҳифалари Арастуга бағишланганидан ҳам билиб олишимиз мумкин. Бедилнинг дунёвий илмлар соҳасидаги

⁷¹ Қаранг: *D'Encausse Helene Carrere. Islam and the Russian empire. Reform and revolution in Central Asia.* – London. 1988. – P. 88, 207.

⁷² Иброҳим Мўминов. Танланган асарлар. 1-жилд. – Т.: “Фан”, 1969. – Б. 58.

изланишларига ўз навбатида Арасту билан бир қаторда Беруний, Форобий, Ибн Сино, Улугбек, Бобур каби алломаларимизнинг таъсири ҳам бўлган. Бедил уларнинг ижоди билан яқиндан таниш бўлганлиги шубҳасиздир;

– Мирзо Абдулқодир Бедилнинг отадан жуда эрта етим қолиши сабабли унинг тарбияси билан онаси шуғулланади. Онаси асосий эътиборни Бедилнинг тарбиясига ва шу билан бирга илм олишига қаратади. Буни биз онасининг ёш Абдулқодирни 6 ёшидан бошлаб алифбо ўқишга ўргатиши, Куръон ва ҳадис илмларини ўқиш-ёзишга ўргатишидан билишимиз мумкин. Бу ҳол, албатта, Мирзо Абдулқодир Бедилнинг буюк файласуф ва шоир бўлиб етишишида ўзининг самарали таъсирини кўрсатганлиги шубҳасиздир. Она меҳри, онанинг панд-насиҳатлари Бедилни бефарқ қолдирмади. Биз буни файласуф-шоирнинг меҳр-муҳаббатга тўла рубоийлари ва ғазалларидан ҳам сезишимиз мумкин;

– Мирзо Абдулқодир Бедилнинг ҳаёти ва ижодига ижобий таъсир кўрсатган омиллар нафақат унинг онасининг тарбияси, балки амакиси Мирзо Қаландар ва тоғаси Мирзо Зарифларнинг илм ва ахлоқ йўлидаги тарбияси ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Чунки Мирзо Қаландар ва Мирзо Зарифлар ўз даврида етук илм эгалари ҳисобланганлар. Улар тасаввуф адабиётини, араб грамматикасини яхши билишган. Бу эса Мирзо Бедилнинг илм-маърифат йўлидаги изланишларига ҳам ижобий таъсир кўрсатган. Бедилнинг буюк мутафаккир ва етук инсон бўлиб етишишида амакиси Мирзо Қаландарнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга дейиш мумкин. Чунки илк мадраса сабоқларини ола бошлаган Бедилни ушбу масканни ташлашга чақирган амакиси бунинг сабабини ниҳоятда кенг ва узоқни кўра олиш қобилияти билан тушунтириб берадики, бу ҳолат Бедил ҳаётида катта бурилиш ясаган, десак муболаға бўлмайди. Чунки Мирзо Қаландар илм ва ахлоқни бир-бири билан узвий

боғлиқ ҳолда қараб, лекин тарбияга лоқайд муносабатда бўлган илмдан юз ўтиришни, доноликка нафақат китоб орқали, балки иқтидорли салафларнинг сўзларига ошно бўлиш орқали эришиш мумкин эканлигига урғу беради. Шунингдек, улар сиймосида ҳақиқат нафислиги ва фикрлар зарифлиги намоён бўлишини таъкидлаб, Бедилни донолик сари юз буришга чақиради. Биз ҳеч иккиланмай айтишимиз мумкинки, бу ҳолат Мирзо Абдулқодирнинг диний-тасаввуфий дунёқарашида катта мактаб бўлган. Бедилнинг “Чор унсур”, “Ирфон”, “Тилисми ҳайрат”, “Муҳити аъзам” каби асарларида борлиқни тасаввуфий таҳлил қилиш, инсоннинг ўз-ўзига муносабати масалаларида ақл, ахлоқ, донолик, комиллик муаммолари бевосита тасаввуф таълимоти ғоялари асосида илгари сурилган.

Бедилнинг бой маънавий мероси, ахлоқий қадриятлари Марказий Осиё мутафаккирларини бефарқ қолдирмаган. Кейинги даврларда бу улкан маънавий мерос алломаларимиз, адиб ва файласуфларимиз томонидан ривожлантирилган.

3. Мирзо Бедил ахлоқий қарашларида фалсафа ва дин масалалари

Мирзо Бедил ижтимоий-ахлоқий қарашларининг шаклланишида турли фалсафий ва диний таълимотларнинг таъсирини кузатишимиз мумкин. Қадимги юнон фалсафаси, ўрта асрлар даври Ўрта Осиё ижтимоий-фалсафий, диний-тасаввуфий таълимотлари, ўрта асрларда Ҳиндистонда пайдо бўлган *Бҳакти* диний-фалсафий ғоялари ва бошқалар шулар жумласига киради. Бу фалсафий ва диний таълимотлар ўз ўрнида Мирзо Бедил дунёқарашига ҳам маълум даражада таъ-

сир кўрсатган. Шулардан Ҳиндистонда кенг тараккий этган *Бҳакти* ҳаракати ва Ўрта Осиёда шаклланган *та-саввуф* таълимотига алоҳида тўхтаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Манбаларда келтирилишича, “бҳактий” сўзи луғавий жиҳатдан “муҳаббат” ва қисман “ибодат” маъноларини англатади.⁷³

Ведаларда келтирилган маълумотларнинг тасдиқлашича, бҳактий Тангри Нараян, яна шунингдек, *Бҳагавад* номи билан ҳам аталган. Бинобарин, “бҳач”, “бҳаж”, “бҳага” – улуш, бўлиниш, насиба сўзлари этимологияси рамзида “ризқ-рўзни бўлиб берувчи Тангрига нисбатан шукрона” қабiliдаги эмоционал муносабат, “муҳаббат ва садоқат”ни билдирувчи “бҳактий” атамасида акс этади. Н.Низомиддиновнинг “Жануби Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимотлари ва ислом” асарида илк бор Бҳагавад-гитада изҳор қилинган бҳактий, ўрта аср бошига келиб мустақил таълимот мақомида кенг қулоч ёйган, деган фикр илгари сурилади. “Бҳактий” ҳаракати ўз моҳияти билан адолатсизликка, зулмга қарши қурашга отланган ҳаракат эди. Бҳактийлар – адолатпарвар халқ ҳаракатининг иштирокчилари ҳисобланган.

Руҳан ва маънан мусулмон мутасаввифларига яқин бўлган бҳактийлар одатда уч тоифага бўлинганлар: норасо, туғма, ҳақиқий. Уч тоифадаги бҳактийлар ўз табиати ва феъл-атвориға қараб яна тўртга ажаралганлар: сокин, қизиқувчан, дунёвий ҳамда илоҳий билимға нойил садоқатпешалар. Уларнинг орасида биринчи учтаси мўътадил бҳактийлар бўлиб, тўртинчиси, дунёвийликдан узоқ бўлганлиги учун Тангриға энг яқин ва ёқимлиси ҳисобланган. Тангри билан бҳактийлар ўртасидаги садоқат ришталари одатда уларнинг маънан шаклланиши асосига қараб белгиланади:

1. Касрат оламидан бошланиб шаклланган мажозий

⁷³ Низомиддинов Н. Жанубий-Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимотлари ва ислом. – Т.: “Зар қалам”, 2006. – Б.118.

садоқат.

2. Руҳий оламдан бошланиб шаклланган тугма илоҳий садоқат.

Гарчи ҳар икки садоқат шаклан ўзаро фарқланса-да, лекин уларда мақсад тамойили бир бўлган: инсонга муҳаббат – Илоҳга садоқат!

Пировардида, XI-XII асрлар ҳинд диний ислоҳчиси Раманжуа яратган бҳактий фалсафий таълимотида солиҳ бҳакт бандасининг Тангрига бўлган чексиз муҳаббати ўз ифодасини топган.

Уларнинг йўлбошчиси шоир Кабир ҳиндию мусулмонни ўз динида бирлаштирган. Мавжуд манбаларга асосланиб айтиш мумкинки, Кабир (1380-1418), Тулси Дос (1532-1624) каби файласуфлар “бҳактий” таълимотининг назариётчилари эдилар. Хусусан, Кабир “бҳактий” таълимотининг назариётчиси сифатида ҳақиқий эътиқод ҳар бир диндаги турли маросимларга эътиқод қилиш, уларни бажаришда эмас, балки ички ахлоқий покликка риоя қилишдадир, деган ғояни илгари суради. Ҳиндлар ибодатхонага борурлар, мусулмонлар масжидга, Кабир эса улар руҳан бирлашган жойни излайди. Кабир айтадики, иймону ихлос фақат одамнинг дилида яшасагина атрофни обод қилгай. Кабир инсон дилини ўзига саждагоҳ, деб билади. “Эй, одам! – дейди Кабир, муҳаббат билан шафқатни, неклик билан бахтни муллодан тилаб овора бўлма, уларни сенга четдан ҳеч ким тайёр ҳолда беролмагай. Муҳаббат ҳам, шафқат ҳам, неклик билан бахт ҳам фақат ўз қалбинг иштирокида, ўз фазилатларингу меҳнатларинг туфайли юзага келгай”.⁷⁴ Кабирнинг фикрига кўра, Худо ҳамма жойда мавжуд, у табиатдаги барча жонли нарсаларга сингдирилган:

Эй банда, сен мени қандай излайсан?

Ҳинду ибодатхонасида,

⁷⁴ Қодиров П. Хумоюн ва Акбар. – Т.: “Шарқ”, 1994. – Б. 576.

*Мачитда, Калисода, Каъбада.
Урфу одатда, қурбонликда,
Тарки дунёда, зоҳидликда,
Булардан ҳеч бирида тополмассан мени,
Борди-ю мени кўрмоқ истасанг,
Мумкиндир кўришинг мени ҳамма вақт.
Мен сен билан биргаман ахир,
Худо тирик жоннинг нафасидир.*⁷⁵

Кабир мусулмон ва ҳиндуизм динидаги зоҳидлик, дарвешлик ва таркидунёчилик каби одатларни қоралайди. У бу ҳақда шундай дейди: “Агар фақирлардек ялонғоч юриб, Худо васлига етишиш мумкин бўлса эди, унда ўрмондаги барча ҳайвонлар аллақачон бу олий даражага етган бўлур эдилар”.⁷⁶ Кабир турли кишиларнинг бирлашуви учун курашди, мусулмонлар билан ҳиндларнинг бирлашуви кераклигини тарғиб қилди. У ҳақиқий эътиқод қилиш, уларни бажаришда эмас, балки ички ахлоқий масъулиятга риоя қилишдадир, деган эди. Кабирнинг қарашлари ҳинд ижтимоий-фалсафий фикри ривожига катта таъсир кўрсатди. Бҳактий таълимотидаги Кабир томонидан илгари сурилган ушбу ғояни биз Бедил қарашларида ҳам кузатамиз:

*Бедил, оламда бор яхши, ёмон деб,
Миллату мазҳабдан тилга берма зеб.
То қиёмат маълум бўлиб туради,
Тухминг шунда ўсиб, топаннинг тартиб.*⁷⁷

Юқоридаги байтни таҳлил қилдадиган бўлсак, шуни англаймизки, Бедил турли диндаги инсонларнинг асл макони, жойи дилда эканлигига ишора қилади ва бу би-

⁷⁵ Серебряков И. Д. Ҳинд адабиёти классиклари. – Т., 1958. – Б. 61-62.

⁷⁶ История Индии в средние века. – М.: “Наука”, 1968. – С.300.

⁷⁷ Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубоийлар. – Т., 2005. – Б. 91.

лан дин, мазҳаб ажратиб, низолар чиқариб урушганларга қарши чиқади. Айни шу ҳолат Кабир қарашларига жуда яқиндир.

Бҳактий таълимотидаги инсоннинг комиллиги, мукаммаллиги ҳақидаги ғоялар ҳам Бедил дунёқарашида муҳим ўрин эгаллайди. Бҳактий диний-ахлоқий таълимотида инсоннинг комиллиги бўйича айтилган қуйидаги фикр диққатга сазовордир: “Инсон зоти даҳшатли зиддиятлар исканжасига тушиб қолмишдир. Ташқи оламда унга адолатсиз муҳит, шафқатсиз замона азоб берур. Ичида эса ушалмайдиган орзулар, турли истак-интилишлар, нафсу ғурур хуруж қилур. Агар инсон зоти шу ички-ташқи зиддиятлар исканжасидан қутулса, оламда ундан қудратли, доно, мукаммал жонзот топилмагай. Бу исканжадан фақат инсони комил қутулмоғи мумкин. Инсони комил – мутлақ ҳақиқат каби юксак эътиқоддир. Қалбига шу эътиқодни жойлаган одам ташқи оламдан ҳам, ўз дилидан ҳам нуқсону иллатларни баҳоли қудрат йўқотиб боргай”.⁷⁸

Бҳактий таълимотидаги инсоннинг улуғлиги, инсон қалбининг илоҳийлиги, илоҳий эътиқод, муҳаббат ва эзгулик, инсонпарварлик каби эзгу ғоялар Бедилнинг ахлоқий қарашларида, комил инсон ғоясида янада бойитилган. Бҳактий фалсафий таълимоти билан *тасаввуф* фалсафаси ўртасида бир-бирига ўхшаш жиҳатларни, ғояларни кўплаб учратиш мумкин. Шунингдек, уларни бир-биридан фарқловчи томонлар ҳам йўқ эмас. Бу икки таълимотнинг ўзаро ўхшаш жиҳатлари шундан иборатки, уларда инсоннинг илоҳий хилқатлиги, инсонийлик ғояси, меҳр-муҳаббат, нафс инжиқлиги исканжасидан қутулиш каби ғояларнинг устуворлиги бирдек илгари сурилади. Тасаввуф таълимоти бҳактий таълимотидан анча кенг қамровли, бирмунча шаклланган ва бир неча тариқатларга эга бўлган, тарихан синашга бўлган таъ-

⁷⁸ Қодиров П. Хумоюн ва Акбар. – Б. 404.

лимотдир. Агар тасаввуф таълимотини олдинроқ пайдо бўлганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, унда бҳактийга унинг ўз таъсирини кўрсатганлиги равшан бўлади.

Тасаввуф таълимоти тарихи ҳақида Европа олимлари ҳам бирмунча қизиқарли фикрларни айтганлар. Англиялик олим Виллим Стоддарт ўзининг “Сўфизм” китобида тасаввуф тарихи ҳақида шундай дейди: “Исломда икки тушунча мавжуд бўлиб, улар шариат ва ҳақиқатдир. Уларнинг бири зоҳир илми-шариат бўлса, иккинчиси ботин илми ҳақиқат. Бироқ, бу икки тушунча бир-бирига узвий боғлиқ ва бир-бирини таъминлаб келади. Шариат Қуръон ва ҳадисларга асосланиб, фикҳни ўз ичига олса, ҳақиқатга шариат босқичини адо этгандан кейин, маърифат орқали эришилади. Бу уч мақомдан бири шариат барча мақомларнинг боши бўлиб, ўздан кейин тариқат (йўл)ни талаб қилади. Тариқат сўфийнинг дастлабки йўли бўлиб, муршид (устоз-шайх) ва мурид (талаба) ўртасидаги муносабатнинг бошидир.

Арабларда сўфизм – *тасаввуф* деб аталади. Иккала сўз ҳам “суф” (яъни, дағал жун матодан қилинган кийим, буни сўфийлар кийиб юрганлиги учун уларни сўфийлар деб аташган, яна бошқа ботиний маънолари ҳам кўпдир, масалан: софлик, поклик ва ҳоказо) сўзидан келиб чиққан. Булар дастлабки вақтдан бери (сўфийларнинг давридан бери) сўфи сўзи сўфийя (пок ва Худонинг танланган дўсти) билан боғлиқ ҳолда келади”.⁷⁹

Демак, VIII асрнинг ўрталарида, ислом дини доирасида – Қуръон ва ҳадис асосида диний-фалсафий таълимот сифатида юзага келган тасаввуф бир қанча фалсафий таълимотлар билан қўшилиб кетган: ҳиндуизмдаги инсон руҳининг Аллоҳ билан қўшилиб кетиши (иттиҳод ва ҳулул); зардуштийликдаги Аллоҳ нурининг борлиққа сингиб кетиши (ишроқ фалсафасида) ва ҳока-

⁷⁹ Willim Stoddart. Sufizm. / – London, George Allen Unwin, 1950. – P. 20 – 21.

золар шулар жумласидандир.

Тасаввуф бҳактий ҳаракатига нисбатан анча эртароқ юзага келган таълимотдир. Шунини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу ғоя ўз навбатида бҳактий таълимотининг юзага келишига ўз таъсирини кўрсатган бўлиб чиқиши табиийдир.

Ўрта аср мутафаккирларидан Ҳусайн Воиз Кошифий тасаввуф таълимотининг асосий жиҳатларини умумлаштириб, шундай дейди: “Тасаввуф – яхши, мақталган ахлоқ; тасаввуф – руҳни чиркинликдан тозалаш; тасаввуф – нафсни жиловлаш, ҳокисорлик; тасаввуф – даъвони тарк этиш; тасаввуф – барча адабдир”.⁸⁰

Ўзларига тасаввуф номини олган мазкур тоифа уч гуруҳга бўлинади:

– биринчи гуруҳ – *мустасуф*. У қўлдан-қўлга ўтиб юрадиган ва мансабга восита бўлган, мол-дунё учун ўзини дарвешларга ўхшатиб юрадиган кишилардир;

– иккинчи гуруҳ – *мутасаввиф*. Бу мақсаднинг илк манзилига етган одамдир;

– учинчи гуруҳ – *суфий*. У ўзидан фоний бўлиб, Ҳаққа боқий бўлган одамдир. Суфийлар биринчи сафдадирлар, яъни барча солиҳлар олдинги сафда турувчилардирлар; *суфийлар асҳоби суффага*, валий саҳобаларга тавалло қилган зотлардирлар. *Асҳоби суффа* эса, дунё ишларидан юз ўгириб, охиратни икбол, деб билган кишилар, улар саҳардан шомгача худога нола қилиб, зикр тушганлар; суфийларнинг кўнгли сафога тўлиқ бўлгани учун уларни суфий деб атаганлар; *суфий сўзи суфух* сўзидан пайдо бўлган бўлиб, унинг маъноси бирон – бир нарсанинг хулосасидир. Бу жамоани шунинг учун суфий дейдиларки, улар халқнинг хулосаси (қаймоғи) дирлар. Яна уларни суфий дейишларига сабаб шуки, суф деб луғатда жунни айтадилар ва улар аксар жун

⁸⁰ Қаранг: Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи Султоний – Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1994. – Б.18.

чакмон кийиб юрганлари учун (сўфий) деганлар.⁸¹

Тасаввуф таълимоти ҳақида турк олими Умар Форук ал-Жазарий ҳам қизиқарли маълумотлар келтиради. Унда шундай дейилган: “Тасаввуф, арабча сўз, ўзаги “сафо” бўлиб, соф, тоза, порлоқ ва шаффоф дегани. Софий – топ-тоза дегани. Тасаввуф аҳлининг қалби риё, кибр, ҳасад ва бутун ёмон хислатлардан холи, тозадир⁸². Демак, айтиш мумкинки, тасаввуф кўпроқ ахлоқий қадриятларга йўғрилган таълимот сифатида майдонга келган.

Тасаввуфнинг бир қаноти – мистицизм, яна бири – аскетизм бўлса, унинг марказида пантеизм – *вахдат ул-вужуд* фалсафаси ётади. Тасаввуф таълимоти Мирзо Бедилнинг бутун фалсафий қарашларини ўз ичига қамраб олган. Бедил фалсафий-ахлоқий қарашларида ушбу таълимотнинг таъсири ниҳоятда сезиларлидир. Бу ҳол ҳаттоки Мирзо Абдулқодирнинг “Бедил” таҳаллусида ҳам кўзга ташланади. Бутун қалбини Аллоҳга бағишлаган файласуф-шоир тасаввуф таълимотига суянган ҳолда ўз фалсафасини яратган. Унинг борлиқ, билиш ва ахлоқ масалаларига ёндошувида тасаввуф таълимотининг таъсири яққол сезилиб туради.

Мирзо Бедилнинг борлиқ ҳақидаги қарашлари тизимида тасаввуф таълимотидаги *вахдат ул-вужуд* фалсафаси билан боғлиқ фикрларини Шайх Фаридиддин Атторнинг бу ҳақдаги қарашлари билан таққослаш самарали натижа бериши мумкин.

Аттор тан ва руҳ (жон) бирлиги, ер ва осмон, тўққиз фалак, макон ва ломакон олами – ҳаммаси мутлақият нуридан эканлигини уқтиради. Илоҳ ҳар бир заррада мавжуд, аммо уни кўриш мумкин эмас. Худо “Ўз борлиги ила ҳам пинҳону, ҳам пайдо”, барча ашёлар бигта

⁸¹ Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи Султоний. – Б. 18.

⁸² Қаранг: Умар Форук Сайдо ал-Жазарий. Тасаввуф сирлари. / Бахриддин Умрзоқ, Абдуллоҳ Мурад тарж. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2000. – Б.46.

жавҳардан келиб чиққан.⁸³

Фаридиддин Аттор фикрига кўра, поёнсиз борлиқ Зоти мутлақ (Жавҳари зот)нинг ижоди бўлиб, Унинг нури билан ҳаракатда, фаолиятдадир. Жавҳари зот ўзгармас, азалий ва абадий вужуд (Вожиб ул-вужуд), бироқ у яратган олам тинимсиз ҳаракат ва ўзгаришда, ички зиддиятларга тўла, эскиради ва янгиланади. Олам ўша Жавҳари зотнинг сувратланиши, унинг қудратининг минг-минг шаклларда аёнлашиб кўриниши, Унинг турли номлари, сифатларидир.

Бедил ўз асарлари, айниқса, “Чор унсур” ва “Ирфон”да *вахдат ул-вужуд* – “Борлиқнинг бирлиги” нуқтаи назаридан ўз фалсафий қарашларини жуда ҳам эҳтиёткорлик билан баён қилади. Бедил ўз таълимотида олам ташқи кўринишидан – моддий, ички моҳияти билан эса, илоҳий деб эътироф этади. Бу фикр эса Бедилнинг Аттор қарашлари билан жуда яқин ва ўхшаш эканлигини билдиради. Бедилнинг фикрича, олам абадий ўзгариш жараёнини кечириб туради. Борлиқ ҳақида Бедил бир рубойида шундай дейди:

*Баҳри мутлақ иссиқ мавж урди шундан,
Бўлдиқ ўзимиздек аълога муҳтож*⁸⁴.

“Мутлақ баҳр” деб Бедил илоҳий кучга асосланган мутлақ борлиқни айтади. Бедил томонидан илгари сурилган “Мутлақ баҳр” тушунчаси бизнинг назаримизда Аттор ғоясида таъкидланган “Жавҳари зот”га ниҳоятда яқиндир. Бундан файласуф шоир Аттор тафаккури билан таниш бўлган ва унинг таълимотини ривожлантирган, деган хулосага келиш мумкин.

Бедил “Ирфон” асарида *вахдат ул-вужуд* таълимо-

⁸³ Фаридиддин Аттор. Илоҳийнома. / Н.Комилов таржимаси. – Т.: “Ёзувчи”, 1994. – Б. 73.

⁸⁴ Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубойлар. – Т., 1980. – Б. 376.

тини ривожлантириб, унинг хилма-хил қирраларини очиб беради. Шу ўринда Бедилнинг куйидаги мисраси диққатга сазовор:

*Ғайри ваҳдат барнаёяд ҳиммати ирфони мо,
Домани хеш аст чун саҳро гули домони мо.
Ёр дар оғушу номи у намедонем чист?
Содагӣ хатм аст чун ойина дар бустони мо.*⁸⁵

Маъноси: Бизнинг ирфонимиз ҳиммати ваҳдат (бирлик; бу ерда Аллоҳнинг ягоналиги) дан бошқа нарсани билмайди. Этагимиз саҳрога ўхшайди. Унинг гули – саҳро гулига монанд. Ёр-қучоғимизда. Бироқ унинг номини билмаймиз. Соддалигимиз бустонидаги ойна – кўзгу кабидир.

Бедил илгари сурган фикрлардан кўриниб турибдики, у Аллоҳнинг оламда зухур этган сир-синоатлари, ҳақойиқларини фақат ўзингдан топасан, дейди.

Бедил ўз қарашларини сўфиёна таҳлил этиб, яна фикрини давом эттиради:

*Ҳар неки тингладим – сенинг баёнинг,
Ҳар нимаки кўрдим – сенинг нишонинг.
Қайда бошим уриб, қилдим саждалар,
Кўзим очиб кўрсам, сенинг остонанг.*⁸⁶

Бедил томонидан илгари сурилган юқоридаги фикрнинг илдизларини Аттотро ғояларида учратамиз. Фариддин Аттотро руҳга мурожаат қилиб, шундай дейди: “Ҳамма нарса Сенсан, аммо ҳеч-йўқлик ҳам ўзингсан. Кўзга кўринмассан, аммо кўзларнинг нурисан. Кўнгилдан ихлос билан мушкли нафас чиқаргин, чунки Арш Сенинг нафасингдан хос мижмарга – хушбўйларга

⁸⁵ Мирзо Абдулқодир Бедил. Ғазал ва қасидалар. / Асқар Маҳкам таржимаси. Т., 1333 (х). – Б.4.

⁸⁶ Мирзо Абдулқодир Бедил. Шавқингғи ёд этиб. – Т., 2005. – Б. 66.

таркатувчи қўрага айланади. Сен ҳам шоҳсан ва ҳам халифа, безаволсан ва боқийсан”⁸⁷

Мирзо Бедил юқоридаги фикрларини яна куйидагича исботлашга ҳаракат қилди:

*Фоний булсам-да, бақо шул ердадир,
Бахту кулфат мутлақо шул ердадир.
Ўз дилимни тарк этиб кетгум қайн,
Бор умид, бор муддао шул ердадир.
Кетди дўстлар, ўн оёғи изларин,
Ассалому алвидо шул ердадир.*⁸⁸

Бедил фалсафасининг тасаввуф таълимоти билан уйғунлашганлигини, унинг юқоридаги байтларидан ҳам билиш мумкин.

Демак, борлиқ ҳақиқати бу тавҳид ҳақиқатидир. Буни Аттор шундай тушунтиради:

*Ҳақиқат чист? Чун Аттор будан,
Ҳамеша воқифи асрор будан...
Ҳақиқат чист? Аз чон бигзар, эй дўст,
Чу дидй, ин замон Аттор, кулл ўст.*⁸⁹

Мазмуни: Ҳақиқат нима? Аттор каби бўлиш. Ҳамиша сирлардан огоҳ бўлиш. Ҳақиқат нима? Эй, дўст, жондан кеч, бу дам Атторни кўрдингми, кулл уша.

Фаридиддин Аттор томонидан келтирилган юқоридаги байтлар Мирзо Бедил ижодида янада жозибалироқ жаранглайди:

Хоҳ у дегил, хоҳ “сен” ёки “биз” деб ёз

⁸⁷ Фаридиддин Аттор. Илоҳийнома. – Т.: “Ёзувчи”, 1994. – Б. 12.

⁸⁸ Мирзо Абдулқодир Бедил. Табаррук ташриф. / Мағназар Абдулҳаким таржимаси. – Урганч: Хоразм, 1991. – Б. 28.

⁸⁹ Фаридиддин Аттор. Илоҳийнома. – Б. 91.

*Ҳақ маъносин очар иборанг бисёр.*⁹⁰

Яъни, биз кўп сўз ва иборалар билан ёзамиз, гапирамиз, аммо буларнинг ҳаммаси бир ҳақиқатни билиш ва таниш учун ишлатилади. Бу ҳақиқат сенда ҳам бор, унда ҳам бор, бизда ҳам бор, дейди Бедил. Бедил фалсафасининг тасаввуф таълимоти билан уйғунлашганлигини, унинг юқоридаги байтларидан ҳам билиш мумкин.

“Чор унсур”, “Нуқот”, “Ирфон” асарларида Бедил ҳамма моддий нарсаларнинг асоси (илдизи) ҳаво деб билади. Ҳаво тўғрисидаги таълимот Бедил фалсафий дунёкарашининг асосидир. Бедил ҳавони барча мавжуд нарсаларни яратувчиси (вужуди мавжуд) деб билади:

*Ки ҳаво аст вужуду мавжуд,
Дар димоғи ғайбу шуҳуд.*⁹¹

Маъноси: Ҳаво яширин ва аённинг наздида вужуд ва мавжуднинг ўзидир.

*Борлиқнинг бунёди бемадор нафас,
Ҳаёт кўринса-да, эътибор нафас.
Саҳар шабодасин шамолга ёзсанг,
Бу китобга ҳам ин ҳамда тор нафас.*⁹²

Бедилнинг юқорида келтирилган байти шуни кўрсатадики, борлиқнинг мавжудлиги бевосита ҳаво билан боғлиқдир.

Бедил анорганик табиатнинг вужудга келиши тўғрисида фикр юритиб, ҳавода ер заррачалари тобора кўпая бориб, қаттиқ ва катта заррачалар (булақчалар)га айланади, заррачаларнинг огирлиги эса уларнинг ҳаракатсиз

⁹⁰ Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубоийлар. – Т.: “Ёзувчи”, 1964. – Б. 29.

⁹¹ Иброҳим Мўминов. Мирза Бедил. – Т.: “Фан”. 1964. – Б. 59.

⁹² Мирзо Абдулқодир Бедил. Шавқингни ёд этиб. – Т., Б. 103.

бўлиб қолишларига сабаб бўлади. Заррачаларда ҳаво яширин ҳолдадир, уларда сўзлаш, фикрлаш бўлмайди. Ана шу қаттиқ ҳолатида анорганик табиатдан умумий (тошлар) ва хусусий (металлар, минераллар) жисмлар пайдо бўла бошлайди, дейди.

Бедилнинг айтишича, анорганик нарсалар оламида ҳодисалар. икки хил хусусиятга эгадир: муҳаббат-ишқ ҳамда Рақибланиш (“алам”) хусусиятларига эгадир. Муҳаббат бирлаштирувчидир, у бирликка олиб келади, Рақибланиш эса жисмларни бир-биридан ажратади. Бедил ўз “Куллиётини” да бу қонидани баъзи бир мисоллар билан изоҳлаб беради.

“Чун таважжуҳи оҳан ба миқнотис, хоҳ онро жозиба ба миқнотис шуморанд, хоҳ эҳтирози оҳан ангрорад”.⁹³

Маъноси: “Темирнинг магнитга томон ҳаракати ҳодисасини олайлик, бу ҳолни хоҳласалар магнитнинг жозибаси, хоҳласалар, темирнинг ҳаракати деб ҳисобласинлар”. Яна бир мисолда қуйидаги фикрни илгари суради: “Чун рами симоб аз оташ, хоҳ оташаш аз худ дур меронад, хоҳ симоб, ки аз оташ ру мегардонад”. Маъноси: *симобнинг оловдан қочиши каби хоҳ олов симобни ўзидан четлатсин, хоҳ симоб оловдан юз ўгирсин, бунинг фарқи йўқ.*

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, муҳаббат ўз жозибаси билан жисмларнинг бўлақларининг бир-бирига қўшилишига, рақибланиш эса зиддият йўли билан ўзидан четлатишга, ажралишларга олиб боради.

Румий таълимоти сингари Бедил таълимотида ҳам илоҳий руҳий қувват бўлган муҳаббат бу оламни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида талқин этилади. Муҳаббат масаласига бундай ёндошув эса фақатгина тасаввуф таълимотига хосдир. Бедил, биринчидан руҳлар оламининг моддий дунёдан ташқарида мавжуд бўлишини инкор қилади, иккинчидан, руҳни инсон юрагидаги, дили-

⁹³ Иброҳим Мўминов. Мирза Бедил. – Б. 49.

даги суратларга ўхшатади. Бедил ўзининг шу фикрини материя ва шаклнинг ўзаро муносабаталрини таҳлил қилишда ҳам равшанроқ баён қилади. “То ҳузури сувар ба ҷилва наёяд, маънии ҳаюло мавҳум ва то ҳаюло ниқоб сар накушояд, иборати сувар номафҳум. Ҳаюло-ро дар ҷаҳони сувар ботини ашқол будан аст ва суратро дар мартабаи ҳаюлоӣ муаммои ҳамон кайфият кушудан. Агар ҳаюло бесурати мутассиф аст, сувар аз кучо меҷушад ва агар сурат аз либоси қудрат орист, ҳаюлоро кӣ меҷушад?”

Маъноси: “шаклларсиз материя маъноси кўринмайди. Материя пардани очмаса, шакллар ифодаланмайди. Материя шакллар жаҳонида яшириндир. Шакллар материяда имконият ҳолатидир. Агар материя шаклларсиз бўлса, шакллар қайқдан келиб чиқади ва агар материя қудрат кийимидан ялонғоч (ори) бўлса, шаклни ким кияди?”.⁹⁴

Шундай қилиб, Бедил материя ва шаклни биргаликда олиб қарайди. Бедилнинг таъкидлашича, материя ва шакл мавжуд бўлиб, улардан ташқари ҳеч нарса йўқдир. Бедил илгари сурган юқоридаги фикрлар Арасту қарашлари билан мос келади, чунки Арасту таълимотида ҳам шакл асос сифатида илгари сурилади.

Бедилнинг нуқтаи назарича, дунёдан ташқарида ҳеч қандай куч йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Шу жиҳатдан унинг қуйидаги фикри диққатга сазовордир:

*Эй ки найранги ду олам аз Худо фаҳмидан,
Баҳси зуҳду дарси тақвӣ зи кучо фаҳмидан?
Мавҷу кафро айни дарё гуфтанат инсоф нест,
З-он ки гавҳарро аз ин ҷудо фаҳмидан.*⁹⁵

Маъноси: *Эй икки олам найрангини худодан деювчи! Сен зуҳд нима, тақводорлик дарси нима, қаердан ҳам*

⁹⁴ Иброҳим Муминов. Мирза Бедил. – Б. 62.

⁹⁵ Ўша жойда. – Б. 56.

тушунардинг? Мавж ва купикларни дарёнинг айнан
узи, дейишинг инсофдан эмас! Сен у гавҳарни бу олам-
дан ажратиб тушунгансан.

Бедил бу ерда “гавҳар” деб Худони назарда тутати.
Демак, Худони коинотдан, оламдан ташқарида деб би-
лиш ярамайди, Уни мавжудликда, реал коинотда, деб
қараш керак. Бедил бу фикрни куйидаги хулоса билан
исботлашга интилади:

*Ёрон талаби маҳол карданд,
Гулчини инфийол карданд.
Парвоз буруни бол карданд,
Онро, ки пари хаёл карданд.
Беруни дуқони шишагар нест.⁹⁶*

Маъноси: Ёронлар бўлмагур ҳолатни талаб қил-
дилар, қанотсиз учини истадилар. Шу билан улар
шармандалиқ гулини тердилар. Ҳолбуки, пари деб хаёл
қилганлари шишачи уста дуқонидан ташқарида эмас.
Юқоридаги мисраларда Бедил Худони шишасозга, ко-
инотни шишасоз устахонасига ўхшатади. Шишасоз
шиша устахонасидан ташқарида йўқ ва бўлиши мум-
кин эмас, яъни Худо фақат дунёда ўз устахонасида мав-
жуддир, ундан ташқарида унинг бўлиши мумкин эмас.

Мирза Бедилнинг уқтиришича, сезги ва билимлар
манбаини инсондан ташқаридаги объектив олам таш-
кил этади. Билим – илмнинг асосини ташкил этади. У
илоҳийдир. Фан бизга ишончли билим беради. Бедил
билимни амалиёт билан боғлиқ ҳолда кўради. Унинг
фикрича, “Беамал, илм бори дил аст”, яъни амалий
иш билан, тажриба билан боғланмаган илм, кишининг
юрагига, дилига, ақлига фақат оғир юк бўлиб қолади”.⁹⁷

⁹⁶ Иброҳим Муминов. Мирза Бедил. – Б.56.

⁹⁷ Муминов И. Философские взгляды Мирзы Бедия. – Т.: Уз Фан, 1957.
– С. 65.

Билишнинг биринчи босқичини ташқи сезгиларимизга асосланган жонли мушоҳада ташкил этади. Булар тери орқали сезиш, ҳид билиш, таъм билиш, эши-тиш, кўриш ва ҳис қилиш. Улар асосида хаёл, тасаввур юзага келади.

Бедил фан коинот – оламни тадқиқ этади, ҳар бир нарса ҳақида билим беради, инсон фаолиятининг ҳамма соҳаларида қўлланма бўлиб хизмат қилади, дейди. У бундай деб ёзади ёзади:

*То нагирӣ зи илм хома ба даст,
Сурати ҳеч чиз натвон баст.
Ғайри илм он чи карданат, рассом,
Нест ҷуз ҷаҳду ҷаҳл ҷумла аъдом.
Илм ҳар ҷо кафили тадбир аст,
Ғолибият далели таъсир аст.*⁹⁸

Бу мисраларда Бедил илм толибини рассомга ўхшатади, фанни қаламга ташбеҳ қилади. Рассом қаламсиз ҳеч бир нарсанинг суратини чиза олмаганидек, одам ҳам илмсиз ҳеч бир нарсанинг суратини – ҳақиқатини била олмайди. Илмсиз билганларинг нуқул жоҳилликдан иборатдир. У ҳар ерда тадбирнинг кафилидир, ғалаба таъсирининг далилидир, дейди.

Бедил фан деганда биринчи навбатда фалсафа, геометрия ва медицина фанларини кўзда тутар экан, “дунёвий ва диний илмларни бир-бирига зид қўйишни ноўрин деб билади, айрим мутаассиб уламолар айтгандай, аниқ фанлар ёки фалсафа диний эътиқодни заифлаштирмайди, аксинча барча илмларни Илоҳдан деб билиш Илоҳ қудратининг чексизлигига имонимизни мустаҳкамлади”⁹⁹.

⁹⁸ Иброҳим Мўминов. Мирза Бедил. – Б. 63.

⁹⁹ Нажмиддин Комилов. Ирфон нури Абулмаоний. / “Бедил ва ўзбек маданияти” мавзuidaги халқаро анжуман материаллари. – Т.: “Мовароун

Бедил илм-фан олам ҳодисалари, нарс-ашёлар тўғрисида бизга ишончли билимлар беражагига шубҳа қилмайди. Шунинг учун ҳам у инсон бахт-саодати илм-фанни эгаллашда, деб билади:

*Мағз шуд қашр агар ба чаҳл кашид,
Қашр мағз аст чун ба илм кашид.
Ҳарки шамъаш зи илм даргирад,
То абад доғи марг напзирад.¹⁰⁰*

Маъноси: *Киши жаҳолатга берилса, мағз пучоққа ва аксинча, илм-маърифат ила киши пучоқни мағзга айлантиради. Кимнинг шамъи илм билан ёқса, у мангу ншайди.*

Бедил талқинига кўра, “илм – Мавжудотнинг, Борлиқнинг жамики хислат-хусусиятлари, қонуният, нисбияси, тартиб ва таркибини ташкил этувчи жиҳатлари, заррадан қонинот қадар ягоналикда бўлган оламнинг ҳаракати ҳақидаги билимлар мажмуидир. Бунга, шубҳасиз, биринчи навбатда, Аллоҳ зоти ва сифатлари тўғрисидаги билимлар ҳам киради. Хуллас, Илм – Аллоҳнинг ҳақиқати, Унинг қудрати, амрлари, тажаллийси.

Бедил ёзади:

*Чист илм? – Асли қудрати Бечун,
Назми жамъияти зуҳуру бутун.
Ҳусни миръати оламу маълум,
Нури тамйизи ҳокиму маҳкум.
Ҳар чи фаҳмидаи зи пасту баланд,
Илм онжо расондаст каманд.*

(Илм нима? Холиқи ламъазал қудратининг асл моҳияти, зоҳирий ва ботиний моҳиятлар, ҳақиқатлар-

¹⁰⁰ Тоҳрон: “Ал-Худо” халқаро нашриёти, 2005. – Б. 8.

¹⁰¹ Иброҳим Муминоф. Мирза Бедил. – Б. 64.

нинг низоми, тартиби; олам ва ундаги барча нарсалар кўзгусининг ҳусну жамоли, ҳокимлик ва итоатликлар фарқининг нури. Баланду пастликлар – хилма-хил, турфа кўриниш, ашёлардан нимани англаган бўлсанг, илм буларнинг барчасини ўз арқони билан боғлаган)”.¹⁰¹

Бедил илм – «Фан»ни эгаллашгина етарли эмас, деб ҳисоблайди ва илмни амалиётга тадбиқ этиш, ҳаёт билан боғлашни талаб қилади. Шундагина илм ҳаётда ўз натижасини кўрсатади, дейди. Бедил билишнинг биринчи босқичи ташқи, моддий борлиқ таъсири билан ҳосил бўлувчи ҳислар, туйғулар билан боғлиқ эканлигини ёзади ва ҳидлаш (шӯма), кўриш (биноий), таъм туйғуси – маза (зоиқа); эшитиш (шунидани) ни ва тери сезиши – пайпаслаш (ломиса) нинг хизматлари ҳақида бирма-бир сўзлаб беради.

Инсоннинг ана шу сезги аъзоларига ташқи олам ҳодисаларининг фаол ва бевосита таъсири натижасида, Бедил нуқтаи назарича, сезиш, ҳис этиш жараёни бошланади, сўнгра эса тасаввур, ҳаёл, фикр пайдо бўлади.

Бедилнинг фикрича, сезги, тасаввур ва фикрларнинг манбаи инсондан ташқарида мавжуд бўлган объектлардир, чунки “Ғайре то дар назар муқобил нест, ҳеч касро шуур ҳосил нест” (Маъноси: назарда, кўз олдида бошқа нарса бўлмаса, ҳеч кимда тасаввур ҳосил бўлмайди).

Демак, инсоннинг тасаввур, ўй, тушунча ҳосил қилмоғи учун унинг олдида бирор бошқа нарса – объект бўлмоғи шарт. Бу бошқа нарса – объект унинг билимининг манбаи ҳисобланади.

Аристотел сингари, Мирзо Бедил ҳам сезги объекти инсон онгидан ташқарида мавжудлигини ва у инсоннинг онгига боғлиқ эмаслигини эътироф қилади. Бу унинг қуйидаги мисраларида ўз ифодасини топган:

¹⁰¹ *Нажмиддин Кашилов. Ирфон нури Абулмаоний. / “Бедил ва ўзбек маънавияти” мавзuidaги халқаро анжуман материаллари. – Б.7.*

Шома ин чо ба ғайри бӯ нагузид,
Чашм агар дид, ғайри ранг надид.
Кому лаб рехт бар шаробу гизо,
Гӯш накшуд ҷуз ба савту садо.
Ғайр аз ин он чи бар хаёл орӣ,
Бегумон зӯр бар муҳол орӣ.
Ташна ҳар ҷост, об меҳоҳад,
Маси нур офтоб меҳоҳад.¹⁰²

Маъноси: Ҳидлаш исни, кӯз рангни, танглай таъмни, қулоқ товушни танлаб олади. Булардан бошқа нимаики хаёл – фикрда кӯрмоқчи бўлсанг, беҳуда уринган бўласан. Чанқаган киши ҳар жойда сувни, нурга муҳтож одам қуёшни хоҳлайди.

Бедил инсон билиштини ҳис, сезги, туйғу билан чеғараламайди, балки ақлнинг мақоми ва аҳамиятини кўрсатиб, ўз фикрини янада кенгайтиради. У сезги, ҳис ва англашни оламнинг инъикоси деб тасвирлаб, билишни қуёшга ўхшатади. Шунга биноан у, фикрнинг икки хил томони, даражаси бор дейди: бирини жабулқо (шарқ), иккинчисини жабулсо (ғарб) деб атайди.

Бедилнинг назарида нарс-ашёлар олами билан бевосита боғлангани сабабли инсонда ҳосил бўлувчи фикр, узлуксиз фикр, бир-бирига алоқадор фикр, бу ғарбдир. Нарсалар оламидан олинган ва онгда мустаҳкам ўрнашиб олган турли хил, даража ва аниқликка эга бўлган ҳамда моддий оламдан бевосита алоқасини узган фикр эса қатъий ва ечилган фикр, яъни шарқ – билим деб аталади ҳамда одам ишида кўзгу, қуёш бўлиб хизмат қилади.

Мухтасар қилиб айтганда, Бедилнинг тушунишича, жабулсо сезиш жараёнини, фикр пайдо бўлиш жараёнини, жабулқо эса – ҳосил бўлган фикрни, қатъий, аниқ тушунчани билдиради. Демак, Бедил билишнинг

¹⁰² Иброҳим Муъинов. Мирза Бедил. – Б. 65.

ҳиссий ва рационал фикрий моментларини бирликда олиб қарайди. Бу жуда муҳимдир. Унинг асарларида билимнинг ҳиссий ва рационал моментларининг бирлиги масаласида теран фикр-мулоҳазалар бор: “мақсуд аз сайри гиребон ба фикри таҳқиқи худ афтодан аст, на аз саргар ниҳой, беҳисси дарди сари зону додан ва мудаои тааммул ба кунҳи маънӣ ворасидан, на зубори миҷгон бар фарқи биниш пошидан. Маънии тафаккур гуври ашёт ва ҳақиқати ашё ба қадри арази сувари чеҳра кушо. Дар ин тамошокада ба фусуни хоб бар табиат набояд ғумошт ва ба фиреби тафаккур домани шуҳуд аз чанги фурсат набояд гузошт”.¹⁰³ (Маъноси: ёқага қараб термулиб ўтиришдан мақсад ҳис этмаслик ва тизза оғритишлик эмас, балки ўз фикрингни таҳқиқ этишдир. Муҳокамадан тилак – киприк чанглари билан кўришни қоронғулатиш, ёпиш эмас, балки туб маънони англашдир. Тафаккурнинг маъноси ашё-нарсанинг тубига – негизига етишдадир ҳамда ашё-нарсанинг ҳақиқатини суратлар – шаклларда кўрсатишдир. Бу томоша жойида (дунёда) уйкуга берилиб хаёл табиатига чўкмаслик керак ҳамда тафаккур фириби билан шуҳуд – сезишликни, туйғуни фурсат чангалидан ажратмаслик лозим).

Бедил бундан ташқари яна фикрлашнинг моҳиятини инкор қилиб, фақат биргина жонли мушоҳадага берилиб кетганларни ҳам танқид қилади, уларга танбеҳ беради. Кўзни чанг билан, яъни кузатиш билан ёпиб қўйиш керак эмас, деб таъкидлайди. Бундан Бедилнинг ҳис билан фикрни, сезиш билан ақлни биргаликда олиб қарашга ҳаракат қилганлиги кўринади. Шунингдек, файласуф сезги, тасаввур, тушунча, ақл табиатда, оламда ўз манбаларига эгадир, деб аниқ ва равшан, дея мулоҳаза юритади. Бироқ Бедилча, ақлнинг бошқа манбалари

¹⁰³ Иброҳим Муминов. Мирза Бедил. – Б. 67.

ҳам бор. Бу онг қобилияти, ақл қобилиятидан иборат-дир ва инсоннинг ҳақиқий билими ақл ёрдами билангина мумкиндир.

Алишер Навоий каби, Бедил рационалист эди. У ҳақиқий билиш ақл, тафаккур йули билан ҳосил бўлади, дер эди.

Бедилнинг инсон тафаккури, аклининг қудратига қаттиқ ишониши, унинг қуйидаги мисраларида ифода-ланган:

*Маънии тафаккур гуври ашёст.*¹⁰⁴

Маъноси: Тафаккурнинг маъноси ашённинг тубига етишдадир.

*Тафаккур маънии асрор фаҳмӣ,
Тааммул қишру рӯи кор фаҳмӣ.*¹⁰⁵

Маъноси: Тафаккур сирларнинг маъносини тушунди, ўйлаш эса муҳокама ишининг бошланиши ва натижасини англади.

Бедил инсон ақл-тафаккури ҳақида яна шундай дейди:

*Кас надид он чи ақл нанамояд,
Баста аст он ки ақл накшояд.*¹⁰⁶

Маъноси: Ақл кўрсатмаганни киши кўрмади. Ақл очмаган нарса одамга яширин бўлиб қолди. Бедилнинг бу ҳикматли сўзлари Алишер Навоийнинг инсон ақл-қудрати тўғрисидаги ғоясини эслатади:

*Деди: Ҳар ишки қилмиш одамизод,
Тафаккур бирла билмиш одамизод.*

¹⁰⁴ Иброҳим Мулюнов. Мирза Бедил. – Б. 71.

¹⁰⁵ Ўша жойда.

¹⁰⁶ Иброҳим Мулюнов. Мирза Бедил. – Б. 71.

Шундай қилиб, мутафаккир Мирзо Бедил моддий дунё инсон билишининг манбаи эканлигини, фикрлаш эса мавжуд нарсаларнинг инъикосидан иборатлигини эътироф этади ва буни пантеистик йўл билан исботлашга уринади.

Мирзо Абдулқодир Бедил фалсафасида борлиқ ва билиш масаласи жуда мураккаб, зиддиятли, шу билан бирга диний ва дунёвий аҳамиятга моликдир. Бедил барча масалаларда илоҳийлик ва моддийликни бир-биридан ажратмаган ҳолда олиб тадқиқ этади. Ҳар икки жиҳатни ўз ўрнида қўллай билиш борлиқнинг моҳиятини билишда ниҳоятда муҳим эканлигини алоҳида таъкидлайди. Масалан, оламнинг яратилишидаги моддий унсурлар ҳаво ва ундан пайдо бўлувчи тупроқ, сув, олов моддий жисм сифатида эътироф этилса, мутлақ руҳ, бухори – латиф эса илоҳий, руҳий қувват сифатида тушунтирилади. Бундан кўрганимиздек, оламнинг моддий ва илоҳий эканлиги тўлиқ ўз ифодасини топади. Бу эса ҳеч иккиланмай Мирзо Бедилнинг борлиқ масаласида *ваҳдат ул-вужуд* позициясига кўпроқ яқин бўлганлигини англашимиз мумкин. Мутафаккир билишда сезги ва тафаккурнинг ролини ниҳоятда аниқ, равшан таъкидлаб ўтса-да, ақлнинг илоҳийлигига ҳам алоҳида эътиборни қаратади. Бу эса ушбу масалада ҳам Бедилнинг ўзига хос ёндошуви бўлганлигини кўрсатади.

Бедилнинг “Таркибот ва таржеъот” асари турли даврларда битилган бўлиб, унда ҳам дин ва динлар ҳамда тасаввуф тўғрисида фикрлар баён этилган. Бедилнинг “Муҳити аъзам” асарида ҳам тасаввуфга тегишли ҳикоялар, тасаввуфнинг таваккул ва тақдирга ишониш ақидасининг ўзига хос талқинини учратиш мумкин. Шунингдек, унинг “Тилисми ҳайрат”, “Ирфон” асарларида тасаввуф таълимотининг таъсири сезилиб туради. Ушбу бобда илгари сурилган фикрларни умумлаштириб хулоса қиладиган бўлсак, Мирзо Бедилнинг фалсафий-ахлоқий қарашларига турли диний-тасаввуфий ва фалсафий таълимотлар таъсири кучли бўлганига ишонч ҳосил қиламиз. Булар:

1. Бедил таълимоти ва ахлоқий қарашларининг асоси сифатида XIV асрда Ҳиндистонда вужудга келган бҳактий таълимотини кўрсатиш мумкин, чунки ушбу таълимотда илгари сурилган диний бағрикенглик, инсонни улуғлаш, меҳр-муҳаббат ғоялари Бедил ахлоқий қарашларида кенг талқин этилган ва ривожлантирилган.

2. Ислом дини кенг тарқалган мамлакатларда юзага келган тасаввуф таълимотини ҳам Бедил фалсафасининг асоси сифатида эътироф этишга тўғри келади. Чунки айнан тасаввуф таълимотида борлиқ масаласидаги ваҳдат категориясининг илоҳий ва моддий жиҳатлардан умумлашган ҳолда акс этилиши Бедил таълимотида ҳам кенг қўлланилган. Бунини тасаввуф фалсафасининг йирик намояндаси бўлган Шайх Фаридиддин Атторнинг “Жавҳар ва зот” каби фалсафий категориялари билан Бедилнинг “Мутлақ баҳр” (бухори латиф) тушунчалари орқали ифодаланган ваҳдат ул-вужуд ғоялари ўртасидаги умумий ўхшашлик ҳам исботлайди.

3. Бедил руҳ ва жисм тўғрисидаги масалани ўргана бориб, куйидаги хулосаларга келди:

- Оламнинг ички моҳиятини Мутлақ руҳ ташкил этади.
- Оламнинг моддий асосини ҳаво ташкил этади.
- Мутлақ руҳ – бу бухори латиф. Руҳ материя учун шаклдир.

Бедил фикрининг энг муҳим жиҳати шундаки, у ягона бир олам мавжуд, деб эътироф этади ва унда руҳ билан жисм, материя билан шаклнинг ўзаро муносабати алоҳида қайд этилади.

Бедилнинг мутасаввиф алломалардан фарқи шундаки, у тасаввуф ғояларини илгари сурса-да, илм-фан тараққиёти, дунёвий билимлар ривожига бўлган муносабатида юнон файласуфларига яқин туради. Шу ўринда Аристотелнинг фалсафий қарашлари Бедилнинг фалсафий-ахлоқий қарашларига маълум даражада ўз таъсирини кўрсатганлиги ҳар бир қадамда сезилиб туради.

II-БОБ.

МИРЗО БЕДИЛ АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРИНИНГ МУҲИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

1. Бедил фалсафасида ахлоқий тушунчалар талқини

Мирзо Абдулқодир Бедил фалсафасида *яхшилик ва ёмонлик, адолат, ишқ-муҳаббат* каби ахлоқий тушунчалар катта ўрин эгаллаган. У *яхшилик ва ёмонлик* каби ахлоқий категорияларга алоҳида эътибор беради. Инсоннинг ўз бахт-саодати йўлида меҳнат қилиши, атрофдагиларга эзгу муносабатда бўлиши, ўзгалар бахтини ўз бахти деб билиши, ўзининг ва бошқаларнинг муваффақиятидан қувониши инсон баркамоллигининг белгисидир.

Бедил инсоннинг фазилат ва нуқсонларини бир олам деб ҳисоблайди ҳамда фазилатни *яхшилик*, деб мадҳ этади, нуқсонларни эса *ёмонлик*, деб қоралайди. *“Инсон фақат яхши қилмиши, иши билангина узоқ давр яшаши мумкин”*,¹⁰⁷ деган фикр ҳам Бедилга тегишлидир.

Бедил жаннат ва дўзах тушунчаларини инсоннинг меҳнати, феъл-атвори билан белгилайди. Ҳақиқатдан ҳам феъли ёмон, жанжални яхши кўрадиган, ёмонликни касб қилган, дангаса одамлар давраси дўзах билан баробардир. Аксинча, яхши хулқли, меҳнат билан атрофни боғу бўстон қилиб, меҳрини одамлардан аямаган инсонлар макони бамисоли жаннатдир. Инсоннинг қўли чўлни гулистонга, боғу бўстонга айлантиришини халқимиз қадимдан билади. Келажагимиз ҳам ўз қўли-

¹⁰⁷ Низомиддинов Я. Мирзо Абдулқодир Бедил. – Т.: “Фан”, 1970. – Б. 12.

мизда эканлигини Президент И. Каримовнинг қуйидаги фикри яна бир бор тасдиқлайди: “Ҳар бир инсоннинг, айниқса, эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собитқадам ғайрат-шижоатига, тўла-тўқис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз равнақ топишининг асосий шартидир”.¹⁰⁸ Қўриниб турибдики, бахти-саодатимиз ва фаровон ҳаётимиз ҳар биримизнинг ғайрат-шижоатимизга, меҳнатсеварлигимизга ва фидокорлигимизга боғлиқ. Бу ҳақда Бедил шундай дейди:

*Қайдаким ёмон феъл бўлди раҳнамо
Жаҳаннам шундадир, билиб қўй, аммо
Яхшилик уругин сепсанг ҳар томон
Жаннат мевасини беради шу он.*¹⁰⁹

Мирзо Бедил инсоннинг ахлоқий қадриятларини синчиклаб ўрганар ва таҳлил қилар экан, барча кишиларнинг хулқ-одобини бир даражада эмаслиги, яхши хулқ бор жойда ёмон, яъни салбий хислатлар ҳам борлигига эътибор беради. Кишилар орасида сахийлар ва бахиллар, карамлилар ва карамсизлар, тўғрилар ва эгрилар борлигини кўриб, инсонда олийжаноб хислатларни ривож топтириш йўллариини излайди. Инсонлар хулқидаги бу икки хиллик, яъни эзгу, яхши ва ёмон хулқларнинг мавжудлиги ҳақидаги Бедил илгари сурган ғоялар Юсуф Хос Ҳожибнинг ахлоқий қарашлари билан

¹⁰⁸ Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисодиёт, сиёсат, мафкура. 1 жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996. – Б. 49.

¹⁰⁹ Мирзо Абдулқодир Бедил. Комде ва Мудан. – Т.: “Ўзбекистон”, 1960. – Б. 76.

уйғунлигини кўришимиз мумкин. Юсуф Хос Ҳожиб-нинг “Қутадғу билиг” асарида шундай дейилади: “Эзгу одамлар ҳам икки турли бўладилар – булардан бири яхши ва тўғри йўлдан юрувчилар. Бундай эзгу одамлар туғма яхши бўладилар, улар тўғри ва рост йўлдан юрадилар. Яна бир турли эзгулар борки, улар ўткинчи яхшидирлар, ёмонларга қўшилиб қолсалар, ёмон ва ярамас ишларга қўл урадилар. Шунингдек, ёмонлар ҳам икки турли бўладилар, икки тоифасини бир хилда ёмон демаслик керак. Булардан бири – туғма ёмонлардир, уларнинг искиртлари то ўлгунча аримайди. Яна бири – ўткинчи ёмонлардир, ундайларнинг жўралари яхши бўлса, улар шу яхшиларга эргашиб яхши бўладилар. Туғма яхшилардан доимо яхшилик келади. Олам халқи улардан фақат манфаат олади”.¹¹⁰ Юсуф Хос Ҳожиб-нинг яхшиликни туғма бўлиши ҳақидаги фикри Саъдий Шерозий ва Алишер Навоий фикрлари билан ниҳоятда ўхшаш. Жумладан, Саъдий шундай дейди:

*Зоти ҳар кимнинг ямондир, яхши ҳаргиз бўлмагай,
Гумбаз узра гуз қўймоқ – тарбият қилмоқ анго.*¹¹¹

Бизга маълумки, Мирзо Бедил Саъдий ижоди билан жуда яхши таниш бўлган ва унинг “Гулистон” ва “Бўстон”ини севиб ўқиган. Демак, Бедил ахлоқий қарашларининг шаклланишида уларнинг таъсирини ҳисобга олсак, *яхшилик* ахлоқий тушунчаси талқинида ҳам яқин бўлган, деган хулосага келамиз.

Бедил яхшилик ҳақида фикр билдирганда Жалолиддин Румий ижодидан ҳам баҳра олганлигини кўришимиз мумкин. Бизга маълумки, Мирзо Бедил Жалолид-

¹¹⁰ Қадимги ҳикматлар. / Тузувчи Н Раҳмонов. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1987. – Б. 127 – 128.

¹¹¹ Саъдий Шерозий Гулистон. / Муҳаммад Ризо Огаҳий таржимаси. – Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993. – Б. 14.

дин Румийнинг “Маснавийи маънавий”си билан яқиндан таниш бўлган. Шу ўринда Румийнинг қуйидаги фикри диққатга сазовордир:

*“Баҳри он аст имтиҳони неку бад,
То бичушад бар сар орад зар забад”¹¹²*

Таржимаси: Қайнаса зарнинг чиқар зангорлари,
Имтиҳон – яхши – ёмон кирдорлари.

Маъноси шундан иборатки, яхшилик ва ёмонликнинг имтиҳони, тилла қайнатилгач, кир-чирлари сатҳга қалқиб чиққанга ўхшаш бир ҳолдир. Тилло ана шу зайл қайнаб, риёзат чекиб, яъни соф олтинга айланади.¹¹³ Румий демокчики, инсон ўз фаолияти жараёнида инсонларга яхши хулқи, муносабати, фаолияти жараёнида ўзида мужассамлашган олийжаноб хислатларини намоён этади. Бошқалар билан бўлган ахлоқий муносабатда ўзини кўзгуда кўргандек яхши ва ёмон жиҳатларни англаб, ажратиб олади.

Мирзо Бедил, албатта, Румий шеъриятидан илҳомланган ва ўз ижодида уни давом эттирган.

*Яхшилик қилсанг ўз дилинг бахтга ёр,
Ёмонлик кўргузсанг кўнгилда губор.
Ҳали қиёмат кун келгани йўқ-ку,
Яхшилик қилавер, ҳисоб не даркор.¹¹⁴*

Ўрта асрлар мусулмон Шарқ мутафаккирлари, жумладан, Рудакий, Фирдавсий, Жалолиддин Румий, Аҳмад Яссавий, Саъдий Шерозий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аб-

¹¹² Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. / Асқар Маҳкам таржимаси – Т.: “Шарқ”, 1999. – Б. 130.

¹¹³ Байтнинг таржимаси ва шарҳи Асқар Маҳкам қаламига мансуб.

¹¹⁴ Мирзо Абдулқодир Бедил. Шавқингни ёд этиб. Т., 2005. – Б. 51.

дурахмон Жомий, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий кабиларнинг асарларида ҳам ахлоқий қадриятлар, панд-насиҳатлар ўзига хос тарзда кўзга ташланади.

Бедилнинг “Нукот” (ҳикматли сўз) асари бунга мисол бўлади. Бедилнинг яхшилик ва ёмонлик тўғрисидаги қарашларини замонавий тил билан таҳлил қилсак, одамлардаги лоқайдлик, бемехрлик, фаросатсизлик худди музлаган чечакни эслатади. Мутафаккир ундайлардан яхшилик кутиш керак эмаслигини алоҳида уқтиради:

*Қайдаки мавжуддир лутф ила карам,
Ул киши таъбиға илиқликдир зам.
Яхшилик истаманг совуқ кишидан
Музлаган чечакнинг иси жуда кам.*¹¹⁵

Қачонки, лутф ва карам, яъни хайрихоҳлик, яхши муносабатлилиқ, мурувватлилиқ каби ахлоқий туйғулар инсонда мужассам бўлса, ундай кишилар табиатида доимо илиқлик, меҳр-оқибат бўлиши таъкидланади. Ўсимлик қуёш нурига интилиб яшаганидек, инсон ҳам илиқликка, яхшилик нурига талпиниб яшайди.

Бедил яхшилик ва ёмонлик ҳақида фикр билдирганда ҳар иккаласи ҳам инсоннинг ўзига боғлиқ эканлигига урғу беради. Бу фикрни мутафаккирнинг қуйидаги байти орқали янада яққолроқ билиб олишимиз мумкин:

*Яхшилик — ёмонлик мулу кўл бунда,
Қилмишинг ҳолидан огоҳ бўл бунда,
Қўлинг олур улким, қўлини олдинг,
Барчанинг фойдаси қўлма-қўл бунда*¹¹⁶.

Мирзо Бедил яхшилик ва ёмонлик тушунчаларини

¹¹⁵ Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубоийлар. — Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1974. — Б. 51

¹¹⁶ Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубоийлар. — Б. 116.

ҳар тарафлама таҳлил этишга, инсонларнинг ҳар бир қилмиши нафақат ўзгалар учун, балки ўзи учун ҳам аҳамиятли эканлигини кўрсатиб беришга ҳаракат қилади. Бу фикрни давом эттириб мутафаккир яна шундай дейди:

*Ин жаҳон кўҳ асту феъли мо нидо,
Сўй мо ояд нидоҳоро садо.*¹¹⁷

Маъноси:

*Бу жаҳон — тоғ, феълимиз гуё нидо,
Бизга қайтар бу нидолардан садо.*

Бундан шундай маъно келиб чиқадики, дунё тоғ кабир. Тоғда янграган садоларимиз акси ўзимизга қайтиб келади. Бу дунёда ким нима қилмасин, пировардида натижасини кўради. Халқимиз тили билан айтганда, бу дунё қайтар дунё, нима эксак, шуни оламиз. Худди шу сингари фикрларни Юсуф Хос Ҳожибда ҳам кўрамиз. Унда шундай дейилади: “Ким яхшилик қилса, ўзи ҳам яхшилик кўради. Ундайлар камситилган ёки таҳқирланганларни ажратиб қўймайди”.¹¹⁸

Бедил инсонларни фақат яхшиликка, тўғрилиikka даъват этар экан, бу йўлда тўсиқ бўлувчи ёмон сўзловчи, ғийбатчи кишилардан йироқ бўлишга чақиради. Шу ўринда Бедилнинг қуйидаги фикри диққатга сазовордир: “Агар яхшилардан бегона бўлмайман, ажралмайман десанг, ёмон сўзловчи, ғийбатчилар билан ошнолик қилма. Ўзингни тўғри кўрсатмоқчи бўлсанг, ойнанинг орқасига боқма”.¹¹⁹

Агар сурат ёмон бўлса, ойнадаги акс ҳам ёмон

¹¹⁷ Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. / Асқар Маҳхам таржимаси. — Б. 122.

¹¹⁸ Қадимги ҳикматлар. / Тузувчи Н. Раҳмонов. — Б. 146.

¹¹⁹ Мирзо Абдулқодир Бедил. — Душанбе: “Ирфон”, 1956. — Б. 74.

қўринадики, бизнинг фикримиз ва тафаккуримиз ҳам етуклик даражасида бўлмаса, ҳамма нарсани тасаввуримизда яхши ўзлаштира олмаймиз. Бедил, худди Форобий сингари, ақл, ахлоқ, билим бирлигига алоҳида аҳамият беради. Чунки инсон ақл билан билимга эга бўлмаса, тафаккур ва онгини ривожлантирмаса, у яхшиликнинг қадрига етолмайди. Юртбошимиз айтганларидек, жамият “илм ва тафаккур” билан қудратлидир. Ғийбат бу – кибр, манманлик, бировнинг ютуғини кўролмасликдир. Ғийбатчи яхши кишиларнинг иши – фаолиятига путур етказиш учун уринувчидир.

Мирзо Бедил яхшилик, ахлоқий поклик ҳақида фикр билдирганда, бу тушунчаларнинг ақл-идрок, илм-маърифат билан бир бутун ҳолда олиб қарашга ҳаракат қилади:

*Киши табиатини фош этса идрок,
Фақат яхшиликка этар иштирок.
Илмдан бебаҳра қолади таъби,
Бадфеълидан кечиб бўлалмаса пок.*¹²⁰

Президент Ислом Каримов миллий ва умуминсоний кадриятларга таянган ҳолда, демократик жамият қуриш жараёнида ижтимоий адолат тамойилларига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратаётганлиги адолат тушунчасининг инсон, давлат ва жамият ҳаётидаги аҳамиятининг нақадар долзарб эканлигини англатади. Ушбу тушунчанинг аҳамиятини юртбошимизнинг қуйидаги фикри тасдиқлайди: “Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини камраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт”.¹²¹

¹²⁰ Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубоийлар. / Шоислом Шомухамедов таржимаси. – Б. 19.

¹²¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. – Т.: “Ўзбекистон”,

Тадқиқотимизнинг объекти доирасига кирган *адолат* категориясини Мирзо Бедил фалсафаси асосида таҳлил этар эканмиз, ушбу тушунчанинг нақадар долзарб ва бугунги кун учун аҳамиятли эканлигини юқоридаги фикрлар ҳам тасдиқлаб турибди.

Адолат масаласи доимо Шарқ мутафаккирларининг диққат марказида турган муаммолардан бири бўлиб келган. Жумладан, мутафаккирларимиздан Форобий, Жалолиддин Давоний, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Хусайн Воиз Кошифий, буюк давлат арбоби, саркарда Амир Темурнинг ижоди ва фаолиятида адолатга кенг ўрин берилади.

Ўз даврининг йирик “Шарқ Арастуси” номини олган Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шахри” асарида инсоннинг жамиятни бошқаришда ҳамда ривожланишида «Адолат» ва ахлоқни шаклланиш қонуниятларининг назарий тамойилларини яратганлиги билан машҳурдир. У “Маданий жамият ва маданий шаҳар (ёки мамлакат) шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-ҳунарда озод, ҳамма баробар бўлади, кишилар ўртасида фарқ бўлмайди, ҳар ким ўзи истаган ёки танлаган касб-ҳунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод бўладилар, одамларнинг тинчлик ва эркинликларига ҳалақит берувчи султон бўлмайди. Улар орасида турли яхши одатлар, завқ-лаззатлар пайдо бўлади”,¹²² деб ёзади. Шу тариқа олим бугун бизнинг тасаввуримиздаги демократик давлат шакллари ва унда адолатнинг ўрни, бошқарувнинг сиёсий ва фалсафий моҳиятини кашф этишга уринган.

“Олимларнинг таъкидлашича, адолат – энг яхши фазилат, адолатсизлик эса – энг ярамас ва тубан хатти-ҳаракатдир. Адолатнинг натижаси бу – мол-мул-

2000. – Б.51.

¹²² Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993. – Б.190.

книнг пойдорлиги, мамлакат фаровонлиги, хазинанинг маъмурлиги, шаҳар ва қишлоқларнинг гуллаб-яшнаши, зулм ва адолатсизликнинг оқибати эса – мамлакатнинг заволга учрашидир”,¹²³ дейди Кошифий.

Мирзо Бедил ҳам бошқа алломалар сингари одил шоҳ кишилар ўртасида адолатли муносабатлар ўрнатиши лозимлиги ҳақида қимматли фикрларни илгари сурди. Бедил шоҳларнинг халққа адолатли муносабатда бўлишини уларнинг халққа нисбатан золимлик ва ўзгаларнинг ҳақига хиёнат қилмасликда, деб тушунади.

*Халқ ичинда сен золимлик номин олма,
Ожизларга зулм кўрсатиб, жонин олма.
Очлигингдан ўлганда ҳам зинҳор, зинҳор,
Чумолининг оғзидаги донин олма*¹²⁴.

Мирзо Бедил адолат ва адолатли жамиятни кўриш орзуси билан яшаган. Адолат категориясини Бедил сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва ахлоқий томондан, кишиларнинг мавқеи нуқтаи назаридан таҳлил қилади. Адолат ижтимоий ҳаётнинг белгиловчи мезони сифатида олиб қаралади, ундан юз ўтирганларга ўзининг нафратини билдиради.

Бедил ўзининг “Комде ва Мудан” асарида кишиларни қийновчи, инсонларни азобловчи шоҳни қоралайди ва мазлумларни ҳимоя қилувчи адолатпарвар шоҳни мактайди:

*Камтар афтад, ки давлати золим,
Монад аз офати солим.
Хоки он ба хун тар шуд*

¹²³ Қаранг: Мутафаккирлар ахлоқ ва адолат ҳақида. / Форс тилидан Ҳ.А. Ликулов таржимаси. – Т.: “Адолат”, 1995. – Б.33.

¹²⁴ Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубойлар. / Шоислом Шомухамедов таржимаси. – Б.72.

*Подшоҳи Мудан музаффар шуд.*¹²⁵

Маъноси: Золим давлати енгилди, унинг офатдан ҳаққоният қутулди, у бевафо золим подшоҳ қони тўкилди. Мудан шоҳи – одил шоҳ зафар қозонди.

Бедил ахлоқий қарашларидаги ўзига хосликдан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, бу ерда ҳам мутафаккир адолат адолатсизлик устидан албатта ғалаба қозонишига ишонади ва адолатсизлик қилган кимса, албатта, қилмишига яраша жазо олиши муқаррар эканлиги уқтирилади:

*Қилмиш – қидирмишдан кимки бохабар,
Заифларга зулм қилмас, алҳазар.*¹²⁶

Юқорида қайд этилганидек, Муданни муҳаббати учун қийноқларга солиб, ўз ўлкасидан ҳайдаган адолатсиз шоҳнинг Комде ва Мудан муҳаббатига ҳавас қилган, инсоний фазилати билан халқ ҳурматига сазовор бўлган адолатпарвар шоҳ томонидан мағлуб этилиши Бедил томонидан илгари сурилган *адолат* гоёсининг ифодасидир.

*Ҳарки имдоди бедилон дорад,
Аз завол ахтараш амон дорад.
Қасри иқбол ҳар кужо барпост,
Нардбонаш ҳимояти зуъафост.*¹²⁷

Маъноси: Ҳар кимки мазлумлар – бечораларга ёрдам берса, ғамхўрлик қилса, унинг юлдузи сўнмас. Иқбол қасри ҳар ердаки тикланса, унинг чиқиш босқичи (нарвони), йўли заифлар – бечораларни ҳимоя этишдир.

Демак, Бедил ёвуз подшоҳларга лаънат айтиб, одил

¹²⁵ Иброҳим Муминов. Мирза Бедил. – Б. 39.

¹²⁶ Мирзо Абдулқодир Бедил. Шавқингни ёд этиб. – Б. 53.

¹²⁷ Иброҳим Муминов. Мирза Бедил. – Б. 39.

подшоҳларни мактайди ва уларга халқ оммасининг турмушини яхшилаш умидини боғлайди.

Бедил *адолат*ни нафақат сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан, балки унинг ижтимоий-ахлоқий жиҳатдан ҳам ўзига хослигини кўрсатиб беришга ҳаракат қилади. Мирзо Бедил *адолат*ни ижтимоий-ахлоқий категория сифатида таҳлил этганда, бу тушунчага бошқача ёндошади:

*Тенг тарозидур «Адолат», эй фақир, қўл урмагил,
Ҳурматингга овса бир ён неъматин кам бўлғуси»¹²⁸.*

Бедил кишиларнинг ўзаро ижтимоий-иқтисодий муносабатларида *адолат* тушунчасига улар ўртасидаги тенгликни таъминловчи мезон сифатида қарайди.

Шунингдек, мутафаккир *адолат*нинг подшоҳларга ҳам, оддий инсонларга ҳам хос бўлган қирраларини алоҳида кўрсатиб беради. Бу жиҳатдан улар ўртасидаги муштараклик шунда кўзга ташланадики, ҳар қандай ҳолатда *адолат*дан юз ўгирган, *адолат*сизликни шиор қилган кимсалар ҳаётда албатта ўз жазосини олишига ишонади. Ушбу фикрни файласуф-шоирнинг қуйидаги байти тасдиқлайди:

*Ҳақ адолатдан кечиб, нафс йўлига кирган киши
Беҳуда ичган қасам бир кун келиб сам»¹²⁹ бўлғуси.¹³⁰*

Шарқ мутафаккирлари, шу жумладан, Мирзо Бедил ҳам *адолат*ни асослашда кўпроқ лирик – руҳий, маънавий-ахлоқий жиҳатдан ёндошганлар. Зеро, шарқона жамиятларда азалдан *адолат* тушунчасига ҳамоҳанг тарзда *ҳақ*, *меъёр*, *ҳақиқат*, *бурч* тушунчалари ҳам қадрланиб келинган. Шунингдек, жамоа манфаати, оила-

¹²⁸ Матназар Абдулҳаким. Такаллум. / Бедил рубойилари таржимаси. – Нукус: Қорақалпоғистон, 1995. – Б. 62.

¹²⁹ Сам – захар.

¹³⁰ Мирзо Абдулқосим Бедил. Шавқингни ёд этиб. – Б.24.

даги тартиб-интизом, эътиқод ва маънавийлик юқори баҳоланган.

Ғарб мутафаккирлари эса кўпроқ ҳуқуқий, амалий, кундалик ҳаёт муаммолари нуқтаи назаридан фикр юритганлар. Шунинг учун ҳам Шарқдагидан анча фарқли тарзда эркинлик, тенг ҳуқуқлилик, эрк тушунчаларига кўпроқ даражада аҳамият берилган. Шу билан бирга Ғарб демократиясида индивидуализм, индивиднинг тартиб-интизоми, ҳуқуқ ва адолатга олиб боровчи воситалар сифатида қадрланади, маънавийликдан ҳам кўра рационализм мустаҳкам ўрин эгаллайди.

Ҳозирда *ижтимоий адолат* муаммолари инсон ҳуқуқлари ва демократия ғоялари билан узвий боғлиқ ҳолда талқин этилади. Халқаро ҳуқуқ соҳасидаги ҳужжатларда ҳам бу тушунчага жиддий эътибор берилмокда. Жумладан, БМТ ҳужжатларида ижтимоий адолатга шундай таъриф берилади: “Ижтимоий адолат инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини кондиришни ва моддий ресурсларни адолатли тақсимлашни англатади. Бу соҳадаги фаолият соғлиқни сақлаш ва таълим каби муҳим хизматларга умумий дахлдорликни таъминлаш, дастлабки босқичида тенг имкониятларни яратиш, ноқулай (ночор) вазиятдаги шахсларни ҳимоя қилиш, истеъмол ҳамда даромадлар олиш каби соҳаларда мувозанатни (мутаносибликни) таъминлашга қаратилгандир”.¹³¹

Биз юқорида гувоҳи бўлганимиздек, Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам *адолат* жамият учун ҳаётий қадрият сифатида қадимдан бугунги кунгача юқори баҳоланиб келинмокда. Мустақил ва барқарор тараққиёт йўлига кираётган жамиятлар учун у икки ҳисса қадрлидир. Шу маънода унинг умуминсоний жиҳатларига, демократик моҳиятига катта эътибор қаратилаётганлиги табиийдир.

¹³¹ Права человека и работа в социальной сфере : Центр по правам человека ООН. – Женева, 1995. – С.16.

Бугун демократик жамият сари одимлар эканмиз, бунда ҳам бош ғоялардан бири адолат эканлигини Ўзбекистон Конституцияси исботлаб турибди. Саркарда Амир Темурнинг “Куч адолатдадир”, деган ғоясини юртбошимиз И.А.Каримов томонидан “Куч билим ва тафаккурдадир”¹³² ғояси билан бойитилиши ҳам бугунги ижтимоий ҳаётда эзгулик ва адолатга бўлган ижобий муносабатлардан бири эканлигини кўрсатмоқда.

Шуни айтиш ўринлики, Президентимиз И.Каримов мамлакатни адолат тамойилларига мустаҳкам таянган ҳолда инсон ҳақ-ҳуқуқларини бутун чоралар билан ҳимоя қилиш йўлидан собитқадамлик билан илгари бошламоқда.

Биз ҳуқуқий – демократик давлат сари одимлар эканмиз, бу йўлда адолатнинг ҳар томонлама моҳиятини англаш ва уни амалий ҳаётимизга тадбиқ этиш масаласи янада долзарблашади. Юқорида таъкидлаганимиздек, *адолат* давлат сиёсати даражасида қаралар экан, шу ўринда унинг сиёсий-ҳуқуқий категория сифатидаги ўзига хослиги ҳам масаланинг моҳиятини ёритишда муҳимдир.

Ҳуқуқий адолат кишилар ўртасидаги ўзаро ҳаракатлар жараёнининг маълум даражасини кафолатлаш, ижтимоий муносабатларни мўътадил ва зарурий ҳолатда сақлаб туришга хизмат қилади. Бошқача қилиб айтганда, ижтимоий муносабатлар *ҳуқуқий адолат* меъёрлари асосида тартибга солинади. Шу маънода ҳуқуқий адолат умумий меъёрий – регулятив тизим (сиёсий, ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлар, қоидалар) фаолиятини назорат қилади. Юртимизнинг мустақиллиги давлат тизимидаги туб бурилишлар, адолат мезони бўлган Қомусимиз ва унинг ижросини таъминлашдаги икки палатали парламент жамиятда ҳуқуқий адолатнинг таъминланиши кафолатидир.

¹³² Каримов И. Биз ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Т. “Шарқ”, 1999. Т.7 – Б.143.

Инсоннинг ҳаётига мазмун ва яшашга иштиёқ берувчи, инсоний муносабатларни юқори чуққига олиб чиқувчи асосий омиллардан бири меҳр-муҳаббатдир. Мирзо Бедил фалсафасида ахлоқий қадрият сифатида талқин этилган энг муҳим тушунчалардан бири ҳам *ишқ-муҳаббат* ахлоқий тушунчасидир. Бедил борлиқнинг яратилишидан тортиб то инсонларнинг моҳиятигача бўлган жараёни ишқ-муҳаббатсиз тасаввур эта олмайди.

Биз тадқиқотимизнинг юқоридаги қисмида “Бедил” гахаллуси ҳақида сўз юритгандик. Унда “бедиллик” ишқнинг мукамаллиги, ўзликдан кечишнинг ҳадди аълога етганига далил бўлиб келганлиги ҳақида таъкидланган эди. Бедил рубойларида қўлланилган “дил” тушунчаси ишқнинг, муҳаббатнинг макони сифатида тушунилади.

Бедил наздида дил ва унинг бир банди эса бир оламдир: *Бедил, шикасти шишаи дил низ олмест. (Дил шишасининг ҳар бўлаги ўзи бир олам эрур).*¹³³ Демак, бир дил синиши ё ўксиши бутун оламнинг бузилиши билан баробардир.

Бедил реал ишқни, соф севгини борлиқнинг, мавжудотнинг ривожини, деб билиб, уни борлиқ ва инсон ҳаракатининг манбаи деб ҳисоблайди:

*Бе ишқ, маҳол аст бувад равнақи хатте,
Бе ҷилваи хуршед ҷаҳон нимасиёҳ аст.*

Маъноси: Ишқ-муҳаббатсиз бирон-бир нарсада ривожланиш бўлмайди. Қуёшнинг заррин нурисиз дунё зулматдир.¹³⁴ Бедил юқоридаги байти орқали ўзининг мавжудлигини ҳам ишқ билан, деб билади.

¹³³ Комилов Н., Султонмурод О. Бедил шеърлятида дил тисмоли. // Филология масалалари. – Т., 2006. – Б. 6.

¹³⁴ Қаранг: Шўжуров Ш. Мирзо Бедилнинг поэтик мероси. – Т.: “Фан”. 1979. – Б. 54.

Бедил ўз қарашларида илоҳгами, ё севган ёр мали-
касигами ишқини пинҳон тутиш тарафдори. Шунда бу
асл ишқ бўлиб, ўз кадрини йўқотмайди. Бедил илоҳий
ёки инсоний ишқни улуғларкан, бир байтида бу фикри-
ни бадий воситалар орқали шундай ифодлайди:

*Рози ишқ аз дил бурун афтоду расвой кашид,
Шуд парешон ганҷ, то гофил шуд аз вайронаҳо.*

Мазмуни:

*Дил уйин этмасдан макон, ишқ сири тортди ранж,
Вайронадин қолиб айро, ўзлигин йўқотди-ку ганж.*

Аллоҳга ўз ишқини яшира олмаган Мансур Ҳал-
лож дорга осилди. Сўфийлар тили билан айтганда у
“Аллоҳга ишқи сирларини сир сақлаш учун яратилган
қалбида сақлаши лозим эди, сақламай шунинг окиба-
тида ҳалокатга учради, бунга ўзи айбдор”.¹³⁵ Бедил ҳам
илоҳий неъмат саналмиш ишқни кадрсизлантиришда
ана шундай хору зорлик, ранжу уқубат аломатларини
қўради. Яъни севги-муҳаббатни оёқ ости қилишни гу-
ноҳ санайди. Бугунги оддий ҳаётимизда бу неъматни
қадрламаслик эса оилалар бузилиб, жамиятда яна бир
қийинчиликлар қўпайишига олиб келади.

Файласуф шоирнинг тасаввуф таълимоти би-
лан ошно бўлганлигини эътиборга оладиган бўлсак,
ишқ-муҳаббат илоҳийлигига гувоҳ бўламиз.

*Ишқ доғи каби нурга ниқобидир юрагим,
Оина каби дард ила софдир юрагим.
Сен сўрадинг, бердим юлиб куксимдан,*

¹³⁵ Қаранг. *Меҳрин Шуштарий*. Торих-э забон ва адабийёт-э Ирон. –
Техрон, 1973; *Ғуҳарин, Саййид Содэқ, Шарҳ-э истилоҳот-э тасаввуф*. 1-4
жилд. – Техрон, 1988. – Б. 14 – 15.

Бедил томонидан ишқ-муҳаббат тушунчасининг илгари сурилиши тасодифий ҳол эмас, чунки қадимги давр Шарқ фалсафасида ҳам, ўрта асрлар файласуфларининг аксариятида ҳам инсон қалбини коинот ёруғликлари ҳаракатга келтиради. Яъни коинот нурини майинлик, юмшоқлик, муҳаббат маъносида тушуниш мумкин. Масалан, қадимги даврда вужудга келган зардуштийликда ёруғлик, нур, олов бутун борлиққа ҳаёт бахш этувчи куч сифатида қаралса, қадимги Ҳиндистонда вужудга келган буддизм динида ҳам нур илоҳий, ҳаётбахш унсур сифатида қаралади.

Ахлоқнинг муҳим тушунчаси бўлган, борлиққа ҳаёт бағишловчи “ишқ” тушунчасига кенгроқ тўхталадиган бўлсак, аввало шуни алоҳида қайд этишимиз керакки, Бедил ушбу тушунчага ёндошганда Шарқ мутафаккирларининг ғояларидан унумли фойдаланади. Шу ўринда Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Жалолиддин Румий, Алишер Навоий каби аллома ва мутафаккирларимизнинг фикрларига бир оз тўхталишни лозим топдик.

Ибн Синонинг фикрига кўра, Зухро сайёраси таъсирида ишқ келиб чиқади. “Ҳайй ибн Яқзон” деб номланган асарида Зухро гўзал, қувноқ, пок одамлар сайёраси сифатида тасвирланади. Ибн Сино “Рисолаи ишқ” асарида ишқни таърифлаганда, унинг қуйидаги белгиларига алоҳида тўхталади: биринчидан, ишқ ахлоқ доирасидаги тушунча; иккинчидан, олий ҳимматлилик, олийжаноблик манбаи; учинчидан, ошиқни фаоллаштиради; тўртинчидан, у шундай кучки, мутлақ гўзаллик, эзгулик тимсоли бўлмиш яратувчига интилтади.¹³⁷ Бу каби фикрларни янада бойитган мутасаввиф-файласуф

¹³⁶ Мирзо Абдулқодир Бедил. Шавқингни ёд этиб. – Б. 8

¹³⁷ Қаранг: Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997. – Б. 355.

Имом Ғаззолий ишқ-муҳаббатни нафақат ҳиссий, балки ақлий билишнинг ҳам маҳсули деб атайди. Мутафаккирнинг фикрига кўра, муҳаббатнинг 5 тури мавжуд:

– инсоннинг ўзига, ўз камолоти ва соғ-саломатлигига муҳаббати;

– инсоннинг ўз ҳаётини давом эттиришини таъминловчи, уни асровчи, ундан турли муҳликатни (ҳалок этувчиларни) нари тутувчи валинеъматларига муҳаббат;

– инсоннинг, гарчанд шахсан ўзига яхшилик қилган зотларга яхшилик билан жавоб бермаган бўлса ҳам, бошқа инсонларга хизмат қилган, мурувват кўрсатган зотларга муҳаббати;

– инсоннинг ташқи ёки ички қиёфадаги барча гўзалликка муҳаббати;

– инсоннинг ўзи билан ботиний, яширин ўхшашлиги бор бўлган зотларга муҳаббати.¹³⁸

Мазкур барча муҳаббат турларининг замирида Аллоҳга бўлган муҳаббат ётади, яъни инсоннинг ўзига, атроф-муҳитга, ўзгаларга муносабати муҳаббат орқали амалга ошади ва бу муҳаббат турларининг ҳаммаси Аллоҳга муҳаббатнинг билвосита кўринишидир.

Бедил Аллоҳнинг назари туфайли унга ошиқ. Бу ишқ унинг ўзлигидан кечиб, бунёдкорликлар сари ундаганлигини тушунишимиз мумкин.

Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий”сида ишқ тушунчаси ҳақида жуда қизиқарли ғоялар илгари сурилган:

*Ҳар киро жама зи ишқе чок шуд,
Ў зи ҳирсу жумла айбе пок шуд.
Кимса эғни ишқдан гар чокдир,*

¹³⁸ Қаранг: *Шеров А.* Тасаввуф. Ғаззолий ва гўзаллик фалсафаси. // “Соғлом авлод учун”. 2002. № 2 – Б.16.

*Покдир у, ҳирсу айбдин покдир.*¹³⁹

Уни таҳлил этсак, кимнингким худбинлик ва нафсоний либоси Ҳаққа бўлган ишқ шиддатидан чок-чок бўлса, у ҳар нечук ҳирсу ҳавасдан, шарму хатодан покдир. Ишқ у хоҳ ҳақиқий, хоҳ мажозий бўлсин, ахлоқни тарбияловчи кудратга эга. Ҳали севмасдан бурун киши молпараст, бадфеъл, кўрқок бўлиши мумкин. Қачонки, ишқ унинг вужудини истило қилса, унинг ботинида муҳрланган туйғулар қопқаси ланг очилади.

Бу – мажозий ишқ, яъни, илоҳий ишқнинг суврати. Ҳақиқий зотларга хос ишқ. Банда мажозий ишқ мусибатларини торта-торта покланади. Маъшуқанинг ўзи эмас, унинг эшигидаги ит ҳам қандайдир хислатли туюла боради. Бу ҳақиқий ишқ суврати. Бироқ ҳақиқий ишқни қандай қилиб ҳис қилса бўлади? Бу ишқ илоҳий, буюк ва мисли йўқ ишқ Аллоҳнинг асл бандаларида бўлади. Бу банда, энг аввало, ўзининг бандалигини тегран ҳис қилган зотдир. Бу банданинг қалби – ойинаи жаҳоннамо. Унда бу олам ўзининг бор гўзаллиги, инсон эса буткул қиёфаси ва жамийки нуқсонлари билан акс этиб туради. Яссавий ғояси Румий илгари сурган *ишқ* тавсифи билан ҳамоҳанг. Румий шуни алоҳида таъкидлайдики:

*Ишқ, жони Тур омад ошиқо,
Тур масту “хорро Мусо саиқо”.*¹⁴⁰

Яъни, Тур тоғига ишқ ҳаёт ва жон бахш айлади. Тур тоғи бадмастлик қилди ва Ҳудованднинг танлаган бандаси ҳазрат Мусо алайҳиссалом бу ишқнинг азамати ва

¹³⁹ Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. А.Маҳкам таржимаси. – Б. 47.

¹⁴⁰ Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. А.Маҳкам таржимаси. – Б. 50.

жалолати туфайли беҳуш бўлиб йиқилди. Тупрокдан яралган жисмнинг *ишқ* туфайли фалакларга парвоз қилиши, Тур тоғининг *ишқ* туфайли майда- майда бўлгани ишқнинг жозибасидан далилдир, дейди Румий.

Ишқ масаласида Жалолиддин Румийнинг хулосаси шуки, у муҳаббатни миллат, мазҳаб, диндан юқори қўяди. *Ишқ* аҳли учун миллат ҳам, мазҳаб ҳам Худодир, деган ғояни илгари суради:

*Миллати ишқ барча динлардан жудо,
Аҳли ишққа миллату мазҳаб – Худо.*¹⁴¹

Жалолиддин Румий ўз қарашларида барча инсониятни ишқ йўлига киришга даъват этади:

*Ишқ оби ҳаёт эрур, унинг мавжига кир,
Ҳар қатраси бир ҳаёт эмиш, сенга фидо.*¹⁴²

Алишер Навоий асарларида ҳам муҳаббат жуда кенг ижтимоий-ахлоқий мазмун касб этади. *Ишқ* Навоий назарида инсон қалбини турли иллатлар ва ҳайвоний ҳиссиётлар таъсиридан тозаловчи, инсонда юксак маънавий ҳис-туйғулар уйғотувчи руҳ ёки ахлоқий кучдир.

*Ҳар кимки муҳаббат уйини маскан этар,
Кўнглига ҳабиб куйини гулшан этар,
Кўб касби зиё дўст юзидин фан этар,
Маҳбуб юзин кўрмаги, кўз равшан этар.*¹⁴³

Ишқ – бу инсон руҳининг олийжаноб ва мардона

¹⁴¹ Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи Маънавий. Олтинчи китоб. / Жамол Камол таржимаси. – Техрон.: “Ал-Ҳудо”, 2004. – Б.443.

¹⁴² Жалолиддин Румий. Учмоққа қанот йўқ вале учгайман. / Жамол Камол таржимаси. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1994. – Б.30.

¹⁴³ Алишер Навоий шеърятидан. / “Чор девон”дан тузувчи Ш.Шомухамедов. – Т.: “Ўзбекистон”, 1977. – Б.88.

юксалиш йўли. Навоий ишкни уч турга бўлиб таҳлил қилади:

Биринчи тур – оддий одамлар ишқи бўлиб, халқ орасида машҳур ва кенг тарқалгандир. Айтадиларки, “Фалон одам фалончига ошиқ бўлибди”. Бу хилдаги одамлар кимгадир ошиқ бўлиб, изтироб чекиб, шунинг ҳаёли билан юрадилар. Бу ишқ жисмоний лаззат ва шаҳвоний нафс билан чегараланадики, олий мартабаси – шаърий никоҳ. Никоҳ барча халқлар учун умумий ва зарурийдир.

Иккинчи тур – алоҳида фазилат эгаларига хос ишқ бўлиб, бу хос ишққа мансуб шахслар пок кўзни пок ийят билан пок юзга соладилар ва пок кўнгил у пок юзнинг шавқи – завқи билан бекарор бўлади. Бунда пок юз воситаси билан пок ошиқ ҳақиқий маҳбубнинг жамолидан баҳра олади. Навоий бу ишқ турига Хусрав Дехлавий, Шайх Ироқий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий ва ўзини ҳам ошиқлар сифатида санаб ўтади. “Уларнинг ҳаммасида асл сўз – ишқ ҳақидаги сўз. Кўнгилда ҳаёт нашъаси бўлса, бу – ишқнинг ўзидир” Уларнинг шеърият устида бош қотиришдан мақсадлари – ишқни тасвирлашдир.

Учинчи тур – ҳақгўйлар ишқи бўлиб, улар Ҳақнинг жамолини очик кўриш умиди билан яшайдилар ва шунинг билан матлубдирлар. Уларнинг Ҳақни кўз билан мушоҳада қилиш умидлари ўзни унутиш даражасига етган ва бундан ҳам ўтиб, ҳалок бўлиш мақомига кўтарилган бўлади, яъни парвонанинг шамга урилиб, ҳалок бўлишига ўхшайди. Навоий ушбу мақомга етганлар сирасига Мансур Ҳаллож, Боязид Бистомийларни киритади.¹⁴⁴

Мутафаккир шоир Алишер Навоий илоҳий ишқни куйлаш баробарида унга етишишдаги машаққатни шундай тасвирлайди:

¹⁴⁴ Қаранг: *Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб*. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1983. – Б. 53 – 54.

*Тақдир ишқ тожини қўйгач бошимга,
Ишқ юртин келтирди ул тож қошимга.
Ишқ гавҳарин дилга яширди даврон,
Ундан ўт туташди ичу ташимга.*¹⁴⁵

Мирзо Бедил ҳам ушбу анъанани давом эттиради.
Ишқ-муҳаббат ҳақида шундай дейди:

*Хурӯши дард шунав, муддаъои ишқ ҳаин бас,
Дар “Аллаҳ” “Аллаҳ”-и мо ҷои ҳарфи лом набошад.
Агар зи мулки адам то вучуд фаҳм гуморӣ,
Ба ҷуз каломи ту, Бедил, дигар калом набошад.*¹⁴⁶

Маъноси:

*Менинг дардимни, ишқимни эшитгин у Аллоҳдан
қўйлайди,*

*Менинг вужудимнинг мулки ҳам ишқ билан тўладир,
Сенинг каломингдан бошқа калом йўқдир, Бедил.*

Бедил севги туфайли ошқ кўнглида бўладиган се-
винчини, шоду хуррамликни, гул-гул яшашни қўидаги-
ча ифодалайди:

*Нишоти ин баҳорам бе гули рўят чӣ кор ояд,
Ту гар ой, тараб ояд, биҳишт ояд, баҳор ояд.*

Ёки:

*Пайкарам гарди зубори ёр бархезад зи хок,
Беҳ, ки дасти миннати афлок бардорад маро.*¹⁴⁷

¹⁴⁵ Алишер Навоӣ шеърятдан. / “Ҷор девон”дан тузувчи Ш.Шомухамедов. – Б.111.

¹⁴⁶ Абдулқодир Бедил. Осор: иборат ҳашт ҷилд. Ҷилди якум. – Душанбе: “Адиб”. 1989. – Б.131.

¹⁴⁷ Бедил М. А. Ғазал ва қасидалар. – Т. Нашриётсиз, Ҳижрий 1333. – Б. 7.

Маъноси: Гулдай очилган юзинг бўлмаса, бу баҳор гузаллигини нима қиламан, сен келсанг айш-ишрат келур, жаннат келур, баҳор келур. Бутун борлиқ унга сажда келтирмоқ билан банд. Агар мени тупрокдан кутарсалар-да, бари-бир яна тупрокқа айланаман. Менинг жисмим ёр ғуборининг гардидир. У тупрокдан яратилган. Мени осмоннинг миннатли қўллари кутаргани яхшироқ.

Бедил Аллоҳга Қуёш ва унинг бандаларига эса соя нисбатини бериб, соя муқаррар ўз Қуёши – дилбарига бориб етади. Маърифат ҳосил қилиш, яъни Аллоҳни таниш одамга хос бир нарсадир, акс ҳолда чин юракдан эмас, балки ўзини халқ олдида художўй қилиб кўрсатувчи инсоннинг саждалари ҳеч нарсага етмайди, дейди. Демак, Бедил талқинидаги ишқ инсон ҳаётининг муҳим қирраси ва мазмунидир. Инсоннинг мақсади, орзу умиди ва хатти-ҳаракатларининг бош мезони ҳам ишқ-муҳаббатдир. Ахлоқ инсон ҳаётига мазмун берувчи қадрият экан, ишқ-муҳаббат ҳам ахлоқий тушунчаларнинг энг муҳимларидан бири эканлигига шубҳа йўқдир.

Мирза Бедил ишқнинг куч-қудратини ўзининг йирик исарларидан бўлган “Комде ва Мудан”да тўла очиб беради. Бедил ушбу асарида соф муҳаббатни, покликни, садоқат ва адолатни, шарм ва вафони куйлайди, уларни бирча нарсадан юқори эканлигини алоҳида қайд қилади. Бу асарда раққоса киз Комде билан ажойиб созанда Мудан ўртасидаги муҳаббат тасвирланади. Уларнинг пок муҳаббати ҳамма золимликлардан ва ҳатто ўлимдан ҳам устун чиқади. Достон Шарқда кўп тарқалган “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин” ва бошқа достонлар каби лирик қисса, аммо у фожиа билан эмас, балки муҳаббатнинг ғалабаси билан тугайди. Бу эса фийласуфнинг инсон ҳаёти ва унинг келажагига бўлган жамил ишончидан далолат беради.

Ҳинд подшосининг раққосаси гўзал Комденинг маҳорати ҳамда гўзаллиги бутун Ҳиндистон ва ундан ташқаридаги ўлкаларга ҳам ёйилиб кетади. Унинг доврўғини эшитган ашулачи ва созанда Мудан Комде яшаган шаҳарга келади. У аввалига кўчаларда соз чалиб, кўшиқ куйлаб кишиларни мафтун қилади. Тез кунда Муданнинг ҳам шуҳрати бутун шаҳарга ёйилиб подшо кулоғига бориб етади. Саройга чақиртирилган Мудан подшо базмида шундай маҳорат кўрсатадики, унинг санъатига қойил қолган шоҳ ўз бўйнидаги қимматбаҳо тошлардан ясалган маржонни олиб Мудан бўйнига тақиб кўяди. Аммо базмда ҳаммадан ҳам кўпроқ мафтун бўлган Комде эди. У Муданнинг куйларигагина эмас, балки унга бўлган севги-муҳаббатдан илҳомланиб, шундай рақсга тушардики, унинг сеҳрли санъатидан барча Сарой аҳли эс-хушини йўқотади. Мудан ўзи юксак санъаткор бўлганлиги учун қиз санъатини ҳаммадан кўра чуқурроқ ҳис этди. Шунда у ҳозиргина шоҳ тақдим этган маржонни олиб, қиз оёғи остига ташлайди ва “менга бир жаҳон ғурур бағишловчи бу маржонни сен оёқларингга билакузук қилиб ол”, дейди.

Шоҳ бу ҳолни ўтакетган беодоблик ва шоҳни менсимаслик деб билиб, ғазаб ўтидан туталиб кетади. Муданни шу ондаёқ калтаклаб, мулкидан ҳайдаб чиқаришга буйруқ беради. Мудан кўп қийинчиликлар чекиб ҳолдан тояди ва бир дарахт тагига келиб йиқилади. У бир неча кун “Комде, Комде”, деб алаҳсираб ётади. У шу ҳолда хушсиз, фақатгина юрагида чин инсоний севги билан яшайди.

Бир одил подшо ов қилиб юриб шу жойга келиб қолади. Қушлар овозидан “Комде” номини эшитиб, дарахт тагида ётган заиф танага кўзи тушади. Унинг аҳволини кўрган ва ўтли оҳини эшитган шоҳ золимнинг жазосини бериб, Муданни маъшуқасига етиштиришга қасамёд қилади. Қаттиқ жангда золим шоҳ мағлуб бўлиб, се-

вишганлар муродига етадилар.

Бедил ўз достонида ишқ-муҳаббат олдида подшо-нинг қимматбаҳо совғаси арзимас бир матоҳ эканли-гини, мол – дунёнинг муҳаббатдан юқори эмаслигини уқтиради. Мутафаккир ушбу асари орқали муҳаббат билан бир қаторда ахлоқнинг бошқа жиҳатларига ҳам ўз эътиборини қаратади, чунки унинг томонидан илгари сурилган ишқ-муҳаббат масаласи кўплаб ахлоқий фазилатларни ўзида мужассамлаштирган.

Агар золим шоҳ Муданни ўзи совға қилган маржон-ларни Комде оёғи остига ташлаганини беодоблик, ахлоқсизлик, деб билса, адолатли шоҳ эса, бунда Му-даннинг ҳаракатини беодоблик, деб билмайди:

*Агар бўлсайди сенда заррача инсоф,
Ҳақ-ҳуқуқни этар эдинг эътироф.
Иззат-ҳурмат қадрин билмай ҳар киши,
Тартибсизлик бўлса унинг уй иши.
Ҳоли узрин излаш керак хулқидан,
Одоб келмас ҳушсизларнинг қулидан,
Телбалик ҳам одобдир муҳаббатда,
Лекин мағрур кўз бўлур гафлатда.¹⁴⁸*

Шунингдек, золим шоҳнинг такаббурлигини қора-лар экан, Бедил бундай гердайиш тубан беҳаёлик, ҳар қандай эзгуликдан йироқ расволикдан ўзга нарса эмас-лигини уқтиради.

Кўриниб турибдики, бу ерда ҳам Бедил кибр, гердайиш, мағрурликнинг беҳаёлик саналишига ишора қила-ди ва бу иллатларга қарама-қарши инсонийлик, мурув-ват ғояларини илгари суради.

*Мурувватини билмас ифлос бу танинг,
Зулму, ситам сенинг турган – битганинг.*

¹⁴⁸ Мирзо Абдуқодир Бедил. Комде ва Мудан. – Т.: “Ўзбекистон”. – Б. 39.

Ҳайф эмасму, бу вафодор бу ёқда
Зулмат билан тузиб ётса тунроқда.¹⁴⁹
Қаердаки бўлса золим бадкирдор,
Бир кун у енгилиб, сунг булур хор¹⁵⁰
Шундай эрур донишмандлар ҳикмати
Қаҳрдан устун турар шоҳлар шавкати¹⁵¹
Ҳиммат камарини боғлаган ҳамон,
Чумоли енгади шерни бегумон.¹⁵²

Бедил ушбу сатрлар орқали зулмни, золимликни, бе-шафқатликни, қаҳр-ғазабни қоралайди. Бу жирканч иллатлар устидан ахлоқий фазилатлар ғалаба қозонишига ишонади. Мутафаккир мурувват, ҳиммат, инсонийлик каби ахлоқий фазилатлар, албатта, золимлик устидан ғалаба қилишига ишонади.

Бедилнинг “Комде ва Мудан” достонида ахлоқий қадриятлар ва уларнинг аҳамияти ҳақида кўплаб фикрлар мавжуд. Биз учун муҳими шоирнинг меҳр-муҳаббат, вафо ва садоқат, эзгулик ва адолатни куйлаб инсонларни унга даъват этишидир. Бедил ўзининг мана шу достони орқали эзгулик, ишқ-муҳаббат ҳаётнинг мазмуни, яшашнинг манбаи эканлигини исботлашга ҳаракат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, буюк мутафаккир ва шоир Мирзо Абдулқодир Бедил ахлоққа оид тушунчаларнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятига, бу фазилатлар инсоннинг шахс сифатида камол топишида муҳим эканлигига ўз эътиборини қаратади. Бедилнинг бу қарашларида ахлоқ – одобнинг нозик қирралари, серқирра жозибалари ва шарқона хусусиятлари ўз ифодасини топган.

Бедил томонидан илгари сурилган ахлоққа оид яхшилик тушунчасини таҳлил қилиб, қуйидаги хулосага

¹⁴⁹ Ўша асар. – Б.39.

¹⁵⁰ Ўша асар. – Б. 44.

¹⁵¹ Мирзо Абдулқодир Бедил. Комде ва Мудан. – Б.39.

¹⁵² Ўша асар. – Б.29.

келиш мумкин:

Яхшилик – бу ёмонликни бартараф этиш, ёмонликни енгиш. Кенгроқ маънода олиб қарасак, бировнинг юкини енгил қилиш, дардига ҳамдард бўлиш, муҳтожларга кўмак бериш, йиқилганни суяш, адашганга тўғри йўл кўрсатишдир.

Бедилнинг яхшилик ва ёмонлик ахлоққа доир тушунчаларида муҳим жиҳатлар мавжуддир. Бедил яхшилик категориясини таҳлил қилганда ёмонлик билан қиёслашга эътиборни қаратади. Бундан шундай хулоса чиқаришимиз мумкинки, яхшилик ва эзгулик ёмонликка қарши тинмай кураш олиб боради, бу курашда яхшилик албатта галаба қозонади.

Мирзо Бедил фалсафасидаги *адолат* ахлоқий тушунчасининг муҳим жиҳати шундан иборатки, ушбу тушунча сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-ахлоқий категория сифатида талқин этилган:

Сиёсий адолат давлат кучини, *ҳуқуқий адолат* қонун мавқеларини, *ахлоқий-маънавий адолат* эса маънавият кучини ўзида акс эттиради.

Адолат – ахлоқий, сиёсий-ҳуқуқий категория. *Адолат* жамият барқарорлигини таъминловчи энг муҳим ахлоқий тушунча. *Адолат* инсонларнинг бир-бирига, давлатнинг фуқароларга бўлган муносабатида ўзаро мувофиқликни ифодалайди, қонунларга риоя қилишни билдиради.

Ишқ-муҳаббат Мирзо Бедил фалсафасининг асоси сифатида диний ва дунёвий нуқтаи назардан таҳлил этилган. *Ишқ-муҳаббат* нафақат инсоний муносабатлар замирини, балки мавжудлик, борлиқнинг асосини ҳам ҳаракатга келтирувчи, бунёд этувчи илоҳий куч сифатида талқин этилган. Ушбу ахлоқий тушунчани таҳлил этиб, қуйидаги таърифни илгари суриш мумкин:

Муҳаббат – қалбнинг мулки. Бу муқаддас туйғу ақлдан устун келиб, қалбни макон тутайди. *Муҳаббат* туйғуси макон тутган қалб соҳибида фақат эзгулик ва

руҳий поклик ҳукмронлик қилади. *Муҳаббат* ўз соҳибини инсонпарвар, ватанпарвар, имон-эътиқодли, мулоҳимлик каби гузал фазилатлар билан безайди.

Муҳаббат ахлоқий тушунчаларнинг энг нафисларини, яъни ҳаё, *ибо*, *ор-номус*, *шафқат*, *меҳрибонлик* кабиларни тўлалигича ўзида мужассам этган ахлоқий кадриятдир.

Бедилнинг таъкидлашича, фақат *муҳаббат* туфайлигина борлик яратилган. Ҳаёт – *ишқ-муҳаббат*нинг маҳсули. *Муҳаббат*сиз мавжудлик, Бедил назарида, гўё йўқликдир. Барча муносабатлар, барча мавжудлик *муҳаббат* туфайли туғилади. Бу туйғуни инсон қалбига сингдирмасдан туриб, ахлоқ ҳақида фикр юритиш мумкин эмас.

Демак, аллома ўз ижтимоий-ахлоқий қарашларида *яхшилик ва ёмонлик*, *адолат*, *ишқ-муҳаббат* каби ахлоқий тушунчаларга ўзига хос тарзда ёндошган. Бу ўзига хослик, бизнингча, ахлоқий тушунчаларнинг ҳар тарафлама ижтимоий-сиёсий, диний-ахлоқий ва илмий-фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қилинишида кўзга ташланади.

2. Мирзо Бедил ахлоқий қарашларининг асосий тамойиллари

Мирзо Бедил ҳаётнинг мазмун-моҳиятини инсон манфаатлари учун хизмат қилиш ва ўзидан ёдгорлик қолдириш белгилайди, деган ғояни илгари суради. *Мутафаккир*нинг таъкидлашича, бу дунё *гузаллик* ва *эзгулик* намуналарига тўла. Шунинг учун ҳам унга ҳафсаласизлик ётдир. Бедил инсоннинг ҳаётини доимий ҳаракатда, изланишда, ўқиш-ўрганиш ва илм-ҳунар эгаллашда кўради. У, бир сўз билан айтганда, инсон ҳаётининг маъносини *ахлоқий гузаллик*да кўради. Ахлоқан

гузал инсонгина ўзидан яхши ном қолдириб, мазмунли ҳаётга мушарраф бўла олади.

У ахлоқий гузалликни мадҳ этар экан, унинг манбаи сифатида *илим-ҳунар* эгаллашни илгари суради:

*Хусни маънӣ ҳоҳӣ аз касби ҳунар зофил мабош,
Абруйи бему бувад, тега, ки ў бе ҷавҳар аст...
Аз ҳаё мағзар, ки дар номусгоҳи эътибор,
Шарм мардонро виқор асту занонро зевар аст...
Софдил бо ҳар чӣ омезад, кудурат мекашад,
Тира бошад об гарчи мухталиф бо шакар аст.*¹⁵³

Таржимаси:

*Ахлоқ гузаллигига эришаман десанг, ҳунар урганиши-
га нарвосиз бўлма.*

*Толасиз қош ҷавҳарсиз қиличдек ўтмас ва хунукдир.
Ҳаё доирасидан таҷоввуз қилма, безбет бўлма,
Чунки ахлоқ-одоб тақозосига кўра,
Уят эркакларнинг виқори саналса, хотинларнинг
безагидир.*

*Кунгли соф одам ҳар кимса билан аралашса азоб че-
кади,*

Тиниқ сув шакар билан қоришса хиралашади.

Мирзо Бедил инсон ҳаётининг маъносини ахлоқий гузалликда, деб билар экан, ўзининг ҳаётини ҳам шу асосда қуришга интилан. Бу ўринда мутафаккир – шоирнинг қуйидаги байти диққатга сазовордир:

*Бедил, ўзни қанча танлаб кўрмадим,
Лек камол афсуни дамин урмадим.
Юз шукурки, одоб иқболи қулиб,
Ҳеч кимдан ортиқман, дея юрмадим.*¹⁵⁴

¹⁵³ Шавкат Шужуров. Мирзо Бедилнинг поэтик мероси. – Т.: “Фан”, 1979. – Б. 68.

¹⁵⁴ Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубойилар. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1974. – Б. 13.

Файласуф ўз қарашларини шеърӣ мисраларда ифодалаб, барча кишиларни гузал хулқ-одобга ошно бўлишга чақиради. Бунда асосан *камтарлик*, *олийжаноблик*, *ҳиммат ва ғайрат* каби ахлоқий фазилатларни мадҳ этишни ўзининг мақсади, деб билади:

*Осмон бўлсанг ерга эгилмоқ яхши,
Тупроқ бўлсанг кўкка интилмоқ яхши.
Нотавон, бечора бўлмагил зинҳор,
Ғайратда, ҳимматда бўл порлоқ, яхши.*¹⁵⁵

Бедил илгари сурган ахлоқий қадриятлар орасида *карам* тушунчаси муҳим ўрин эгаллаган. *Карам* ахлоқий тушунчаси мутафаккир томонидан инсон камолотида, унинг мукамалликка эришишда устувор қадриятлардан бири сифатида талқин этади. Мутафаккир *карам* тушунчаси ҳақида фикр билдирганда, ўзидан олдин яшаб ижод этган алломаларнинг қарашларига таяниб, уларни янги мазмун билан бойитади. Масалан, мутафаккирларнинг асарларида илгари сурилган *карам* тушунчаси Бедил таълимотида янада ривожлантирилганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, Алишер Навоӣ “Маҳбуб ул-қулуб” асарида *карам* тушунчасига тўхталиб, шундай деган эди: “*Карам* — бир жафокашнинг оғир юкини кўтармоқ ва ўша юкнинг машаққатидан уни қутқармоқдир. *Карам* — бировнинг тиканли машаққат юкини кўтармоқ ва тикан санчилишидан гулдек очилмоқ ва шу қилган иши ҳақида оғиз очмаслик. Ҳеч миннат қилмаслик, асло юзига солмасликдир. *Карам* ва *мурувват* — ота-онадирлар”¹⁵⁶ Мирзо Бедил эса, яхшилик *карамдан* иборат, деб ҳисоблайди. Ул зот ўз фикрини давом эттириб, шундай дейди:

¹⁵⁵ Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубоӣйлар. — Б.37.

¹⁵⁶ Алишер Навоӣ. Маҳбуб ул-қулуб. — Б.63.

*Карам дастурхони ёйилган нафас,
Бахиллик дилингдан йироқ бўлса бас.*¹⁵⁷

Мутафаккир эзгулик, саҳийлик, улуғворлик, яратиш, ободонлаштириш, деҳқончилик каби барча хислатларни карам тушунчаси орқали ифодалайди.

Бедил илгари сурган карам тушунчаси тасаввуф аҳли тавсифида ҳам улуғворлик, мардлик, яхшилик маъносида ишлатилади:

*Борлиқ узгариши дерлар улимни,
Йўқолмаслигимиз асоси Карам*¹⁵⁸.

Бедилнинг юқорида келтирилган фикридан шундай хулоса чиқариш мумкинки, инсоннинг ўткинчи умрини абадийликка айлантирадиган восита карамдир.

Булардан ташқари, Бедил ҳаё, ибо, уят каби ахлоқий тушунчаларга ҳам эътибор қаратади. Бедил таълимотидаги ҳаё, уят, андиша каби ахлоқий қадриятларни таҳлил этганимизда, уларнинг Ўрта Осиё мутафаккирлари ижоди билан ҳамоҳанглигини курамиз. Масалан, Юсуф Ҳос Ҳожибда ушбу тушунчалар ҳақида шундай дейилади: “Икки оламда ҳам одамга керакли нарса яхши феъл ва хушхулқдир. Иккинчидан шарм-ҳаё, андиша, учинчидан ростлик-тўғрилиқ ҳам зарур нарсадир. Мана шу фазилатлар туфайли одам бахт топади. Уят, андиша кишини ярамас ишлардан тияди, ҳаёсизлик одам учун ўхшаши йўқ иллатдир. Тўғрилиқ, ҳаё ва хушфеъллик ҳам бўлса олам-олам севинч демакдир”.¹⁵⁹ Бу каби фикрлар Алишер Навоийнинг ахлоқий қарашларида ҳам мавжуд. Масалан, “Вафосизда ҳаё йўқ; ҳаёсизда вафо йўқ. Агар кимда бу икки сифат бўлмаса -- унда имон

¹⁵⁷ Мирзо Абдулқодир Бедил. Шавкиятни ёд этиб. — Б. 64.

¹⁵⁸ Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубойлар. — Б. 18.

¹⁵⁹ Қадимий ҳикматлар. — Б. 162.

ҳам йўқ”¹⁶⁰.

Бедил бу ғояларни давом этирар экан, уят, ҳаё каби ахлоқий тушунчаларнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини очиб беради. Бу тушунчаларнинг моҳиятини инсон он-гига етиб бориши учун уларни ҳолисона тасвирлашга ҳаракат қилади:

*Йўлбарс ила шерни енган мард киши,
Бўйин эгиб турса, бу ҳаё иши.*¹⁶¹

Шарқда мардлик бу фақатгина жангда қаҳрамонлик кўрсатиш, ўзини хавф-хатарга солиш эмас, балки ориятли, ҳаёли бўлиш билан белгиланиши Бедил сатрларида ҳам акс этиб турибди.

*Кимники раҳбари бўлибди ҳаё,
Уни маҳв этолмас офат ва бало ...
Фитратингдан жудо бўлмасин ҳаё
Оёқ остингга боқ, бўлма бепарво ...
Бўлмаса шарму ҳаёдан тер, тароватсиз ҳусн,
Шабнами йўқ тоза гулдин яхшидир қогоз гул.*¹⁶²

Юқоридаги байтлардан кўриниб турибдики, ҳаё, уят каби туйғулар инсоннинг безаги. Инсон ўзининг ахлоқий фазилати орқали ҳақиқий ўзлигини англайди. Ҳаёли инсонда тароват ва гузаллик мавжуддир. Бедил ҳаё билан мардликни уйғунликда кўради. У қуйидаги рубойида шундай дейди:

*Ҳаё тухмин қўлдан берса гар одам,
Ғайрат биносининг қадди бўлур ҳам.
Соқолдан лоф урса ишонма унга,*

¹⁶⁰ Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – Б. 64.

¹⁶¹ Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубойлар. – Б. 45.

¹⁶² Шарк тафаккури ҳазинасидан. – Т.: “Ўқитувчи”, 1986. – Б. 59 – 60.

Номус қўлдан кетгач, қолмас мардлик ҳам.¹⁶³

Ҳаёли киши диёнатли, ориятли, самимийликни ўзи-да мужассамлаштирган бўлишини Бедил атрофлича ифодалаб берган. Инсон ҳаёсиз бўлса, у қадр-қимматини йўқотган, нафс балосига дучор бўлган инсон қиёфасидаги махлукдир. Ор-номусни ардоқлаш, унга амал қилиш заруратини англаган Мирзо Бедил ҳаё ахлоқий тушунчаси орқали шарқона ахлоқий гўзалликни яна бир поғона юқорига кўтаради. Шоир ахлоқий қадриятлар ҳақида фикр билдирганда, мардлик, шарму-ҳаё, одоб, фидойилик бобида ўрнатилган бўлувчи кишиларни қадрлайди. Ана шундай фазилат соҳиби бўлган кишига қўл бўлишни ўзига раво кўради ва бир рубойида бу ҳақда шундай дейди:

Қўл бўлайин ул кишига, бўлмаса у ҳеч намард,
Совутмаса ҳаё, одоб ҳангомасин айлаб сард.
Ўзи ҳуноб бўлганда ҳам ёпишмаса бировга,
Ўзи гард-гард тузганда ҳам юқтирмаса дилга гард.¹⁶⁴

Бедилнинг замондоши бўлган Зебуннисо ушбу сифатни ўзида жо этган ҳолда куйидаги байтни ёзади:

Лайли зотидан эсам-да, дилда Мажнунча ҳаво,
Тоғу тош кезгум келур, лекин йўлим тўсгай ҳаё.¹⁶⁵

Айниқса, бугунги миллий қадриятларимизга эътибор кучайган бир вақтда, ёшларимиз онгига ҳаё тушунчасини чуқурроқ сингдириш ниҳоятда муҳимдир, чунки мутафаккирлар таъкидлаб ўтишганларидек, ҳаё қўлдан кетса мардлик ҳам, эзгулик ҳам, инсоний ҳаёт гўзаллиги ҳам йўқолади. Ахлоқий гўзалликнинг муҳим

¹⁶³ Мирзо Абдулқодир Бедил. Шавқингни ёд этиб. – Б. 46.

¹⁶⁴ Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубойилари. – Б. 49.

¹⁶⁵ Зебуннисо, Дилшод ва Анбар Отинлар шеърятидан. – Т.: "Ўзбекистон", 1981. – Б. 7.

қирраларидан бири ҳаё эканлиги Бедил таълимотида ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Бедил гўзал ахлоққа эришишнинг йўл-йўриқларини кўрсатиш билан бирга, умуман, “гўзал ахлоқнинг ўзи нима?” - деган саволга ҳам жавоб беради. Мутафаккир илгари сурган гоёга кўра, ҳар ким энгилтаклик қилиб ёмон хислатларни ошкор этса, у хоҳ билимдон бўлсин, хоҳ нодон бўлсин, халқ нафратига дучор бўлади. Оламни забт этувчи яхши ва эзгу нарса ахлоқ гўзаллиги саналиб, буни барча маъқул кўриши таъкидланади:

*Оламни забт этар гўзаллик билсанг,
Ахлоқий ҳусндир, шуни де ҳар он*¹⁶⁶.

Мирзо Бедил инсонларда ахлоқий фазилатларни шакллантиришда донишмандларнинг ўрни ниҳоятда катта эканлигини алоҳида таъкидлайди:

*Агар табиате касеро моили нифоқ дарёбӣ,
Ба яқин шиносӣ, ки суҳбати акобир дарнаёфтӣ.*¹⁶⁷

Маъноси шуки, “Агар бирор киши табиатида иккиюзламачилик, ёлғонликка мойиллик топсанг шуни аниқ билгилки, у киши буюк олим ва файласуфлар суҳбатига етишмаган, яъни улардан ахлоқий тарбия олмаган”.¹⁶⁸

Бедилнинг юқорида қайд этилган фикрига чуқурроқ разм соладиган бўлсак, унинг нақадар ҳақ эканлигини англаб етамиз.

Бедил илгари сурган ахлоқий қадриятлар орасида меҳнатсеварлик ҳам ўзига хос тарзда талқин этилган. Унингча, Аллоҳни рози қилмоқчи бўлган инсон ҳақ фаровонлиги йўлида меҳнат қилиши ва заҳмат чекиши зарур. Мирзо Бедил кишиларнинг кадр-қиммати ва ахлоқ заллигини меҳнатда деб билади.

¹⁶⁶ Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубойлар. – Б. 83.

¹⁶⁷ Иброҳим Мўминов. Танланган асарлар. 1 жилд. – Б. 118.

¹⁶⁸ Ўша асар. – Б. 118.

*Халққа хизмат айла уни ўйла доимо,
Бу томоша оламида ўзингга қўйма бино.*¹⁶⁹

Бедил ҳунарсиз, бирор-бир меҳнат билан шуғуллан-майдиган кишиларни қаттиқ қоралаган. Ўзининг “Ирфон” асарида ул зот “Иш килмасдан мукофот излаш уятсизликдир. Эй, тадбир иши излашга, исташга эринганлар. Бекордан бекор ҳохлаш уятдир. Дангасаликни гаваккул деб атаб, ҳом тасаввур қилибсан”,¹⁷⁰ - дейди. Шоирнинг ўйлашича, меҳнат қилиш, муайян касб-ҳунар билан машғул бўлиш инсонни камолот сари етаклайди, уни бахтли-саодатли қилади. Бедил деҳқончилик, ҳунармандчилик ва илмининг ривожланиши халқ турмушини яхшилашини, давлатнинг мустақамлашини маълум даражада англаб етган.

Бедил инсон кадр-қиммати, ахлоқий гузалиги молу цунё билан эмас, балки меҳнат, илм-ҳунар билан белгилинади, деган фикрда қатъий туради. “Ҳунар эгалламагунча киши юзига иқбол эшиги очилмайди”.¹⁷¹ Унингча, меҳнат билан банд бўлмаган одам марваридсиз чиғап-поқдек бефойдадир. Мирзо Бедил меҳнат, илм-ҳунар ҳақида фикр билдириб, шундай дейди:

*Аз шубонӣ чӣ ор дошт Қалим?
В-из иморат чӣ рехт Иброҳим?
З-ин чаман ҳар гуле баҳоре дошт,
Ҳар киро даст буд, коре дошт.*¹⁷²

Маъноси: Мусо чунон, Иброҳим эса бинокор бўлган, бир кишининг бирор иши бордир. Одам қандай бўлсинин, бирор фойдали иш билан шуғулланишини керак.

[Ишмухамедов Ш. Гуманизм абадийлик ялови. – Т.: “Ўқитувчи”, 1974.

Б.40

[Бедил. Куллийт. – Душанбе: “Ирфон”, 1956. – Б.52.

[Бедил. Куллийт. Чор унсур. 1299 ҳикрий. – Б.101.

[Иброҳим Мулиҷов. Мирза Бедил. -- Б.42.

Бедилнинг таъкидлашича, ипак ёки оддий матодан қилинган уст-бош кишининг хулқ-атвори, ҳақиқий қиёфасини белгилашда асосий омил бўла олмайди, балки инсонни ахлоқий қиёфаси меҳнатда, қилган ишларида билинади. Мутафаккир меҳнат тўғрисида гапириб қуйидаги фикрни айтади:

*Чома хоҳ атлас аст, хоҳ палос,
Шахс ботил намешавад зи либос.
Маъниаш равшану тақаддуси ранг,
Аз сиёҳии хат надорад нанг.*¹⁷³

Маъноси: Либос хоҳ атласдан, хоҳ полос матодан бўлсин, бари-бир киши кийимда яширина олмайди. Рангда маъно соф, равшан бўлганидек, инсон ўз хатти-ҳаракатида кўринади. Хат қоралиғи билан ёмон иш эмас, аксинча, хат инсон учун жуда муҳим ва фавқуллодда фойдалидир.

Файласуф-шоир илм-ҳунар эгаллашда ҳар бир инсон ахлоқий мезонларни, жумладан, инсоф, камолотга интилишни ўзига раҳбар қилиб олиши керак, деган ғояни қуйидаги мисра орқали ифода этади:

*Забт этайин десанг сен илму ҳунар,
Инсоф, камолни эт ўзингга раҳбар*¹⁷⁴.

Файласуф инсоннинг илмли, ҳунарли бўлишида камолот сари интилишида, албатта, устозлар кўмаги зарурлигини таъкидлайди. Устознинг зарурлигига далил кўпдир, устозга эргашмасдан кишининг меҳнаги самара бермайди. Устозга, ота-онага, катталарни ҳурмат халқимизнинг азалий ахлоқий қадриятларида саналади. Бедил шеъриятида бу яна бир бор ўз исботи ни топган. Маънавий меросимиз, ахлоқий қадриятлари

¹⁷³ Иброҳим Мўминов. Мирза Бедил. – Б.42.

¹⁷⁴ Мирзо Абдулқодир Бедил. Шавқиятни ёд этиб. – Б.68.

миз тикланаётган аини вақтда ушбу *устоз-шогирдлик* хулқ-одоби муҳим ўрин тутди.

Бедил ўзининг ахлоқий қарашларида *сабр-қаноат* тушунчасига алоҳида эътибор қаратади. У сабр-қаноатга тааллуқли ибратли ҳикматларни ўз асарларида қўйиб олади. Бундан ташқари, файласуф-шоир тез камолга етиб, пири ўрнида муршид бўлишга ошиқаётган ёшларга қарата, ҳар нарсанинг вақти бор, деган маънода қуйидагиларни уқтиради:

*Пухтагӣ хоҳӣ, ба дарди бенавой сабр кун,
Осмон сарсабз дорад меваҳои хомро.*¹⁷⁵

Мазмуни:

*Пишмоқни истасанг, бенаволик дардига сабр қилгин,
Фалак ҳам меваларни ям-яшил тутди.*

Ахлоқий, ижтимоий-сиёсий, фалсафий-тасаввуфий мазмунга эга бу байтнинг биринчи маъноси қуйидагича: айрим солиқлар тез муршидлик даражасига етишни, пирлик мансабига чиқишни хоҳлашган. Бундай шогирдлар учун машаққатлар чекиш ўрнига тезроқ шайхлик ўриндигига ўтириш муҳимроқ бўлган.

Шунингдек, байтдаги ҳолатни тез улғайишни ҳаққ қилган хомхаёл ёшлар ёки ижтимоий-сиёсий ҳаётда мансаб поғоналарига интилганларга ҳам қиёслаб кўришлик. Бедил киноя тарзидаги ҳикматига инкорни инкор қонунини асос қилиб оларкан, хом мева гарчи ёқдан нордон, ейишга яроқсиз бўлса ҳам, табиатан яшилб туриш хусусиятига эга, дейди. Пишиб, ичи ширага тулган эса мева яшнаш хусусиятини йўқотади. Пўсти(-териси) бужмаяди, дарахтдан узилиб ерга тушади ва чириб битади, оёқ ости бўлади. Ёўр бўлса ҳам у дарахтда қаройили эди, боғни ўз ҳусни, таровати билан яшнатиб

¹⁷⁵ Бедил. Куллиёт. – Бомбай, 1882.

турарди.

Бедил қиссадан ҳисса қилиб, ҳар нарса ўз ўрнида яроқли экани, бу эса табиат қонунига ҳос хусусият эканини уқтирарди.

Бедил сабр ахлокий тушунчасининг аҳамияти ҳақида шундай дейди:

*Сабр билан ҳар ким дилга берса қўл,
Севинч оинасин кўргай албат ул.
Сабр билан киши мақсадга етар.
Чунки сабр ташвишлардан ор этар.
Сабр жойида ховлиқишга йўл бермас,
Сабр йўлин таскин йўлин дегайлар.
Мурод-мақсадга у билан етгайлар.*¹⁷⁶

“Ирфон” асарида эса Бедил шундай дейди: “Сабр қилдинг, дам ҳам олдинг, ҳаводан нафас тортдинг. Сабр ва тиришиш денгиз ва гавҳар сингари ҳар иккиси ҳам керакдир”.¹⁷⁷

Сабр-қаноат, бардош Шарқ халқларининг қадимий муқаддас фазилатларидан биридир. Шоир сабр-тоқат ҳақида юқоридаги фикри билан чекланиб қолмасдан бир рубойида қуйидагиларни ёзади:

*Сурғалмоқ бўларкан қай ишга йўлдош,
Тартибга солажак сабр ила бардош.
Бино қуриш фикри гул очар экан,
Меъмор қалбин босар аввалги зил тош.*¹⁷⁸

Дарҳақиқат, дунёда катта ишларни амалга ошириш орзу-мақсадга, бахт-саодатга эришиш учун инсонга

¹⁷⁶ Мирзо Абдулқодир Бедил. Комде ва Мудан. / Назармат таржимаси “Ўзбекистон”, 1960. – Б. 70.

¹⁷⁷ Мирзо Абдулқодир Бедил. Куллист. – Душанбе: “Ирфон”, 1956. – 111.

¹⁷⁸ Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубойилари. – Б. 81.

бр-бардош керак бўлади. Меъмор ҳам бирон мухташам бинони куриш фикрида бўлса, аввало у ўз кўнглида сабр тошини туйиши ҳолати файласуф томонидан чиройли бадий иборалар билан ифодаланган.

Мирзо Бедил назаридан четда қолмаган ахлоқий қадриятлардан яна бири *ватанпарварлик*дир. Бедил *Ватан ва ватанпарварлик* ҳақида жуда кенг маънода фикр юритиб, шундай дейди:

*Ба меҳри модари гетӣ мақаш ранҷи умед ин ҷо,
Ки хунҳо меҳурод, то шир мегардад сафед ин ҷо.
Муқими норасоӣ бош пеш аз хок гардидан,
Ки мағзи ҳар ду олам чун арақ хоҳад ҷакид ин ҷо.*¹⁷⁹

Бедилнинг юқорида келтирилган байти шуни англатдики, у *Ватан* деганда бир парча тупроқни тушунади. Бу тупроқ онанинг меҳрига қиёсланади. Шу билан бирга икки дунёнинг мағзи ҳам шу тупроқ, деб қаралади. Тупроққа меҳр қўйиш аслида бу ватанга меҳр-муҳаббатни бўлиш рамзидир. *Ватан* ниҳоятда кенг тушунча. Она замин, яшаётган маконимиз, туғилиб ўсган тупроқ буларнинг барчаси *Ватандир*. Фақат шу макон, туғилиб-ўсган тупроқгина сенга меҳр беради, азоблардан талос этади, деб уни таърифлайди Мирзо Бедил.

Бедил фалсафасида *Ватанни севиш* инсоний бурч шифатида қаралади. У инсонни ҳар қандай оғир вазиятда ҳам ватанни севишга, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам у билан ҳамнафас бўлишга чақиради. *Ватан* бошнинг оғир кунлар келганда жонининг ҳузурини ўйлаб, ватанни тарк этувчиларни ниҳоятда қоралайди. Уларга бўлган нафратини яширмайди, ватанига хиёнат қилганларни гўё ёниб ўчган чирокқа ўхшатиб шундай дейди:

Кимки ғанимат деб ватандан кўчар,

¹⁷⁹ *Бедилнинг Бедил. Осор: иборат аз ҳашт ҷилд. Ҷилди якум. – Душанба: "Адиб", 1989. – Б.9.*

Бошқага ҳам кўнгил қўёлмай утар.
Учкун тошдан ажраб чиққанидан сўнг,
Қанча ардоқлама, бари бир учар.¹⁸⁰

Ватанни севиш азал-азалдан чин инсоний фазилатлардан бири ҳисобланган. Миллий истиқлол мафкурамиз “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт” куришга қаратилган бир вақтда, унинг негизи сифатида мана шу олий қадрият бўлмиш ватанпарварлик қўйилган. “Ватан равнақи” бугунги миллий мафкурамизнинг асосий ғояларидан биридир. Шу фазилатни намунаси бўлган ватан қаҳрамонлари юртимизда кўплаб топилади. Масалан, ватанимиз ўтмишида қаҳрамонлик кўрсатган Тўмарис, Широқ, Спитамен, Нажмиддин Кубро, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Паҳлавон Маҳмуд, Маҳмуд Таробий, Амир Темур, Мадали Эшон ва бошқалар ажнабий босқинчиларга қарши озодлик учун кураш олиб бориб, ватанпарварлик намуналарини кўрсатдилар. Шайх Нажмиддин Кубронинг мўғул босқинчиларига қарши курашда “Ё ҳаёт, ё мамот!”, “Ё Ватан, ё шарафли ўлим!” деб душманга қарши курашга чорлаган ҳайқириғи ватандошларимиз қалбида ўчмас из қолдирган. Ватандошимиз Жалолиддин Мангубердининг қаҳрамонлигига Чингизхоннинг ўзи тан бериб: “Отадан дунёда ҳали бундай ўғил туғилмаган, у саҳрода шер каби ғолиб жангчи, дарёда наҳанг каби ботир”, дея ҳайратга тушиб айтган гаплари тарихий манбалардан маълум.

XX аср ўрталарида ватан мустақиллиги учун қурбон бўлган Чўлпон, Фитрат, Қодирий каби миллий қаҳрамонларимиз ҳам ўзларида ватанпарварлик туғусини жо этиб, бугунгача халқимиз қалбида абадий яшамокдалар. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” рисоласида тараққиётимизнинг ижтимоий-маънавий

¹⁸⁰ Мирзо Абдулқодир Бедил. Шавқингни ёд этиб. – Б. 67.

соҳасидаги шарт-шароитлари ҳақида фикр билдирганда, ватанпарварликка алоҳида тўхтаб, “Мустақил ўзбек давлати – халқимизнинг тарихий ютуғидир. Ўз давлати билан фахрланиш ва фуқароларнинг ватанпарварлиги жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг илғор марраларга чиқиб олишида ёрдам берган. Мамлакатимиз тупроғида яшаб турган ва ўзини ватанпарвар деб ҳисоблаган ҳар бир киши унинг яхлитлиги ва бирлигини асраб-авайлаши шарт”¹⁸¹, деб таъкидлайди.

Демак, ватанпарварлик фазилати доимо миллатимиз юрагидан, иймон-этиқодидан кенг ўрин олган муқаддас ҳислатдир.

Мирзо Бедил ахлоқий фазилатларни қуйлаш билан бирга, инсондаги нуқсонлар, камчиликлар ҳамда ярамас ва тубан иллатларни қоралайди, уларни бартараф этиш йўллариини излайди. Инсондаги нуқсонларни йўқотиш чора-тадбирларини ижтимоий ҳаётдан, кишиларнинг ўзаро муносабати, хатти-ҳаракати ва ҳулқ-оодобидан қидиради.

Мирзо Бедил кўпроқ дангасалик, макр-ҳийла, хиёнат, ифвогарлик, ёлғончилик, таъмагирлик, очкўзлик, кибру ҳаво, ҳасислик, ҳирс ва нафсга берилиш каби иллатларни танқид қилади. У “Чаҳор унсур” асарида таъмагирликни инсонга ярашмайдиган ёмон иллат сифатида қораларкан, бунда у таъма умидида шеър ёзиб, бу билан ҳам шеърятни, ҳам инсоний фазилатларни оёқ ости қилаётган айрим шоирлар ҳаракатини ғоя мавзуси қилиб олади:

*Эй басо маънии равшан, ки зи ҳирси шуъаро,
Ҳок ҷавлонгаҳи асп асту ҳар аҳли ҷоҳ аст.*

Мазмуни:

(Ҳаъзи) шоирларнинг тамагирлигидан юксак маъ-

¹⁸¹ Қаримов И. А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисодиёт, сиёсат, фарҳанга. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996. 1. Т. – Б.49.

нолар бузилди, тупроқ тулпорнинг жавлон урадиган жойи бўлиб қолди, эшак эса мансаб аҳлига айланди.

Бедил бу борада ўзидан олдин ўтган Захир ва Анварий каби машҳур маддоҳ шоирларни ҳам аямайди ва ўзини маддоҳлик йўлига кирмагани учун улардан устун қўйиб:

*“Бедил, мен гавҳардек сўзимни керакка ҳам, керакмасга ҳам сотаверадиган тожир эмасман. Ҳеч кимдан садақасифат мукофотни кутмайман, мен яратувчи маддоҳиман, Захир ва Анварий эмасман. Гадолик умидида дилда яраладиган шеърнинг маъноси устига ахлат сачратмоқ лозим”, дейди.*¹⁸²

Бедилнинг “Ирфон” номли асарида кишиларни саховат, бир марта берилувчи умрдан ўзи ва бошқалар манфаатлари йўлида унумли фойдаланиш, ўзини арзимаган нарсалар учун ўтга-сувга уриб, азиз умрни барбод қилмаслик, илм олиш каби яхши инсоний хислатларга чақириқ янграйди. Ҳатто, Бедил инсонни бефаросатлик, дағаллик сингари айрим хусусиятлардан ҳам холи қўришни истайди. Масалан, “Ирфон”даги 20 байтлик бир тамсилда бир шахснинг ўйламай-нетмай иш тутishi, қўпол ва ёмон оғизлиги маҳорат билан қораланиб, тартибга чақирилади. Унда бир болакай қудуқ оғзига яқин ерда ўйнарган, туйқусдан қўлидаги нонни сувга тушуриб юборади ва йиғлаганча отаси олдига келади. Ота бола йиғиси ва қўлида нон йўқлигини кўра солиб, ўғлидан сўраб ҳам ўтирмасдан, кўнглидаги гумон бўйича “нонингни ким тортиб олди” дейишга тушади. Бола йиғи аралаш қудуқ томонни кўрсатади. Ота қудуқ бошига бориб, шу ёниб турган куйи сувда ўз аксини кўради ва унга қараб ғазаб билан дейди: “Эй иблис, ҳийла билан болакайнинг қўлидан нонини олиб егани уялмадингми?” Шунда сув тилга кириб, кулганча шундай дейди: “Ўзинг аксингни кўрмоқдасан сувда, ўзингни

¹⁸² Бедил. Қуллиёт. – Бомбей, 1882.

ўзинг койимокдасан. Болангдан бир оғиз нима бўлганини сўрамадинг, ўз ишидан қўрққан боланинг гапи билан дарҳол гумонга тушдинг ва қудукдаги ўз аксингга қараб сўкина кетдинг. Ақлинг ва қалбинг шу бўлгач, энди бу ҳақоратларнинг бари сенга тааллуқли бўлиб қолди. Одам бироз босикроқ, юмшоқ табиат, ҳалимроқ бўлгани тузук. Инсонга сувдек мулойимлик ярашади. Ўзингни-ўзинг озгина тартибга чақир, уялтир. Шунда сувдек тип-тиниқ бўласан, сувдаги ўз аксингни таний оласан”.

“Ирфон”даги яна бир ҳикоят орқали Бедил инсонларни арзимаган нарсанинг ногоҳ қўлдан чиққани учун куйиб-пишмасликни, нафсни озгина тия олишни ўрганишни уқтиради. Чунки ҳикоятда боғ эгаси боғидан битта олма ўғирлаб қочган қарга кетидан қувлаб, чуқурга йиқилиб тушади ва азиз ҳаётидан айрилади. Ундан олмагина эмас, бутун бошли бир боғ ҳам қолиб, бошқаларга насиб қилади. Ахир, боғбон бу ерда оз меҳнат қилганмиди, баҳору ёз озмунча тер тўкканмиди? Қарғанинг ҳам шундан ризқи бор эканки, битта олмани олибди. Боғбон бундан қувониши керак эди-ку!

Бедил воқеани ҳикоя қилар экан, бу фоний ҳаётда ҳамма нарсага ҳам ортиқча ҳирс қўявермаслик кераклигини табиатдаги ҳодисалар тасвири орқали уқтиради. Бу дунёда ҳар нарсанинг ўз ўрни борлиги, бошқаларга озгина фойда келтириб туриш ҳам лозимлигини эслатади. Масалан, ўргимчак ғор оғзида уя қуаркан, бу билан пайгамбарни қутқариб қолишини билармиди? Бу хашора шу бир-икки тўр тортгани туфайли нажоткор сифатида олқишга сазовор бўлди.

Бедил бу ҳикояда, камтарликни улуғлайди ва одам қандай кийим киймасин, хоҳ ипакми, хоҳ дағал жунми, барибир, қадри камаймайди, деган ҳикматни илгари уқиради. Бедилнинг мўъжаз ҳикоясидаги бу ҳикматли ошулар ва панд-насиҳатлар бугунги кунимизда ҳам тарбиявий аҳамиятга эга долзарб масалалар ечимида қўл келганини ҳеч шубҳасиздир.

Бедилнинг “Муҳити аъзам” (Улуғ океан) асарида тасаввуфий ахлоқ, сўфийлар ҳаёт тарзи борасида сўз юритилади. Асар сўнггида келган бир нечта ҳикоятларда эса хулосавий якунлар ҳавола этилади. Шулардан биттасида инсонга ярашмайдиган бир қилиқ-ёлғончилик оқибати кулгули сюжет воситаси билан тасвирланади. Бир ёлғончи одам ўзининг денгизда бир неча марта сафар қилиб, тижорат билан шуғуллангани ҳақида кўпиртириб ҳикоя қила кетади. Ўтирган тингловчилардан бири “денгизда балиқ кўрдингми, кўрган бўлсанг, қанақа экан?”, дея савол беради. Ҳалиги одам эса “балиқ ҳам гапми, мен денгиз қаъридан ҳатто гавҳар тегиб чиқдим, денгизда балиқ борми деб сўрашнинг ўзи бир аҳмоқлик-ку!”, дея жавоб беради. Ўтирганлар: “Ҳа, майли, кўрган бўлсанг, айтақол, биз оми, дунё кўрмаган халқ, билмаймиз, қанақа экан” - дея қисталанг қиладилар. Сўзловчи бўлса жиддий равишда шундай жавоб беради: “Балиқ дегани худди туяга ўхшаб бошида икки шохли бўлади”. Бу гапдан ҳамма кулиб юборади, чунки маълум бўладики, ҳалиги ёлғончи одам балиқнигини эмас, курукликдаги туяни ҳам кўрмаган экан. Албатта, Бедил бу ўринда хонақоҳда лоф-қоф урувчи айрим сўфийларни назарда тугган. Бироқ бу латифасимон ҳикоя орқали ёлғончи гапининг миси чиқиб, уятга қолиш мумкинлигини огоҳлантириб, кишиларни ростгўйликка ундайди:

*Кибр ила мардлик гурурин бари барҳам бўлгуси,
Токи манманлик зиёд, шарму ҳаё кам бўлгуси.
Хам сут эмган на илож, эл овзига тутманг элак,
Мулзам этмак истаганлар элни, мулзам бўлгуси.¹⁸³*

деб, манманлик, кибрни қораласа, яна бир жойда хирани қоралайди. Бедил “Ирфон” асарида “Қаерда ҳи

¹⁸³ Мирзо Бедил. Такаллум. / Матназар Абдулҳаким таржимаси. – Б.62,

ўти ёнса у ерда одамгарчилик ўтин ўрнида ёнади”,¹⁸⁴ дейди. Яна бир жойда эса: “Ҳирсни қондириб бўлмайд, агар шундай бўлганида эди биз нима ишлар қилган бўлсак, мана шу ишларимизнинг кўпчилиги ярамас ишлар бўлар эди”¹⁸⁵, деб уқтиради. Ҳирс асосида худбинлик, мол дунё, бойликка берилиш, атрофдагилардан ўз бойлиги билан фарқланиш, бошқалар билан ҳисоблашмаслик, меъёрни билмаслик кабилар мужассамлашган. Бедил бу иллатни йўқ қилиш йўл-йўриқларини кўрсатиб, қуйидагиларни ёзади:

*Ҳирс юкини қачонгача кўтарар инсон,
Эҳтиёждан фориг бўлса, соф бўлса виждон.
Жаҳду жадал, ҳиммат, қарам кетмас эди ҳайф,
Ҳирс гардини босиб ўтса, супурса осон.*¹⁸⁶

Бедил ҳирсни йўқотишда виждон, ҳиммат, қарам каби ахлоқий қадриятларга асосий эътиборни қаратади. Бундан кўриниб турибдики, ушбу масалада ҳам Бедил ахлоқий фазилатлар билан ахлоққа зид бўлган иллатларни қарама-қарши қўйган ҳолда олиб қарайди. Шунингдек, инсоннинг ахлоқига зид бўлган иллатлар ахлоқий тушунчаларнинг етарли шаклланмаганлиги билан боғланади. Инсоннинг молу дунёга ҳирс қўйиши унинг инсоний фазилатлардан йироқ эканлигининг оқибати сифатида қаралади. Бедил шу ўринда ҳирс билан очкўзликни ёнма-ён қўйиб, ҳирсни йўқотиш билан очкўзлик, таъмагирликни ҳам йўқотиш мумкин, деган фикрни илгари суради:

*Ҳирс аҳли васвасдан тиёлса қадам,
Очкўзлик шу ондаёқ топади барҳам.*

¹⁸⁴ Мирзо Абдулқодир Бедил. Куллиёт. – Душанбе: “Ирфон”, 1956. – Б.75.

¹⁸⁵ Бедил асарларининг таҳлили. Ҳиндистон Алигархия мусулмонлар университети, форс шўъбаси. 1981. – Б.35.

¹⁸⁶ Мирзо Абдулқодир Бедил. Шавқингни ёд этиб. – Б. 70.

*Яъни таъма қўлин тортгани замон,
Илтимосдан юмилар унинг лаби ҳам.*¹⁸⁷

Бедил ҳирснинг нақадар ёмон эканлиги, агар уни қондиришга ҳаракат қилинса, ёмон оқибатларга олиб келишини таъкидлайди. У яна бир рубойида молу дунёга қўйилган ҳирс инсоннинг инсоний моҳияти учун заррача аҳамиятсиз эканлигига ишора қилиб шундай дейди:

*Киши то тамиздан ажралмаса гар,
Тилло-кумуш кайфи унга беасар.
Одамзод ҳамма вақт қўйганда хино,
Беҳис тирноқларга яхшироқ юқар.*¹⁸⁸

Бедил таълимотига кўра, фақат гидроксиз кишиларгина тилло-кумуш ва дунё бойлигидан лаззат оладилар. Чунки инсоннинг танасига безак бўлган хина ҳам кишининг ҳиссиз жойлари – тирноқ ва сочларига юқади, деб нафс, ҳирсни қоралайди. Нафс худбинлик туғдиради. Унинг домига тушган киши ҳеч нарсадан тап тортмайди. Ҳаром-харишдан ҳазар этмай, бошқалар ҳисобига бўлса ҳам яхши яшашни ўйлайди. Оқибатда у золим ва риёкор бўлиб қолади.

Ҳирс иллоти Бедил томонидан жуда кенг ва ҳар томонлама таҳлил қилиниши бизни чуқур фалсафий мушоҳадага чорлайди. Бу иллатнинг бугунги кунимиз учун ҳам муаммо эканлиги, унинг домига тушган фуқароларимиз, ёшларимиз бошига келтираётган кулфатлари кишини бефарқ қолдирмайди. Файласуф ижодида ўрганиш баробарида айни вақтда долзарб бўлиб турган яна бир муаммонинг, яъни динни ниқоб қилиб, халқ бошига кўплаб мусибатларни келтираётган нафс балосига дучор бўлганларга ҳам жавоб сифатида куйидаги фикрдиққатга сазовордир:

¹⁸⁷ Мирзо Абдулқодир Бедил. Шавқингни ёд этиб. – Б.55.

¹⁸⁸ Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубойлар. – Б.77.

*Бу дунёда не-не фитна сурдилар,
Нафс учун ҳар қандай йўлга юрдилар,
Одоб нима билмай бир-бирин сукиб,
Мазҳаб биносига асос қурдилар.*¹⁸⁹

Юқоридаги мисранинг мазмунидан шундай хулоса қилиш мумкинки, дин, мазҳабларнинг турлича бўлиниб кетишида ҳам ҳирс ва нафсга бўлган интилиш, бойлик ортидан қувиш каби иллатлар омил бўлган, деган хулоса келиб чиқади.

Мирзо Бедил ҳирс ва бойликнинг салбий оқибатлари ҳақида фикрини давом эттириб шундай дейди:

*Мартабанг бўлса гар жонга ороси,
Ҳар табиатнинг бор ибрат зиёси.
Ҳушёр бул очкузлар табиатидан,
Бордир кўз илғамас Шаддод биноси.*¹⁹⁰

Шаддод – золим ва афсонавий подшоҳ исми. Афсонага биноан, унинг зулм ва ҳирс билан тўпланган бойлиги ўзига насиб этмай, путур етади. Бедил шу ривоятга ишора қилиб айтадики, очкузларнинг тўплаган бойлиги вафо қилмайди ва бошқа одамларга насиб этади. Бу салбий иллатларни таҳлил этишда ҳам файласуф мусулмон Шарқи мутафаккирларига хос тарзда уларга ёндошади. Масалан, Алишер Навоийнинг қуйидаги рубойида ҳам бойликка ҳирс қўйиш инсонга хос бўлмаган иллат сифатида қаралган:

*Одам ўлгон зеби заҳирдин демас,
Кимки ондин фахр этар, одам эмас.
Зеби зоҳир жуз тамассух келмади,
Кимсага ондин тафохур келмади.*¹⁹¹

¹⁸⁹ Мирзо Абдулқодир Бедил. Шавқингни ёд этиб. – Б. 73.

¹⁹⁰ Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубойлар. – Б. 30.

¹⁹¹ Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1991. – Б. 11.

Бундан шундай маъно келиб чиқадики, ўзини одам ҳисоблайдиган киши бойликка, зеби-зийнатга ҳирс қўймаслиги керак. Фақат ташқи гўзаллиги, зебу зийнати билан фахрланадиган киши одам эмасдир.

Мирзо Бедил яхши кийим-бош, еб-ичиш билан мактанган, ўзи билимдон бўлса-да, ёмон феъл-атвори билан кишилар нафратига дучор бўлган маънавиятсиз кишиларни нафс бандаси бўлмасликка, гўзал хулқ соҳиби бўлишга чақиради:

*Яхши кийим – бошинг қилма писанда,
Бўлма фақат томоқ, қоринга банда.
Сенга уқталмасин барча бармоғи,
Зулм-ку бу шуҳрат, бўлма шарманда.
Кимдаки дағал феъл бўлмиш намоён,
Билимдон бўлса ҳам нафратга нишон.
Оламини забт этар гўзаллик, билсанг,
Ахлоқий ҳусндир, шуни де ҳар он.*¹⁹²

Кўриниб турибдики, мутафаккир очкўзлик, бойлик кетидан қувиш, уни обрў деб билишдан ниҳоятда нафратланади. Инсоннинг безаги, гўзаллиги фақат унинг камсуқум, камтарин ва оддийлигида намоён бўлади, деб ҳисоблайди.

Мирзо Бедил, шунингдек, иллатлар бўлмиш адоватни, ичи қораликни, андишасизликни фош этишга ҳаракат қилади.

*Фитна қўзгатади кина, адоват,
Оқиллардан чиқса баттар қабоҳат.
Энг равшан чироқдан кутарилган дуд –
Бошқа ҳамма дуддан қорадир албат.*¹⁹³

¹⁹² Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубоийлар. – Б. 79.

¹⁹³ Мирзо Абдулқодир Бедил. Шавқингни ёд этиб. – Б. 71.

Бедил адоват барча қабилликларнинг илдизи эканлигига ишора қилиш билан бир қаторда, бу иллат оқил ва донолар томонидан содир этилса энг хавфли салбий оқибатларга олиб келишини уқтириб ўтади. Бедил томонидан иллатларни бартараф этиш мақсадида илгари сурилган фикрларда ҳам мутасаввиф мутафаккирларнинг таъсири яққол сезилиб туради. Адоват ахлоқий илллати ҳақида Мирзо Бедилнинг фикрлари Мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг қуйидаги фикрини давом эттиради, дейиш мумкин:

*Ким тортса адоват қиличин қиндан,
Адоват тигидан бўлади ҳалок.*¹⁹⁴

Афсуски, бугунги жамиятимизда ҳам адоват илллатига дучор бўлган инсонлар учраб туради. Бу иллат оқибатида илм-маърифат, тинчлик ва барқарорликка путур етади, баркамол ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Ушбу иллатни бартараф этишда Бедил ижодидан ўринли фойдаланиш, уни маънавий-маърифий соҳада амалга оширилаётган тадбирларга кенгроқ жорий этиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Бедил адоват ва ҳасад каби иллатнинг олдини олишда кечиримли бўлишлик фазилатини илгари суради:

*Авф эт халқдан келса яхши-ю, ёмон,
Адоватдан қочиб, роҳат қил инсон!
Кибру ҳасад бермас кишига ором,
Одамни менсимай қувилди шайтон.*¹⁹⁵

Мирзо Бедил инсонни иллатлардан, камчиликлар ва нуқсонлардан ҳоли кўришни орзу қилибгина қолмай, бу

¹⁹⁴ Абдураҳмон Жомий. Мақсуди дил: Ғазаллар, рубойлар, ҳикматлар. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1989. – Б.202.

¹⁹⁵ Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубойлар. – Б. 11.

иллатларнинг инсоният учун умуман хос эмаслигини исботлашга интилади. Аллома инсонларни яхшиларга ёндошишга, улар этагини тутишга чорлади. Табиатида ёмонлик, пасткашлик иллоти бўлганларга қўшилган юксак фазилатли инсонлар ҳам ўз ижобий хислатларини йўқотиши мумкин:

*Баланд пастга қўшилиб қолсалар агар,
Паст табиати золиб келар ҳар сафар.
Тоза сув тиндирилмас лойқа сувни ҳеч
Лойқа сув тинивин зумда лойқатар.*¹⁹⁶

Бедил томонидан илгари сурилган ушбу ғоя Кошифийнинг ахлоқий қарашларига мос келади: “Агар яхши одамлар ва авлиёлар билан суҳбат қилиш заруриятини туғилиб қолса, бундай пайтда ярамас ва бадхулқ одамлар билан учрашишдан қочиш керак, чунки ҳамсуҳбатлик инсон феъл-атвориға таъсир этиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Яхши одамлар билан мулоқотнинг фойдаси катта бўлса, хулқи ёмон кишилар билан суҳбат қуриш ярамас, ёмон оқибатларга олиб келади”,¹⁹⁷ дейди Кошифий.

Шарқнинг буюк файласуф шоири Мирзо Абдулқодир Бедил илгари сурган мулойимлик ғояси бу – суҳулқ-атвор, қалб гўзаллиги ва эзгуликни ўзида мужассам этган нафис инсоний фазилат, демакдир.

Бедил жамият барқарорлиги, ҳаёт давомийлигининг муҳим шартини, деб меҳр-муҳаббат, мулойимликни биллати

*Сўзларига бўлсин юмшоқлик бўёқ,
Ёв ҳам қилур дўстлик кўзгусин порлоқ,
Қўпол гапдан фитна қўпган чоғида,
Гардан томирингдир бу жангда таёқ.*¹⁹⁸

¹⁹⁶ Ўша манба. – Б.66.

¹⁹⁷ Қаранг: Мутафаккирлар ахлоқ ва адолат ҳақида. / Ҳ. Алиқулов таърифи. – Т.: “Адолат”, 1995. – Б.31.

¹⁹⁸ Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубоийлар. – Б.13.

Демак, мулойимлик, юмшоқлик билан душманни ҳам дўстга айлантириш мумкин. Бу тушунчанинг аҳамияти яна шунда кўринадики, бугун ер юзида мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам хавфлироқ тус олиб бормоқда. Мана шу жараёнда мулойимлик, босиқлик ҳамда теран фикр билан мулоҳаза юритиш, томонлар манфаатларига маъқул келадиган ечимларга амал қилиш ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда долзарб масалаларни ҳал этишда бекиёс аҳамият касб этмоқда.

*Мард касбу корига булса ахлоқ ёр,
Қиндан тиз чиқармоқ унинг учун ор.
Табассум билан иш топса саранжом,
Тириштира курма пешонанг зинҳор.*¹⁹⁹

Файласуф шоир Мирзо Бедил:

*Шарм медорад дуруштӣ аз мулойимтиятӣ*²⁰⁰

дейди. Яъни, қаттиқлик мулойим табиатлилардан уялади. Мулойимлик бу – руҳ латифлиги ва нозиклигининг энг олий намунаси сифатида ифода этилади. Руҳ шундай латифлики, уни кўз билан кўриш мумкин эмас. Руҳ – энг нозиклик, қудратлилик ва мусаффолик рамзи, чунки олий даражадаги латофат олий даражада соф ҳамдир. Худди нур сингари. Нур нозик, аммо у ҳаёт жосси, ҳаёт эса бениҳоят қудрат демакдир. Чунки нозикликда тараққиёт бор, қаттиқликда бу хусусият йўқ. Қаттиқлик мўрт ва курук, тез бўлинади, парчаланади. Мийсанинг тошни ёриб чиқиши ҳам шундандир. Бир жойда кўрғошинни емирса, бир жойда тошни синдиришга ишора қилади:

*Мо софдили саршикани табъи дуруштем,
Бар санг тараҳҳум набувад шиша гаронро.*²⁰¹

¹⁹⁹ Ушв манба. – Б.83.

²⁰⁰ Нажмиддин Қомиллов. Тасаввуф. 2 китоб. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999. – Б. 39-40.

²⁰¹ Мирзо Абдулқодир Бедил. Комде ва Мудан. – Т.: “Ўзбекистон”, 1960. – Б. 39-40.

Маъноси: Биз софдил кишилар қўпол табиатлилар – раҳимсизларнинг бошини янчувчи (синдирувчилар)миз. Шиша ясовчилардан тошга раҳму шафқат бўлмайди.

“Шиша” ва “Ойна” тимсоллари – кўнгил рамзи, софлик, нозиклик, шафқат ифодаси. Бу ерда ҳам Бедил тошни тош ёки ундан ҳам қаттикроқ жисм эмас, балки тошга урса чил – чил сингувчи шиша енгади, дейди. Сабаби “Шишада тошларни синдириш фикри туғилмоқда”.

Хуллас, мулойимлик қаттиқтиқликни енгади, чунки:

1. Мулойимлик ҳаётнинг жавҳари, ҳақиқати;
2. Мулойимлик раҳму шавқат, мурувват демакдир;
3. Мулойимлик Парвардигорнинг сифати;
4. У юксак мартабага кўтарилган руҳ фазилати;
5. У Аллоҳга яқинлашган инсонга хос сифат;
6. У инсон такомиллиги, уйғунлиги – гармониясининг белгиси.²⁰²

Инсон яратган маданият ва маънавият (муסיқа, расомлик, шеърят) мулойимлик қонунларига амал қилади. Инсоният тараққиётининг ўзи қўполликдан латифликка, қаттиқликдан нозикликка, жаҳлдан ақлга томон ҳаракатдир.

Инсон қалбини илм нурига тўлдирувчи маърифат ҳам мулойимлик белгисидир. Айни вақтда миллий мафкурамизнинг замирида ҳам биз мулойимлик, маърифатлилик ғояси моҳиятини яққол кўришимиз мумкин.

Давлатимиз олиб бораётган сиёсатга эътиборимизни қаратадиган бўлсак, бунда ҳам инсонларнинг мулойимлигига, ахлоқи ва маънавиятига алоҳида эътибор берилётганлигининг гувоҳи бўламиз. Фикримизнинг далили сифатида Президент И.Каримовнинг 1995 йил 21 февралда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги маърузасида шундай дейилади: “Биз Шарқ фарзандларимиз. Шарқ мамлакатларининг қаерига борман

²⁰² *Нажмиддин Камилوف. Тасаввуф. 2-китоб. – Б. 40.*

одамлар бир-бирлари билан учрашганда, авваломбор, “Ассалому алайкум” дейишади”.²⁰³ “Ассалому алайкум” сўзининг ўзи ҳилимликнинг биринчи кўринишидир. Мулойимлик, юмшоқ табиатлилиқ халқимизнинг ажралмас фазилати, ўлмас ахлоқий қадриятларидан бири эканлиги юртбошимизнинг юқоридаги фикридан ҳам кўриниб турибди. Президентимиз ўз нутқида яна шундай дейди: “Бизнинг мамлакатимизда демократик жараёнлар халқимизнинг қонунни ҳурмат қилиш, қонунга итоат этиш каби фазилатларга мос равишда ривожланиши зарур. Ахлоқий, маънавий қадриятлар сиёсий муносабатларда ҳам устунлик касб этиши даркор”.²⁰⁴ Дарҳақиқат, ахлоқда, маънавиятда мулойимлик мужассам. Шундан келиб чиқиб, инсонлар ўртасидаги муносабатларда мулойимлик, ҳилимлик устувор бўлиши бугунги кун талаби даражасига кўтарилмоқда. Мулойимлик, ҳилимлик йўқ жойда, инсоний муносабат, ахлоқий қадрият ҳақида оғиз очиб бўлмайди.

Бугунимизнинг асосий вазифаси ўсиб келаётган ёш авлод онгига, қолаверса, республикаимизнинг барча фуқаролари онгига мана шу маърифат, эзгулик нурини сингдириш, бу нурни ҳаёт манбаига айлантиришдир.

Мирзо Абдулқодир Бедил фаласафий қарашларида *донолик*, *ҳикмат*, *ирфон* муҳим ўрин эгаллайди. Ҳикматсиз, доноликсиз бирор илмга, бирор ижодга қўл ўриш ёки унинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас. Маълумки, Шарқ маънавияти доимо илм-маърифат билан уйғунликда раванқ топган. Шарқ қадим – қадимдан ҳикматлар хазинаси, жаҳон цивилизациясининг бешиги бўлган. У ўзининг айнан шундай ҳикматлар хазинаси бўлганлиги учун ҳам қадриятдир. Ибн ал-Арабий руҳлар оламини Шарқ, нарсалар

²⁰³ Қаримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3 – жилд – Т.: “Ўзбекистон”, 1996. – Б.49.

²⁰⁴ Ўша асар. – Б.12.

оламини, инсон танини эса Ғарб деб атаган. Бунга кўра, руҳ куёш нури сингари, Шарқдан чиқиб, одам танасига ўтади, киши вафотидан кейин эса руҳ Ғарбдан – киши танидан чиқиб, яна Шарққа қайтиши керак. Рус адиби В. Сулгинский илгари сурган фикрга кўра, “Ғарб – оқил, Шарқ – донишманд, Ғарб – кенглик, Шарқ – теранлик, Ғарб – ҳаракат билан яшаган, Шарқ эса орзу-умид билан. Хаёл, умиддан афсоналар туғилади, кейинчалик халқ афсоналаридан фалсафий тизимлар шаклланади. Халқ афсоналари фалса - фаннинг манбаидир. Агар Ғарбнинг атоқли олимлари фаоллар бўлсалар, Шарқда улар файласуфлардир”.²⁰⁵

Бедилнинг тасаввуф таълимотида донолик масаласи ўзига хос таҳлил қилинади. Бедил билим, доноликда қалбнинг ролини ҳам эътироф этади.

Файласуф ақлни илоҳий деб, уни юксакликка кўтарилади, инсонни ҳам ақл билан баҳолайди. “Имони беақл чун чавҳари бе ойна нақшест мавҳум ва ҳаёи беҳирад чун оби бе чашма саробе маъдум”. Яъни, ақлсиз имон худди ойнасиз жавҳардай асоссиз, мавҳум ҳамда ақлсиз ҳаё худди манбаи бўлмаган сув каби маъдум – йўқлиқдир.²⁰⁶ Мутафаккир шоир файласуфлар деганда доноларни, ҳикмат яратувчиларни тушунади.

Бизга маълумки, Шарқ донишмандларининг таълимотида, донолик инсоннинг бахт-саодати билан боғлиқлиги айтилади. Бедил таълимоти ҳам бундан мустасно эмас. Масалан, Абу Наср Форобий илм, донолик ва ақлни бахтга эришишнинг асосий воситаси сифатида талқин этади. Унингча, ақл ва фан ёрдамида шундай маънавийлик даражасига кўтарилиш мумкинки, бу маънавийлик инсонлар ўлимидан кейин ҳам инсоният учун хизмат қилади.²⁰⁷ Инсон ақлига, тафаккурига донишмандлар

²⁰⁵ Қаранг: Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Б.399.

²⁰⁶ Қаранг: Иброҳим Муминов. Мирза Бедил. – Б.68.

²⁰⁷ Қаранг: Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан “Ўзбекистон”. 1995. – Б.51.

монидан берилган бундай фикрларни кўплаб келтириш мумкин. Булардан доноликнинг мағзи ақл – тафаккур ва илмдadir, деган хулоса чиқади. Ҳақиқатдан ҳам ақл – донолик, етуклик, эзгуликнинг ўзаги. Агар ақл илм билан бойитилса, инсон маънавиятини яна бир поғонага кўтаришда муҳим омил бўлади. Буларнинг исботини биз Бедил таълимотида янада равшанроқ кўрамиз. Мирзо Бедил илмни инсоннинг асл гавҳари эканлигини таъкидлаб, табиатнинг яширин сирларини инсон идрок қилиши учун одам билимли бўлиши, кунт билан ўқиши кераклиги ҳақидаги фикрни илгари суради.

“Рассом қаламсиз ҳеч нарсанинг суратини чиза олмаганидай, дейди Бедил, одам ҳам илмсиз ҳеч бир нарсанинг суратини – ҳақиқатини била олмайди. Илмсиз билганлари нуқул жаҳолатдан иборат. Илм ҳар ерда гадбирнинг кафилидир, ғалаба таъсирининг далилидир. Илм инсонни бахтли қилувчи воситалардан бири. Киши жаҳолатга берилса дон пўчокқа айланади, илм-маърифат билан одам пўчокни донга айлантира олади. Кимки фан соҳасида шам ёқар экан, унинг номи абадий яшайди”.²⁰⁸

Буюк мутафаккир “Ирфон” китобида илм – инсоннинг гавҳаридир, дейди. Инсон камолоти ва фазилати илм билан эканлигини уқтириб, қуйидагиларни ёзади:

*То фазлу ҳунарга безанмай инсон,
Бирон бахт эшиги очилмиш қачон?
Жанҳар билан нўлат бўлур жўн темир,
Илмсиз ўз жинсидан чиқмоғи гумон.*²⁰⁹

Бедил инсонни илм олишга чақиради, илм орқали бахт-саодатга эришиши мумкинлигини уқтириб ўтади. Шунингдек, илмсиз одам ўзининг ҳақиқий моҳиятини

²⁰⁸ Ибодидин Муъминов. Мирзо Бедил. – Б. 64.

²⁰⁹ Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубойлар. – Б. 44.

англаб етолмаслигини таъкидлаб, илму ҳикматга юқори баҳо беради. Шоир илм, ҳикмат ҳақида яна шундай дейди:

*Гул аз ин боғи файз агар буйи,
Дамад аз хору хас Арастуе.²¹⁰*

Яъни, бу боғнинг (бу оламнинг) илм, гулини ҳидла-санг файзlidir, унинг ҳар бир тикани ва хасидан Ара-сту сингари файласуфлар фикрларининг манбаи, гўзал-лигини топиш мумкин.

Мирзо Бедил донолик, ҳикмат, илм-маърифатга му-рожаат этар экан, “ибрат” тушунчасига алоҳида урғу бериб ўтади. Бедил назарида кўз – қулоғи бўла туриб, яхши нарсалардан ибрат олмаган кимсаларни уйнинг эшигига, томнинг тешигига ўхшатади. У ўзининг “Чор унсур” китобида бу ҳақда шундай дейди (мазмунан): *Кулфатда қолган уйғоқ кишининг кўзи эшиги ёпилган уйга ўхшайди. Бундай одамни йўқ қилишдан сал гафлат-да қолгудек бўлса, жасадида ўт қўйиш керак. Борди-ю, баъзи донишмандлар ўзлари гувоҳ бўлиб кўрган, бил-ганларини сир тутсалар, уларнинг тупроғини елга бе-риш маъқулдир. Ҳаёт ҳушёрликдан иборат бўлиб, уни азиз умрнинг хизматида буйсундириш керак. Уйқу ўлим демакдир, у оламдан ўтган кишилар йўлдошидир. Ти-риклар ҳаракати замирида ҳар хил тусдаги ранглар яширинган. Ана шу туфайли кўнглинг истаган сура-ларни Беҳзод муйқаламидек ҳаёлда нақш этишинг мум-кин. Мақсад шу нарсаларга ибрат кўзи билан боқишни унутма, фурсат сенга насиб бўлган экан, оламни, унинг эзгуликларини томоша қилиб, улардан лаззатлан.²¹¹*

²¹⁰ Иброҳим Мўминов. Мирза Бедил. – Б. 18.

²¹¹ Мирзо Абдулқодир Бедил. Чор унсур. / Ш.Шукуров таржимаси. – Б. 12

Ҳаётдан олмаса ибрат у куз кўр,
Асалда бўлмаса ширинлик у шўр.
Ўзгариб турмаган либос кафандир,
Ўзгариш бўлмаган хона қаро зўр.²¹²

Кўриниб турибдики, инсон билимининг яна бир поғонага кўтарилишида ибрат тушунчаси ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу тушунча орқали дунёнинг ўзгариши, илмларнинг такомил топиши ғояси аллома томонидан илгари сурилган.

Дўстлар, ибрат гулин этинг этакларга жам,
Ҳар мотамда йиглайверманг, бўлинг хотиржам.
Мен ёримдан олисдаман, улим мана шу,
Гар кўзингиз бўлса менга тутингиз мотам.²¹³

Хулоса қилиб айтидиган бўлсак, Мирзо Абдулқодир Бедил ўз таълимотида донолик, донишмандлик (ал-ҳикма) тушунчасини ҳар томонлама талқин қилади. Аллома доноликнинг муҳим қирраси сифатида “ибрат” тушунчасига эътиборни қаратиши, унинг илғор ғояларидан бири, деб билмоқ керак. Гарча, “ибрат” тушунчасини мутасаввифлар кўп маротаба қўллаган бўлсалар ҳам улар диний қобикдан чиқиб кета олмаганлар. Мирзо Бедил уни таҳлил этганда, нафақат диний, балки дунёвий жиҳатдан ёритиб, инсоннинг эзгу-мақсадларини рўёбга чиқишида ушбу тушунчани аҳамияти ниҳоятда катта эканлигига эътибор беради.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, Мирзо Бедил ахлоқий қарашларида илгари сурилган ахлоқ тушунчаларига қуйидагича изох бериш мумкин:

Карам – ахлоқий тамойилларнинг муҳими бўлиб, у инсонни борлиқни асраб-авайлашга, инсонларни се-

²¹² Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубоийлар. – Б. 24.

²¹³ Мирзо Абдулқодир Бедил. Шавқингги ёд этиб. – Б. 76.

вишга, меҳр-мурувват тантанасига, мардлик ва жасоратга чақиради. Шунингдек, карам туйғуси инсонда қачон шакллансагина унда саховат ва адолат камол топади.

Ахлоқий қадриятлар орасида залворли ўринлардан бирини эгаллаган ҳаё-инсоннинг ҳаётига мазмун бахш этиб, бутун фаолиятини эзгу ишларга даъват этувчи ахлоқий қадриятдир. У инсонда мардлик, ғайрат ва шижоат каби ахлоқий фазилатларни шакллантиришнинг муҳим босқичидир.

Мирзо Бедил томонидан илгари сурилган меҳнатсеварлик ахлоқий тушунчаси ҳам ўзига хос бўлиб, уни қуйидагича тавфсифлаш мумкин:

Меҳнатсеварлик – ҳаётнинг мазмунини ифодаловчи муҳим ахлоқий қадриятдир. У инсоннинг одамийлик қиёфасини, туб моҳиятини ифодаловчи ахлоқий мезон бўлиб, фақат меҳнат орқали эришилган неъматгина инсонга роҳат бағишлайди.

Сабр – инсонни буюк ишлар қилишга ундовчи, иродасини имтиҳондан ўтказувчи, инсоний қиёфасини англаб етишига имкон берувчи ахлоқий қадриятдир.

Ватанпарварлик – туғилган тупроқ, яшаган макон, дунёга келтирган ота-она, тарбиялаган устозлар, сайратган она тил, буюк аجدодларимиз қолдирган бебаҳо моддий ва маънавий бойлигимиз, тинчимизни қўриқлаган давлатимиз, бахтли-саодатли яшаш учун хайрихоҳ бўлган халқимизни ҳурматлаш, қадрлаш ва севиш туйғусидир.

Мулойимлик – инсоннинг гўзал ахлоқий қадриятларидан бири ҳисобланиб, у инсонни қалбига эзгулик уруғини экади. Ҳилимлик ҳар қандай зулм устидан ғалаба қозонувчи руҳий қувватдир. Халқимиз тили билан айтганда, “Яхши гап билан илон инидан, ёмон гап билан пичоқ қинидан чиқади”. Яхши гап – бу мулойимлик, ёмон гап – бу зулм ва қўрслик белгисидир.

Донолик ҳақида куйидаги хулосага келиш мумкин: *Донолик* – бу инсоннинг ўз моҳиятини англашидаги муҳим восита бўлиб, инсонлар ўртасидаги муносабат-ни тартибга келтирувчи, борлиққа гузаллик бахш этув-чи, инсоннинг куч-қудратини кўкларга олиб чиқувчи ахлоқий қадриятдир.

Мирзо Бедилнинг *ҳаё, сабр, карам, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик* ва бошқа ахлоқий қадриятлар тўғриси-даги қимматли ва ибратомуз фикрлари асрлар давомида кишиларни эзгуликка, хайрли ишлар қилишга, камтар ва софдил, билим ва маърифатли бўлишга даъват этиб келди. Шоирнинг инсонпарварлик ва умуминсонийлик руҳи билан суғорилган ахлоқий қарашлари, айниқса, мустақиллигимиз шароитида амалга ошаётган маъ-навият ривожига, ёш авлодга хулқ-одоб қоидаларини сингдиришда, таълим-тарбия ва маърифий ишларда муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлаймиз.

Умуман олганда, Мирзо Абдулқодир Бедил илгари сурган ахлоқий қадриятлар бири иккинчисини тўлдира-ди, улар бир-бири билан ўзаро боғлиқ ҳолда ривожла-нади. Бизнинг фикримизча, Бедил ахлоқий қарашлари-нинг эътиборга лойиқ томони яна шундаки, у ахлоқий қадриятларни ҳам диний, ҳам дунёвий нуқтаи назардан таҳлил қилади.

III-БОБ.

МИРЗО БЕДИЛНИНГ ИНСОН МОҲИЯТИ ВА КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИГА ОИД ҚАРАШЛАРИ

1. Мирзо Бедил ахлоқий қарашларининг асосий тамойиллари

Мирзо Бедил инсоннинг яшашдан мақсади, кадр-қиммати, ўз-ўзига ва ўзгаларга муносабатини ўрганиб чиқиб, чуқур таҳлил қилади. Мутафаккирнинг фалсафий, ижтимоий идеалида эътибор жалб этадиган бир жиҳат борки, бу мутафаккирнинг мутасаввиф орифлирга яқинлиги, унинг файласуф дунёқарашига доимий таъсиридир. Шунини эътиборга олган ҳолда таъкидлаш жоизки, Мирзо Бедил инсон ва унинг моҳияти масаласида ҳам тасаввуф таълимотидан унумли фойдаланган. Биз Бедил фалсафасини кўпроқ Фариiddин Аттор қарашлари билан қиёслар эканмиз, бу ҳол инсон масаласида ҳам кўзга ташланади. Фариiddин Атторнинг “Жавҳар уз-зот” асарида аввало бутун руҳий ва моддий оламлар ягоналиги, яъни ваҳдат олами ва мутлақ Холиқият қудрати таърифланади. Сўнгра шу ваҳдат олами ичра инсоннинг ўрни, инсон хилқатининг моҳияти тушунтирилиб, ўзни ва Холиқни таниш йўллари, изтироб азоби, яъни руҳнинг покланиб, ўз-ўзини англаши; вужуд, дунё, нафс билан кураши, тажриду тафрид босқичини босиб, Ҳаққа қўшилиши – тавҳид асрори батафсил тушунтирилади²¹⁴. Демак, Аттор фалсафасида инсоннинг тажаллийси Жавҳари Зот орқали бунёдлиги таъкидланади. Жавҳари зот бу Аттор асарларида мутлақ ваҳдат – Аллоҳдир.

Мирзо Бедил ўзининг “Ирфон” асарида инсоннинг

²¹⁴ Фариiddин Аттор. Илоҳийнома. – Т.: “Ёзувчи”. 1994. – Б. 73.

пайдо бўлиши масаласини ваҳдат ул-вужуд назарияси асосида асослаб берар экан, бунда аввал жонсиз жисмлар кейин наботот (ўсимликлар) олами ва ундан ҳайвонот оламининг вужудга келганлиги, уларнинг такаммул этишидан инсонларнинг пайдо бўлиши қайд этилган. “Тўрт унсурдан яратилган” инсон эволюциясини, биринчи, жимод (молекула), иккинчи наботот (ўсимлик), учинчи ҳайвонот (иродасиз ва тилсиз жонивор) ва тўртинчи инсон (иродали ва тилли жонзот)²¹⁵ ташкил этади.

Бедил инсон коинот мавжудотлари ичида энг юксак мақомда яратилганини таъкидлар экан, кишиларни ирқи, жамиятдаги мавқеидан қатъий назар, шу шарафли номга муносиб кўришни истайди. Тўғри, у диний – ирфоний қарашдан туриб айтилган бир фикрида инсоннинг “асл гавҳар” – илоҳий даргоҳдаги асл мавқеидан тезгина ажралиб, қуйи, яъни “тупроққа айланувчи” моддий ҳаётга кўчишининг осонгина рўй берганини эслатиб ўтади.

Биламизки, аслида гавҳар ҳеч қачон тупроққа айланмайди ва шунинг учун ҳам у қимматбаҳо гавҳар тошидир. Аммо, Бедил ахлоқда инсоннинг гавҳардек якто, нодир бўлишини истайди.

Инсон, Бедил назарида, мўъжизакор, айни чоғда фитналар манбаидир. Шунинг учун у одамдаги бу икки хил табиатни ҳисобга олиш кераклигига эътиборни қаратади. Бедил инсоннинг улуғворлигини, ақлий лаёқатини, кўп нарсаларни бажаришга қодир бир қутлуғ зот эканлигини, нутқи, онги, ақл-идроки билан ўзга махлуқотлардан фарқ этишини кўрсатиш билан бирга, номукамал, мол-мулкка чанқоқ, ўжар инсондан ярамас ишлар содир бўлишини ҳам таъкидлаб ўтади, яъни шоир инсондаги олийжаноб ахлоқий-руҳий хислатлар билан бирга салбий иллатлар ҳам мавжудлигини ёри-

²¹⁵ Аббос Меҳрин Шуштарий. Торих-э забон ва адабийот-э Ирон. – Тэхрон, 1973; “Бедил ва ўзбек маънавияти”. – Б.56.

тишга ҳаракат қилган.

Бедил ўзининг “Ирфон”, “Чор унсур” асарларида инсон борлигини тушунтиришда “баҳри мутлақ” (комиллик денгизи) тушунчасини киритади. “Мутлақ баҳр” деб Бедил илоҳий кучга асосланган мутлақ борлиқни айтади. Одамзод ана шу мутлақ борлиқдан куч ва ирода билан вужудга келган:

*Баҳри мутлақ иссиқ мавж урди шундай,
Бўлоқ ўзимиздан аълога муҳтож.²¹⁶*

Файласуф инсонда бутун олам хусусияти ва моҳиятини кўради. Яъни, одам шунчалик шарафлики, Аллоҳ бор мавжудотни инсон учун яратиб, малакларни унга сажда қилдирди. Барча ҳикмат ва илмларни унинг қалбида жо этди. Бедил уни шундай тарифлайди:

*Кавну макон гулест ба домони ҳимматат,
Худро агар ихота куни, чархи дигарӣ.
Олам ҳама мусаххари амри замири туст
Эй беҳабар, ту аз чӣ хабарҳо мусаххарӣ.²¹⁷*

Мазмуни:

Сенинг ҳиммат ва ғайратинг тўфайли олам гулзор бўлди,

Агар ўзингни элай олсанг, ўзгача олам бўлурсан.

Барча олам сенинг амрингга тобъе бўлмишдир.

Эй хабарсиз, нечун сен хомхаёллар кетидан қувиб юрибсан?!

Бедил фалсафасидаги юқорида таъкидланган ғояларни биз яна Фарииддин Аттор қарашлари билан қиёслаймиз: “Агарчи оқибат сенинг жойинг тупроқ ости-

²¹⁶ Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубоийлар. – Б.42.

²¹⁷ Шавкат Шукуров. Мирзо Бедилнинг поэтик мероси. – Б.71.

дадир, лекин пок жонинг тупроқдан покдир (руҳинг муқаддасдир). Сенинг гавҳаринг – руҳинг фаришталар саждагоҳи эканини унутма. Бошингда халифалик тожи бор, халифа фарзандисан, яъни Аллоҳнинг ердаги ўрин-босарисан. Жаннатдан тушгансан, ўша гулшан – жаннат сари интилгин”²¹⁸

Бедил Аттор ғояларини ўзининг тўрт мисра байтлари орқали ифодалашга эришади, десак муболаға бўлмайди. Масалан:

*Гадо либосида келдингиз, аммо
Асл маконингиз юксак ул само*²¹⁹ ...
*Ким қибла билмаса ҳазрат инсонни
Ўша лаънатланиб булур шаримсор*²²⁰.

Дарқҳақиқат, Мирзо Бедил назарида инсон энг улуғ ва қутлуғ зот. Мутафаккир инсоннинг улуғлиги ва буюклиги унинг муҳим ва пинҳон моҳиятида деб билади. Фитратнинг “Бедил” асарида Бедил томонидан таҳлил этилган инсоннинг моҳияти ҳақида уч муҳим жиҳат кўзга ташланади. Уларнинг биринчиси сифатида, инсонда энг улуғ, энг юқори ўринли куч борлиги таъкидланади. Инсон ўзига ишонса, ўз виждонига эргашса, ҳар ишни қилар, ҳақиқатга, тилакка эришар. Бунда мутафаккир инсоннинг ўз куч қудратини англашга чақиради ва инсоннинг қудратли зот эканлигига ишора қилади. Бунини мутафаккир қуйидагича ифодалайди:

*Поёнсиз билим-ку, сенда мужассам
Жавҳари қудрат бор тил – забонингда,
Ҳақиқат – садоқат ҳар баёнингда.
Минг хайфдур хатолар манбаи булсанг,*

²¹⁸ *Фаридиддин Аттор. Илоҳийнома. – Б. 10.*

²¹⁹ *Мирзо Абдулқодир Бедил. Шавқингни ёд этиб. – Б. 78.*

²²⁰ *Ўша манба. – Б. 45.*

*Жаброил парвози ошёнингда.*²²¹

Бедилга кўра, инсон шундай улуғ куч эканини билмагани учун ожизликка тан беради. Ожиз қолгач, бутун балолар унинг бошига ёғилиши, хатоларнинг манбаига айланиши қайд этилади. Инсоннинг ўз кучидан хабарсизлиги, хатолар манбаига айланиб қолишининг сабаби сифатида Бедил тақлид тушунчасига эътиборни қаратади.

Инсон моҳиятини таҳлил қилишдаги иккинчи муҳим жиҳат Бедил талқинига кўра, тақлиддир. Бедил бир жойда тақлид ҳақида фикр билдириб, “Эй Бедил, тушуниш бозорини ахтариб не топдинг – тоши виждондан оғир келадиган бир тарози топдингми? Шунинг учун ҳам ўз қудратини билмай, тақлид билан яшамоқ бир зиндондирки, чиндан яшамоқ истаганлар бу зах, қоронғу зиндонни бузиб қутулмоғи лозимдир,”²²² дейди. Бедилнинг нуқтаи назарича, қоронғу, зах зиндон деганда тақлид тушунилади. Бедил назарида, инсон ўзининг қутлуғ бир зот эканлигини билмаганлигидан ожизликка тан беради. Инсонни ўз кучидан, маънавий-рухий, табиий тараққиётдан маҳрум этган сабаблардан бири тақлиддир.

Бедил инсонларнинг онгсиз, кўр-кўрона бир-бирига эргашиши, расм-русумларга, бутпарастларга бўйсунишини унинг буюк ишлар қилишига тўсиқ эканлигини тушунтиришга интилади. У одамларнинг асл куч-қудратини тақлиддан қочиб, илм-маърифатга интилишида кўради.

Бедил инсонда энг улуғ, энг юқори ақл, тафаккур, қалб кучи борлигини кўрсатади. Бедилнинг англашича, тақлидчиликни инсонларнинг табиатида бирлаштирган сабаблардан яна бири динни нотўғри тушунишдир. Шунинг учун мутафаккир инсон моҳиятини таҳлил этишда унинг учинчи муҳим жиҳати сифатида диннинг моҳиятини тушунмаслик, диний қарашнинг нотўғри

²²¹ Шарк тафаккури ҳазинасидан. – Т.: “Ўқитувчи” 1986. – Б. 97.

²²² Ҳамидулла Болтабоев. Фитрат – Бедилшунос. // Бедил ва Ўзбек маънавияти. – Б.47.

талқинида деб билган.²²³

Бедил Худо каломларини куруқ тарғиб қилишлардан ва расмий шаклда ишлатишларга қарши туради. Унингча, диннинг асл моҳиятини тушунтириш керак, яъни инсонларни дўзах билан қўрқитиш ва жаннат билан алдаш орқали ҳудожўй қилишга уриниш бора – бора худо сўзларини ақлга сиғмас афсонага, эрмак ривоятга айлантириб, одамлар шу афсоналар оғушида афсунланиб, асл моҳиятни англай олмайдиган бўлиб қоладилар. Бедил бир байтида масжиддаги имом – шайхлар маъруза ва хутбаларига қарата, шундай ишора қилади:

*То чунбиши тори нафас афсонатироз аст,
Бедил, ба каманди раги хоб аст дили мо.*

Мазмуни: Нафас тори қимирлаб, айтаркан афсона, Бедил, жон томирига асирдир дилимиз.

Бу ердаги “раги хоб” (луғавий маъноси луғатда “сонная артерия” – жон томири) уқаланса ёки унга қаттиқ тегилса инсон беҳушлик ҳолатига тушади.²²⁴ Бедил салафи Алишер Навоийнинг эса ўз назмий фикрларида афсонанинг уйку келтириш хусусиятини таъкидлаганини яхши биламиз:

*Шоми ҳажрим шарҳи элни беҳуд этса не ажаб,
Уйку келтирмакдурур хосияти афсонанинг.*

Байтнинг фалсафий-иҷтимоий маъноси аслида куйидагича: то тирик эканмиз, атрофимиздаги табиат ва биз ҳаёт кечираётган жамият ҳар хил ҳодиса-воқеаларни юзага чиқариб тураркан, шуларга алаҳсиб, уларни ақлга сиғдира олмай бошимиз карахтлигича тураверамиз.

Биламизки, афсона, ҳатто у ҳақиқатдан яқиндагина

²²³ Қаранг: *Фитрат*. Бедил. – Б. 48.

²²⁴ *Бекжон Исмоил*. Навоийдан улгу олган Бедил. // ЎзАС. 2007, №27.

ҳаётда рӯй берган фавқуллодда воқеи акс эттирса-да, ақл бовар қилмас ҳодисадир.

Байтнинг иккинчи маъноси бу ёлғончи дунёда ҳеч бир нарсага таяниб, ишониб бўлмайдиган, чунки ҳаёт ҳам, гўзаллик ҳам, ейим-ичим ҳам – барчаси бу дунёда вақтинча. Асл маконимизга кетгунимизча улар бизни алдаб туриш учун яратилган. Бедилнинг бу ҳикматида эса жуда кўп тарбиявий аҳамиятга эга тушунчалар пайдо бўлади. Масалан, инсон шу сабабли доимо сергак бўлиб, бу вақтинчалик дунёга ҳирс қўймаслиги ва нафсни ардоқлаш туфайли ёмон ишларга қўл урмаслиги лозим.

Масжидларда ҳам, тасаввуф аҳли таъкидлаганидек, пайғамбар орқали келган Аллоҳ таълимоти, ҳадеб айтилиб ва замонлар ўтиши билан ақл бовар қилмас афсонага айланади. Маълум бир даврда инсон етишган амалий тажриба, яъни илм унинг мағзини чақишга қодир бўлмагач, бу тушунчаларга афсона мақомини бера бошлайди.

Демак, Бедил инсонни ўз куч-қудратига таяниш орқали тақлид ва диний ақидаларга кўр-кўрона эргашишдан воз кечишга чақиради.

Шу ўринда мутафаккир томонидан келтирилган бир ҳикоя диққатни ўзига тортади. Бедил ҳикоясига кўра, Бихар томонида (шоир туғилиб ўсган музофотда) ўзига тўқ бир бадавлат савдогар яшарди. Унинг Раживанти исмли етти яшар қизи бўлиб, ҳиндларнинг урф-одатларига биноан уни бир ўғил болага унаштириб қўядилар. Бундан мақсад агар қизу ўғил балоғатга етишса, бошларини қовуштириб қўйишдир.

Аммо, кутилмаган ҳодиса юз бериб, йигит ҳалок бўлади. Мотам элчиси бу мудҳиш хабарни қизнинг уруғ-аймоқларига билдирмасдан, Раживантига етказди. Куёвни дафн қилиш маросими уюштирилган бир вақтда Раживанти тоқчадаги шамни олиб ўзига ўт қўяди. Ҳамма бундан воқиф бўлиб, ўтни ўчириш ва қизни

сақлаб қолиш пайида бўладилар. Бироқ фурсат қўлдан кетганди. Раживанти брахманлар расм-русумига кўра, сатти (курбон) қилганди.

Ҳиндларнинг диний ақидаларига кўра, унаштирилган қизнинг бўлажак куёви вафот этса ёки ҳалокатга учраса, унинг жасади билан бирга қизни ҳам куйдираб эдилар. Бедил ушбу дostonни оддий ҳикоягўй сифатида эмас, балки сатти қилинадиган кишиларнинг қисматига ачинувчи киши ҳамда бу одатнинг ашаддий душмани, тақлидчиликка қарши курашувчи бир мутафаккир сифатида келтиради.

Инсоннинг моҳияти масаласига ёндошишда мутафаккир ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий шароит, тарихий заруриятдан келиб чиқади. Чунки XVII асрнинг иккинчи ярми XVIII асрнинг биринчи ярмида Ҳиндистондаги тахт учун кураш ва низолар, адолатсизликлар, инсоннинг қадрсизланиши ва камситилишини кўрган Бедил ўзининг таъсирчан фикрлари билан инсонларни бир-бирларига меҳр-оқибатли бўлишга, қадр-қимматини эъозлашга, ҳимматли, саховатли бўлишга ундайди.

Инсон тақдирига бефарқ бўлмаган шоир кўнгил сўзини зикр этишни ўз бурчи, деб билади. Чунки инсон бу – кўнгил. Илоҳ нури кўнгилда акс этади. Бедил, ўз навбатида, кўнгил сир-асрорини англаб етмаганларга қарата шундай дейди:

*Ёр қучоқда бўлса ҳамки, кимдир у, билмаймиз ҳеч,
Ойнадек ойдин агарчи, бағримиз – бўстонимиз.*²²⁵

Бедил инсонлар қалбида ҳақни излар экан, тавофни ҳам ўшандан бошлаш керак дейди: “Қаъба завқи билан Мажнунлар кулбасини тавоф этмоқни тарк қилма. Қаерда ва қаерни зиёрат қилсанг-да, кўнгил суҳбати жўш ураверади”²²⁶

²²⁵ *Мирзо Абдулқодир Бедил. Табаррук ташриф. / Матназар Абдулҳаким таржимаси. – Урганч: Хоразм, 1991. – Б. 28.*

²²⁶ *Қаранг: Мирзо Абдулқодир Бедил. Ғазал ва қасидалари. – Т.: Нашриёт-сиз, Ҳижрий 1333. – Б.36*

Инсоннинг моҳиятида софлик, муҳаббат, Аллоҳга интилиш ғоясини илгари сурган мутафаккир ўз фикрларини беназир мисралари билан ифодалайди.

Куёш – нур манбаи, аммо унга олиб борадиган нур ҳам инсоннинг ботиний нуридир.

*Муддао дил буд агар найранги имкон рехтанд,
Баҳри ин як қатра хун сад рангу туфон рехтанд.*

Маъноси: Имкон олами – моддий оламни хилма – хил суръат ва ҳаракатда яратган экан, мақсад кўнгил эди. Шу бир қатра қон учун минг рангу туфон яратдилар.²²⁷

Кўнгилда, шу бир қатра қонда ҳислар тўфони, фикрлар тўфони, муҳаббат тўфони жилваланади. Илоҳ ато этган жами шуқуҳни шу кўнгил кўтаради. Демак, инсонда ҳам илоҳий, ҳам дунёвий ҳақиқат акс этган. Ҳақиқатни эса инсонни таниш орқали англаш мумкин.

Инсон – илоҳий хилқат. У шунга яраша умр ўтказиши лозим, яъни эзгулик ишлари билан шуғулланиб, дунё ташвишларидан озод бўлиб, ҳар хил расм-русумлар, беҳуда зоҳирий тимсоллар қулига айланмаслик керак. Шунда у эътиқод, мазҳаб ва динларнинг моҳияти бир эканлигини англайди.

Мутафаккир инсонларга бўлган муносабатда уларни бўлишда мазҳаб, миллат, дин кабиларга қараб ажрагишни қоралайди. Ҳаммани инсонларни севишга чақиради.

*Юз шукурки, турли дину турлича миллат –
Одамлари учраганда кўрсатдим ҳурмат.
Соя каби ҳар тарафга бўлсам-да равон,
Йўл озиғим кишиларга бўлди, муҳаббат.*²²⁸

²²⁷ Қаранг: *Нажмиддин Комилов*. Тасаввуф. – Т.: “Ёзувчи”, 1996. – Б.128.

²²⁸ *Мирзо Абдулқодир Бедил*. Рубойлар. – Б.80.

Ҳозирги кунда бутун дунёда инсонни асраб қолиш масаласи кўндаланг бўлиб турибди. Ушбу муаммо ечимининг энг мақбул йўлларида бири, Бедил айтганидек, инсонлар қалбида меҳр-муҳаббат уйғотиш, инсонларни севиш туйғусини шакллантиришдир. Курол-яроғ, уруш-жанжаллар диний тажанглик билан нафақат ўзгалар умрига, балки ҳар бир инсон ўз умрига ҳам завол бўлмоқда.

Бедил илгари сурган таълимотда инсонийлик даражалари руҳнинг тараққиёт даражалари билан белгиланар экан, демак, руҳий-маънавий юксаклик зулму шафқатсизлик, нодонлик, паст табиатлилик устидан ғалаба қилиши муқаррар.

Юқорида қайд этилган фикр-мулоҳазалардан баъзи хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, Мирзо Бедил фалсафасида инсоннинг пайдо бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Инсоннинг пайдо бўлишида биринчи таъсир этувчи асос Мутлақ баҳр (Илоҳий қувват) ва илмий нуқтаи назардан табиат эволюциясидир. Инсоннинг моддий ва руҳий оламини шу тарзда талқин этиш, яъни инсоннинг маънавий-руҳий олами Илоҳий қувват, Мутлақ баҳрдан бўлса, жисми, танаси моддий олам билан биргаликдалиги назарда тутилади.

Иккинчидан, инсоннинг пайдо бўлишида тасаввуфнинг *ваҳдат ул-вужуд* позициясини ёқлаган Мирзо Бедилнинг ушбу қарашлари Фаридиддин Аттор ғояси билан узвий боғлиқ.

Учинчидан, Бедил инсоннинг моҳиятини таҳлил қилишда куч-қудрат, тақлид ва диннинг айрим тушунчаларига алоҳида аҳамият берган. Инсоннинг руҳий камолоти, юксаклик мақомига кўтарилишида куч-қудрат устувор аҳамият касб этади. Тақлид ва диний ақидапарастлик инсонни тубанлик сари етаклайди.

Туртинчидан, Мирзо Бедил инсоннинг пайдо бўлиши ва моҳияти масаласида диний-дунёвий қарашларни илгари сурган мутасаввиф-файласуфдир.

2. Мирзо Бедил фалсафасида Комил инсон ғоясининг ўзига хос талқини ва унинг ҳозирги замондаги аҳамияти

Мутафаккир Мирзо Бедил фалсафасида эътиборга лойиқ асосий масалалардан бири – *Комил инсон* ғояси ва уни ижтимоий ҳаётдаги мавқеи. десак янглишмай-миз. Файласуф-шоир Мирзо Бедилнинг инсон, унинг фазилат ва нуқсонлари ҳақида гапиришдан мақсади инсонларни яхшиликка чорлаш, ўргатиш, инсонни комилликка эриштириш, ёмонликни бадном этишдан иборат. Бедил учун инсон муаммоси – энг азиз, кутлуғ ва шарафли мавзудир. Шунинг учун ҳам бу хусусда у ўзининг “Ирфон” асарида алоҳида сўз юритади. У инсонни ирқий, миллий ва диний тафовутлардан қатъи назар, ҳурмат ва эҳтиромга сазовор зот, энг олий вужуд деб билиб, уни “Ҳазрати инсон”, деб ардоқлайди:

Турт даҳр аро сен ҳайратли бир боб.

Етти баҳр ичра гавҳари ноёб.

Ҳар нарсагаким, етибди ақл,

Ундан афзалсан, бунӣ яхши бил.

Дунё мевасини ҳосилдорисан

*Барчасидан ҳам ширинкорисан.*²²⁹

Бедил инсонни севишни, инсонларни эъзозлашни, умуман, инсонийликни комилликнинг муҳим жиҳати сифатида қарайди. Бедил ушбу ғояда Азизиддин Насафийга яқин туради. Насафийнинг қуйидаги гаплари фикримизнинг далилидир: “Инсонийлик ҳадди – чегарасини эгаллаган ҳар бир киши комил инсон бўлади ва кичик оламини яқунлайди”,²³⁰ деб уқтиради.

²²⁹ *Шомухамедов Ш.* Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм. – Т.: “Фан”, 1968. – Б.242 – 243.

²³⁰ *Азизиддин Насафий.* Зубдат-ул ҳақоик. / Ҳақиқатлар қаймоғи. – Т.: “Камалак”, 1995. – Б.22.

Инсон дунёга келгач, ўз-ўзини танишга мажбурдир, дейди Бедил. Чунки дунёдаги мавжудотлар ичида энг ақлли ва онгли мавжудот инсондир. Бедил нуқтаи назарига кўра, инсоннинг мукамаллиги, камолоти унинг биологик-физиологик (жисмоний) ҳамда ижтимоий, маънавий, руҳий қувватларининг бирлигида, мутаносиблиги ва уйғунлигидадир.

Мутафаккирнинг фикрича, инсоннинг биологик-физиологик моҳиятини белгиловчи асосий омил бу – инсоннинг моддий олами билан боғлиқ бўлган жисмоний куч-қуввати, озиқланиши ва меҳнат қилишидир.

Иброҳим Мўминов тадқиқотларида давр мафқурасининг таъсиридан келиб чиқиб, инсоннинг руҳий камолоти инсон танасининг саломатлиги ва яхши овқатланишга боғлиқ, деган ғоя илгари сурилган.²³¹ Бизнинг назаримизда инсоннинг жисмоний моҳияти бевосита унинг овқатланишига боғлиқ. Яхши овқатланиб, куч-қувватга тўлган кишининг меҳнат қилиш қобилияти юқори бўлади. Лекин руҳий-маънавий камолоти масаласида юқоридаги фикрга тўлиқ қўшилиш қийин, чунки Бедил инсоннинг моҳияти ҳақида гапирганда, унинг ўз-ўзини англашга интилиши ғоясини илгари суради.

Инсоннинг ижтимоий, маънавий-руҳий моҳиятини мутафаккир илм-фан ва ҳикматга бўлган муносабат билан боғлайди, чунки Бедил инсонни борлиқ илмини билгувчи, Илоҳ ҳикматини ўзлаштирувчи ҳилқат сифатида таърифлайди. Бедил инсоннинг ақлий моҳиятини илм эгаллаш билан боғлар экан, бу йўлдан чекинганларга афсус билан қарайди. Инсоннинг умрига абадийлик бағишловчи восита сифатида ҳам илмни таъкидлайди:

*Ҳайфи инсон, ки бо чунин чавҳар,
Сар кунад ғайри илм роҳи дигар.*²³²

²³¹ Қаранг: Мўминов И. Философские взгляды Мирзы Бедия. – С.73.

²³² Нажмиддин Комилов. Ирфон нури Абулмаоний. // “Бедил ва ўзбек маънавияти” мавзuidaги халқаро анжуман материаллари. – Б.13.

Ана шундай илоҳий жавҳарга эга инсон агар илмдан бошқа нарса билан шуғулланса, ҳайф ва афсус. Жисмоний меҳнатнинг баракаси ҳам илм билан эканлигини мутафаккир ҳар бир соҳа вакилини илм эгаллашга чақириши орқали таъкидлайди. Илм руҳнинг мураббийси, руҳни поклаб, мутлақ руҳ васлига мушарраф этиши ҳақида мутафаккир шундай дейди:

*Ҳар ки шамъаш зи илм даргирад,
То абад доғи марг напзирад.
Партави илм дурбоши фаност,
Субҳ то равшан аст, шом қуҷост?* ²³³

Яъни, кимнинг шамъи илм билан ёқилган бўлса, у абадул абад ўлим доғини кўрмайди. Илм ёғдуси фано – йўкликнинг ҳайдовчисидир, ахир тонг ёришиб турар экан, шом бўлмағай. Шунингдек, инсон камолотини белгиловчи маънавий-руҳий моҳиятда инсоннинг Аллоҳга бўлган муҳаббати ва эътиқоди илгари сурилади. Иймон-эътиқод ҳам руҳий қувватдан баҳра олади. Бу жараён инсоннинг ўз борлигини англаш вақтидан бошланади, десак муболаға бўлмайди, чунки инсон ўзини англашга киришар экан, бунинг оқибатида Аллоҳни англаш сари интилади. Пировардида инсоннинг Аллоҳга муҳаббати ортиб боради. Илоҳий муҳаббатнинг юксалиши инсоннинг руҳий камолотида ҳал қилувчи босқичдир, чунки инсон илоҳий муҳаббат йўлида покланиб борар экан, унинг маънавий камолоти, ахлокий фазилаати юксалиб боради. Инсоннинг хулқ-атворида, илм-хунарга бўлган интилишида юқори поғоналарга кўтарилиш истаги ортиб боради.

Бедилнинг инсоннинг жисмоний ва аклий-руҳий моҳиятининг таҳлилида ҳам тасаввуф ғояси устуворлик қилади. Ғаззолийнинг қуйидаги фикрлари бун

²³³ Ўша жойда.

тасдиқлайди: “Икки нимарсанинг бири зоҳир бадандурки, ани тан атабдурлар, муни зоҳир кўз бирла кўргали бўлур. Яна бири ботиндурки, ани нафс дерлар, жон атарлар ва дил ҳам дерлар. Билғилки, таннинг мисоли шаҳарга ўхшашдур. Кўл ва оёқ ва ўзга аъзолар бу шаҳарнинг ҳунармандлариға ўхшашдур. Дил – бу шаҳарнинг подшоҳидир. Ва ақл бу шаҳарнинг подшоҳини вазиридур. Ақл дилнинг шамчироғидур. Токи дил ул шамъ нури бирла ҳазрати парвардигори олам жамолини мушоҳада қилғайким, ул жамоли баркамол подшоҳ дилнинг биҳиштидур. Бас, ақл дилнинг хизматкоридир”²³⁴ Демак, инсоннинг тана ва руҳи, моддий ва руҳий олами масаласида файласуф ва мутасаввиф алломалар фикр-мулоҳазаларининг бир-бирига яқинлигини яққол кўришимиз мумкин. Инсоннинг камолотида ҳар икки алломада ҳам руҳий камолот, инсоннинг ўзини ва Аллоҳни англаши каби масалалар илгари сурилган. Шунингдек, руҳ камолотида ақлнинг таъсири Ғаззолий таълимотида ҳам кўзга ташланади. Шу ўринда тана, ақл, руҳ моҳияти бевосита инсон камолотида уйғунлик касб этиши Бедилда юқори поғонага кўтарилади.

Мирзо Бедил комил бўлиш, бу ўз-ўзини билиш ҳамдир, деган фикрни илгари суради. Файласуф таълимотига кўра, инсоннинг асосий мақсади комилликка эришиш. Бу фикрни у қуйидагича ифодалайди:

*Чин камолот ихтиёр қилмоқчиман,
Яъни йўқлик ошкор қилмоқчиман.
Кўп чигал борлиқ ўриш – арқоқлари,
Мен нафас-ла тор-мор қилмоқчиман.*²³⁵

Юқоридаги мисраларда мутафаккир камолотга эришиш орқали йўқлик тушунчасига, йўқликка барҳам бе-

²³⁴ Ғаззолий. Кимён саодат. – Т.: “Камалак”, 1995. – Б.5 – 7.

²³⁵ Мирзо Абдулқодир Бедил. Шавқингни ёд этиб. – Б.22.

риш ғоясини илғари суради. Бизнинг тушунишимизча, файласуф бу ерда инсоннинг илмий-маънавий етуклигининг абадийлигига, ўлим ва йўқликни енгишига ишора этмоқда.

Мирзо Бедил оламнинг сир-синоатини билишда, жумбоқлар исканжасини енгишда комилликни биринчи даражада қарайди. У комил инсоннинг хислатларини одамлардан излайди, инсонни ўзини англашга, яъни буюклигини англашга даъват этади. Бедил ушбу ғояни илғари суришда мутасаввифларнинг ўз-ўзини англаш ғоясига таянган ҳолда қуйидаги фикрни илғари суради:

*“Инсон ўзини бўлгани каби кўрсатсин,
Ё кўрсатгани каби бўлсин”.*²³⁶

Инсон ўзини бўлгани каби, яъни қандай бўлса шу ҳолда, ўзини бўямай кўрсатишга етишиш учун ўз борлигини тўғри тасаввур этиши, инсоний моҳиятини тушуниб етиши лозим. Бедил одамларнинг ички дунёсининг ташқи қиёфаси билан уйғунлашган ҳолда намоён бўлишига урғу бериб, дил билан тил, қалб билан қиёфа бирлигини сақлашга ундайди. Бу билан мутафаккир инсонни такаббурлик ва мунофиқликдан воз кечишга чақиради.

Агар инсон ўзининг ким эканлигини тўғри фаҳмлай билмаса, турмушда ўзининг ҳар бир қадамини таҳлил этиб яшашдан ожиз қолса, унинг дунёни тушуниши амри маҳолдир. Ўз ҳолини англамаган, қалбида кечган ботиний туйғуни бошқара олмайдиган киши ўзгаларни тўғри англаб, борлиқ моҳияти ҳақида ҳаққоний фикр юритишга қодир бўла олмайди. Инсон ўзини тўғри тушуниб, ўзининг салбий жиҳатларини идрок эта олгандагина ҳақиқатга яқинлашиши мумкин, ҳаққа яқинлаш-

²³⁶ Қаранг: Ҳамидулла Болтабоев. Кўнгил китобидан анланган фикрлар. // “Тафаккур” журнали, 1996. № 3. – Б. 121.

моқ эса, инсон борлигининг азалий муродларидандир.

Бедил томонидан илгари сурилган ўз-ўзини англаш гоёси Азизиддин Насафийнинг комил инсон тўғрисида айтган фикрларига ҳам монанд келади. Масалан, “Кимки ўзини англаган, ўзини таниган бўлса, ўз Раббини англайди ва танийди. Ўзини таниган киши-улуғ олам (олами кабир)ни ҳам англайди. Шунинг учун барча кучни ўз-ўзини англашга сарфлаши лозим”,²³⁷ дейди Азизиддин Насафий.

Инсон ўз-ўзини англаган ҳолда борликқа, ўзига муносабатда бўлиши Бедил томонидан илгари сурилиб, унинг комилликка эришишнинг асосий босқичи, деб қаралади.

Мирзо Бедил инсон табиатини таҳлил қилар экан, уни доимо изланувчанликка мойил экани, унинг бир он ҳам тиниб-тинчимаслигини таъкидлайди. Файласуфнинг юқоридаги фикри, мутасаввиф Азизиддин Насафий томонидан илгари сурилган, одамзод ҳам сафардадир ва ўз моҳиятига эришмагунча тинмай ҳаракат қилади, (агар шундай қилмаса) у ўзини ҳам танимайди, ҳам хулқ билан безаниб камолот касб этмайди, деган фикрига ниҳоятда яқиндир. Азизиддин Насафий инсон камолоти ҳақида мулоҳаза юритганда, ахлоқ масаласига алоҳида эътибор қаратади. Буни биз унинг қуйидаги фикри орқали билишимиз мумкин: “Эй дарвеш, ахлоқий хислатларла безанмаган, ўзини танимаган одамлар кўп, аммо улар ҳали комил эмас. Гўзал хислат-ла безанган бўлиб, лекин ўзини танимаганлар бор. Булар ҳам комил эмас. Бинобарин, инсоннинг камолотга эришиши тугал ахлоққа эга бўлиш ва ўз-ўзини таниш билан амалга ошади”,²³⁸ дейди Азизиддин Насафий.

Умуман, мусулмон Шарқи мутафаккирларининг асарларини илмий таҳлил қиладиган бўлсак, инсон-

²³⁷ Қаранг: *Азизиддин Насафий*. Зубдат ул-ҳақоийқ. – 31 б.

²³⁸ Қаранг: *Ўша манба*. – Б.39.

нинг ўз-ўзини англаши, ахлоқий ва маънавий юксаклиги камолотнинг бош мезони сифатида қаралади.

Мирзо Бедил *Комил инсон*нинг хислатларини ердаги одамлардан излайди, инсонни ўзини танишга, буюклигини англашга даъват этади. Унинг таъкидлашича, инсонда нафақат икки дунёнинг асрори мужассам, балки у икки дунёдан улуғроқдир. Бедил илгари сурган ғояда оламнинг ягона руҳ тажаллийси орқали бошқарилиши, ҳар бир заррада шу мутлақ жавҳарнинг зуҳури борлиги таъкидланади. Бедил “Муҳити аъзам” (Буюк укёнус) номли асарида оламнинг яратилишини майнинг кўпириши билан қиёслайди, Май бу ўринда илоҳий тажаллий – нури Мутлақ бўлиб, оламнинг ҳаракати, жамоли шундан, дейди у. Одамларнинг тиниб-тинмас ҳаёти, орзу-армонлари, фикр-ижодлари ҳам шу майдандир. Бу май гўё бир олов, у кишини ҳамиша маст этиб, ўз асли – раббига тортаверади. Бутун олам – ягона руҳнинг ижоди. Ўша туфайли мавжуд ва ўшанга қайтади. Инсон руҳи ҳам оловдир. У жисмни ёндириб кул қилмагунча тинчимайди:

*Зи по нанишаст, то оташ нашуд хокистараҷзояш,
Ба саъйи нестӣ ҳам гайрати кор инчунин бояд.*²³⁹

Ёр вужуди кул бўлмагунча тинчимайди, йўқлик сари интилиш суръати шунақа.

Мирзо Бедил инсон комиллигини таҳлил этишда, бошқа тасаввуф шоирларига яқин туради. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Бедил илгари сурган таълимотда ҳар бир инсон камолот сари интилиши лозим, бироқ комилликка эришиш осон эмаслиги, бу йўлда ниҳоятда сабр-бардошли, қатъиятли бўлишликка алоҳида эътиборни қаратади. Файласуф-шоир уни қуйидагича тавсиф этади:

²³⁹ *Нажмиддин Камил*ов. Тасаввуф. – Б.125.

Бу даштда интилиш карвонлари бор,
 Йўловчи шиддатин нишонлари бор.
 Камолга бир йўла етиб бўлмайди,
 Тўлин ой йўлида нарвонлари бор.²⁴⁰

Комил инсон ғоясини илгари суришда ҳам Бедил мутасаввиф алломаларга яқин турар экан, биз ушбу ғоя таҳлилида Бедил қарашларини ўрта асрлар мутасаввиф алломаларининг ғоялари билан қиёсий таҳлил қилиш-ни давом эттириб, Азизиддин Насафий қарашлари таҳлилига яна бир карра эътиборни қаратмоқчимиз. Азизиддин Насафийнинг “Комил инсон”, “Мақсади ақсо”, “Зубдат ул-ҳақойиқ” каби рисоаларида инсон хилқати, унинг истеъдоди ва нуқсонлари, инсонни камол топтириш масалалари ўрганилади. Мутасаввиф комил инсонга таъриф бериб ёзади: “Билгилки, *Комил инсон* деб шарият, тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар. Яъни комил инсон шундай инсондирким, унда куйидаги тўрт нарса камолга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маъориф”.²⁴¹ Насафийнинг фикрича, тариқат йўлига кирган солиқларнинг вазифа – мақсади ушбу тўрт фазилатни эгаллашдир. Инсон коинотнинг кичрайтирилган нусхаси, инсонда барча илоҳий ва моддий оламларнинг хислати жамул жам. Инсон шуни англаши ва ўз руҳи – илоҳий жавҳарни поклаб, асл мақомига қайтиши лозим.²⁴² Насафий томонидан илгари сурилган ушбу ғоя, яъни инсонни микро олам деб билиши, унда борлиқнинг барча хоссалари мужассамлиги, инсон буларни англаб етиш орқали камолот сари бориши ифодаланган. Мирзо Бедилнинг комил инсон ғоясида ҳам Насафий қарашларининг айрим жиҳатлари ўз ифодасини топган ва ривожлантирилган.

²⁴⁰ Мирзо Абдулқодир Бедил. Шавқингни ёд этиб. – Б. 62.

²⁴¹ Нажмиддин Камиллов. Тасаввуф. – Б. 147.

²⁴² Қаранг: Камиллов Н. Комил инсон ҳақида тўрт рисола. – Т.: “Маънавият”. – Б. 110.

Ўзбекистон ўз олдига озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришни мақсад қилиб қўяр экан, бу мақсад йўлида аввало баркамол авлод, комил инсонларни тарбиялаш устувор вазифа қилиб белгиланиши шубҳасиз. Ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, *Комил инсон*, баркамол ва соғлом авлод тарбияси бутун жамиятнинг бош вазифасига айланмас экан, бу мақсадни амалга ошириш мушкул бўлиб қолаверади. Муаммонинг ниҳоятда долзарблиги Президентимизнинг асарларида ҳам бот-бот келтирилган. Жумладан, “Биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси, деб эълон қилганмиз. Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз”.²⁴³

Сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётимизда, давлатимиз, жамиятимиз қурилишида амалга оширилаётган ўзгаришларнинг маъно – моҳияти соғлом авлод тарбияси билан узвий боғлиқ эканлиги ушбу соҳалардаги ислохотлар қўламида ҳам ўз аксини топмокда.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ёш авлод тарбиясига муҳим эътибор берилиб, ушбу мақсад йўлида юртимизда соғлом авлод дастури ишлаб чиқилди ва бугунги кунда босқичма-босқич амалга оширилмокда. Бу дастур, бу сиёсат фақат жисмоний жиҳатдан бақувват инсонларнигина эмас, балки маънавий баркамол инсонларни ҳам вояга етказиш вазифасини кўзда тутди.

Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларидан бири – *Комил инсон* ғояси эканлиги бунинг далилидир.²⁴⁴ Яъни, мафкурамизнинг асосий мақсадлари-

²⁴³ Қаринов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. // Баркамол авлод орзуси. – Т.: “Шарқ”, 1998. – Б. 81.

²⁴⁴ Қаранг: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000. – Б.56.

дан бири – ҳар томонлама *Комил инсон*ни тарбиялашдан иборат. *Комил инсон* ғоясини миллий истиқлолдан ажратиб бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда, *Комил инсон*нинг моҳияти, аввало жамиятни баркамол қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларда намоён бўлади.

Жамиятнинг умумий ривожига, инсоният цивилизациясига ижобий таъсир кўрсатувчи комиллик мезони шахснинг баркамоллиги орқали жамиятни бахт-саодатли қилишдан иборат бўлиб келган. Инсондаги комиллик, энг аввало, унинг фикр, тафаккур ва амалий фаолият эркинлигини англашидадир.²⁴⁵

Инсон камолотида жисмоний ва маънавий гўзаллик муҳим аҳамият касб этади. Жисмонан бақувват, соғлом бўлиш нафақат шахсий, балки ижтимоий қадриятдир. Комилликнинг яна бир жиҳати ватанга, миллатга, элу юртга садоқат билан хизмат қилишдир.

Комиллик инсоний фазилатларнинг уйғунлигини ифодалайди. Кишининг ички ва ташқи дунёси, соғлом фикр ва оқилона сўзи билан амалий фаолияти, тили билан дили бирдай бўлиши комилликнинг мезонларидир²⁴⁶.

Президентимиз И. Каримов комил инсон ҳақида фикр билдириб, “Фақат жисмоний жиҳатдан бақувват бўлган одамни тарбиялаш унчалик қийин эмас. Аммо уни ҳам жисмоний, ҳам маънавий камол топтириш ғоят мураккаб вазифа. Айниқса, бугунги кунда мафкуравий урушлар гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона тус олган ҳозирги нозик, қалтис шароитда, таҳликали замонда бу масала ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга”,²⁴⁷ деган хулосага келади. Шунинг учун мамлакатимиздаги тарбиявий-ташқилий, маънавий-маърифий ишлар масалани ана шу икки жиҳатини ҳам қамраб олмоқда.

²⁴⁵ Қаранг: Фалсафа: комусий лугат. – Т.: “Шарқ”, 2004. – Б. 200.

²⁴⁶ Ўша китоб. – Б.200.

²⁴⁷ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8 жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000. – Б.95.

Маънавий баркамол, комил инсонларгина инсоният оламини асраб, уни жаҳолат ботқоғидан олиб чиқиши муқаррар эканлигини илм-фан яна бир бор исботламоқда.

Ушбу параграфга хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Мирзо Бедил инсоннинг камолоти ҳақида фикр билдирганда, дастлаб инсоннинг пайдо бўлишига тўхталиб, инсоннинг вужудидаги жисмоний, ақлий ва илоҳий моҳиятнинг бир бутун мавжудлиги, унинг комиллигига асос бўлишини исботлашга ҳаракат қилади. Инсонни севиш, руҳни поклаш, таълим-тарбия каби ахлоқий тушунчалар инсон камолотининг мезони сифатида қаралади. Бедил дунёқарашидаги ахлоқий қадриятлар умумлашган ҳолда комил инсонни акс эттиради.

Мирзо Бедил томонидан илгари сурилган *Комил инсон — бу илоҳий муҳаббатни қалбига жо этган, ўзини ва борлиқни англаган, инсон қалбини “Аллоҳнинг уйи”, деб билиб, инсонни севган ва қадрлаган, оламни маънавият, маърифат нури билан безашга интилган, ахлоқий қадриятларни ва умуман жисмоний, ақлий, руҳий моҳиятни ўзида мужассам этган инсондир.*

Хуллас, Мирзо Бедилнинг комил инсон тўғрисидаги ғояларини умумлаштириб, қуйидаги хулосани илгари суриш мумкин:

Биринчидан, инсоннинг ўзлигини англаши, ўзини борича ё кўрсатгани каби бўлиши ёки бўлгани каби кўрсатиши инсоннинг камолоти йўлидаги дастлабки қадамдир.

Иккинчидан, инсоннинг жисмоний, ақлий ва руҳий моҳиятининг уйғунлиги инсон камолотини таъминловчи асосий омиллардир. Чунки жисмонан соғлом ва бақувват, ақлан етук ва баркамол, мустақил дунёқарашга эга, ижтимоий муносабатларда фаол, шунингдек, маънавий-руҳий жиҳатдан камол топган, эътиқоди мустаҳкам, ёт ва бузғунчи ғояларга қарши туриб, инсони-

ят тараққиёти, маънавий камолоти учун ўзини масъулиятли ҳис этиш, бизнинг назаримизча, Бедил илгари сурган комил инсон қиёфасининг асосий намунасидир.

Учинчидан, файласуф-шоир Мирзо Бедил илгари сурган *Комил инсон* ғояси инсоннинг комиллик сари интилишида, ёшларни ҳар томонлама етук шахс қилиб тарбиялашда ҳозирги вақтда ҳам ўз тарбиявий кучини йўқотмаган ўлмас эзгу ғоядир.

Бу ғоя жамиятда, кишилараро муносабатда рўй бераётган салбий иллатлар ва одамийликка зид хатти-ҳаракатларга қарши курашда, мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатларни бирлик ва ҳамжиҳат бўлиб яшашида, миллий ғоя ва маънавиятни ёшлар онгига сингдиришда асқотади. Шунингдек, ушбу ғоя миллий истиқлол ғоясини халқ онгига сингдиришда, маънавият ривожига, баркамол инсонни тарбиялашда ғоявий-назарий манба бўлиб хизмат қилади.

ХУЛОСА

Шарқнинг буюк мутафаккири Мирзо Абдулқодир Бедил фалсафасида ахлоқий қадриятлар масаласини тадқиқ этиш жараёнида биз куйидаги хулосаларга келдик:

1. XVI-XVII асрларда Ўрта Осиёда илм-фан ва маданият ривожига ҳам маълум силжишлар бўлганлигини кузатишимиз мумкин. Бу давр илм-«Фан» ва маданият ривожига нафақат Ўрта Осиё билан чекланиб қолмасдан, балки Ҳиндистонда ҳам раванқ топди. Шунингдек, Ўрта Осиё ва Ҳиндистон халқлари ўртасида биродарлик, қон-қариндошлик, ўзаро ҳамкорлик муносабатлари кенг ривож топди. Бу муносабатларнинг камол топишида Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган Бобурийлар сулоласининг тарихий хизмати бекиёсдир.

2. Мустабид тузум даврида тарихимиз қора бўёқлар билан ёритилиб, Ҳиндистонда Бобур асос солган сулола Буюк Мўғул империяси, деб айтилган ва бу сулоланинг ҳинд халқи раванқига қўшган ҳиссаси халқимиз онгига етказилмаган. Тадқиқот давомида шунга амин бўлиш мумкинки, Бобур асос солган Бобурийлар сулоласи туркий халқлар, яъни бизнинг юртдошларимиз бўлиб, улар Ҳиндистоннинг гуллаб-яшнаши учун буюк бунёдкорлик ишларни амалга ошириб, ҳинд халқи маданиятини юқори чўққиларга кўтарилишида ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшдилар. Шунингдек, ҳинд ва мусулмонлар ўртасидаги биродарликни мустаҳкамлаш йўлида тинмай изланишлар олиб бордилар. Бобурийлар ҳукмронлиги даврида Ҳиндистон ва Ўрта Осиё олимлари ўртасида илмий муносабатлар ҳам қарор топган. Айниқса, Акбаршоҳ замонига келиб Ўрта Осиёдан Ҳин-

дистонга кўплаб шоирлар, олимлар, меъморлар ва расомлар ташриф буюришган. Унинг “диний сиёсат”²⁴⁸ ислохоти, мамлакат халқларининг маданий тараққиёти учун муҳим омил бўлиб ҳисобланган.

3. XVI-XVII асрда Ҳиндистонда Мирзо Абдулқодир Бедилнинг яшаб-иждод этиши ҳам муҳим тарихий воқеадир. Бунинг муҳим томони шундаки, аввало Мирзо Абдулқодир туркий халқлар авлодидан бўлган буюк шоир ва файласуф. Бедилнинг ота-боболари Ўрта Осиёдан бўлганлиги ва Бедил Ҳиндистонда туғилиб ўсганлиги файласуф-шоир калбида ҳар икки мамлакат халқларига меҳр-муҳаббат туйғусини қарор топишига сабаб бўлган. Бедилнинг яшаб иждод этган даври Бобурийлар ҳукмронлиги билан тутшиб кетади. Бу ҳол Бедилнинг барча насрий ва назмий асарларида ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳам Мирзо Бедилнинг дунёқараши, ахлоқий таълимоти ҳақида илмий изланиш олиб борганда, албатта, бу жараённинг аҳамиятини муҳим деб ҳисоблаймиз.

4. Мирзо Абдулқодир Бедил ахлоқий қадриятларининг шаклланишида Ўрта аср Шарқ мутафаккирлари, жумладан, Абу Наср Форобий, Саъдий Шерозий, Жалолиддин Румий, Фидавсий, Ибн ал-Арабий, Фаридиддин Аттор, Алишер Навоийларнинг бой фалсафий мазмунга эга бўлган асарлари, таълимотлари, мутасаввиф алломалардан Шох Камол, Шох Қобулийларнинг маънавий-ахлоқий, ғоявий-тарбиявий ва тасаввуфий-ирфоний таълимотлари ҳамда онасининг илм – ирфонга тўғри йўналтирган тарбияси, амакиси Мирзо Қаландар, тоғаси Мирзо Зарифларнинг панд-насиҳатлари муҳим

²⁴⁸ “Дин сиёсати” деганда, Акбар томонидан ҳинд мусулмон, зардушт, насронийлар учун ягона бир “Эътиқодхона”ни бунёд этилиши ва 4 қисмдан иборат бўлган бу бинода турли динларнинг муқаддас ибодатхоналари ташкил этилган эди. Унда турли дин вакиллари шу бино остига бирлашиб ибодатга йиғилишган. Акбаршоҳ шу сиёсати орқали динлар ўртасидаги низоларни бартараф этишга ҳаракат қилган.

аҳамият касб этган.

5. Фалсафа тарихида диний-тасаввуфий ва фалсафий таълимотлар кўплаб учрайди. Тадқиқотда биринчи марта бҳақти ва тасаввуф таълимотларининг Бедил фалсафий қарашларига таъсирининг илмий таҳлили берилди. Бунинг сабаби шундан иборатки, Бедил дунёқарашига, айниқса, ахлоқий қарашларининг шаклланишига ушбу таълимотларнинг таъсири катта бўлган. Хусусан, бҳақти – барча динга эътиқод қилувчиларга ҳурмат билан қарайдиган, инсонларнинг қалбига илоҳий муҳаббатни сингдириш ғоясини илгари сурган таълимот. Бу таълимот Ҳиндистонда пайдо бўлган ва унинг асосчиси 1380-1418 йилларда Ҳиндистонда яшаб ўтган Кабир эди. У турли эътиқоддаги кишиларнинг бирлашуви ғоясини илгари сурган.

Тасаввуфнинг бош ғояси Илоҳий ишқ ва шу ишқ орқали инсон камолотидир. Бу ғоя Мирзо Бедилнинг бутун ахлоқий қарашларининг асосини ташкил этади. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, Мирзо Бедилнинг фалсафий-ахлоқий қарашларига турли диний-тасаввуфий ва фалсафий таълимотларнинг таъсири ўта кучли бўлганлигига ишонч ҳосил қиламиз.

6. Мирзо Абдулқодир Бедил фалсафий таълимоти Шарқ фалсафий тафаккури тараққиётининг муҳим босқичи бўлиб, у томонидан илгари сурилган ахлоқий тушунчалар – *яхшилик*, *адолат* ва *ишқ-муҳаббат* ва ахлоқий тамойиллар – миллий ва умуминсоний қадриятлар тизимининг ажралмас қисми. Улар ахлоқий тафаккур тараққиёти тарихининг ёрқин намунасидир.

7. Мирзо Абдулқодир Бедилнинг фалсафий таълимоти, маънавий-ахлоқий дунёқараши миллий истиқлол ғоясининг тарихий илдизи ва фалсафий асосларидан биридир.

8. Мирзо Бедил ахлоқий қадриятларни таҳлил этар экан, бунда у кўпроқ ушбу тушунчаларнинг инсон ҳа-

ётидаги аҳамиятига, бу фазилатларнинг инсоннинг шахс сифатида камол топишининг муҳим омиллари эканлигига ўз эътиборини қаратади. Шу ўринда файласуф-шоирнинг ҳаё, ор-номус, карам, яхшилик, адолат, ватанпарварлик ҳақидаги ахлоқий таълимотларини қузатадиган бўлсак, бу ахлоқий тушунчаларнинг халқимиз учун бегона эмаслигининг яна бир бор гувоҳи бўламиз.

Мирзо Бедил фалсафасида илгари сурилган *карам, мулойимлик, сабр-тоқат, қаноат, ор-номус ва инсонпарварлик, меҳнатсеварлик* каби ахлоқий тамойиллар миллий-маънавий қадриятларимиз тикланиши ҳамда ривожланишида муҳим илмий-фалсафий омил ва тарихий манбадир.

9. Бедил ахлоқий қарашларининг эътиборга лойиқ томони яна шундаки, у ахлоқий қадриятларни ҳам диний, ҳам дунёвий нуқтан назардан таҳлил қилади. Шунинг учун ҳам Бедилнинг *яхшилик ва эзгулик, адолат, ишқ-муҳаббат, мулойимлик, донолик* ҳақида билдирган қимматли ва ибратомуз фикрлари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, улар баркамол авлодни тарбиялашда муҳим илмий қимматга эгадир.

10. Бедил таълимотида инсоннинг моҳияти унинг пайдо бўлишидаги ўзига хосликдан келиб чиқилади. Яъни *Илоҳий Баҳри мутлақдан пайдо бўлган Инсон* доимо ҳаракатда, изланишда ва ўз моҳиятини билишга бўлган интилишдадир. Инсон ўз моҳиятига кўра, моддий ва руҳий жиҳатларни ўзида мужассам этган олий, илоҳий мавжудот. Бу инсоннинг куч-қуввати, эътиқоди билан бирга инсонни эҳтиёткорликка чақириб турадиган тақлид, диний ақидаларга муносабати билан белгиланади.

11. Мирзо Бедил фалсафасида илгари сурилган *Комил инсон* ғояси муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бундай инсоннинг муҳим жиҳатлари сифатида инсоннинг *ўз-ў-*

зини англаши илгари сурилади. Шунингдек, ўз-ўзини англаш инсоннинг биологик-физиологик, ижтимоий, маънавий-руҳий моҳиятини тушуниши орқали амалга ошади. Бу муҳим жиҳатларнинг уйғунлиги комил инсон ғоясининг асосини ташкил этади.

12. Миллий давлатчилик концепциясига кўра, буюк давлатни соғлом, баркамол инсонларгина ярата олади. Шу нуқтаи назардан қараганда, баркамол инсонларни тарбиялаш давлатимиз олдида турган ниҳоятда долзарб вазифадир. Бедилнинг *комил инсон* тўғрисидаги пурмаъно ғоялари мустақиллик шароитида ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ. У миллий истиқлол ғоясини халқ онгига сингдиришда, маънавият ривожига, баркамол инсонни тарбиялашда ғоявий манба бўлиб хизмат қилади. Мирзо Бедилнинг *комил инсон* ғояси бугун бутун инсоният ҳаёти учун умуминсоний аҳамиятга эга бўлган таълимот дейиш мумкин.

13. Шарқона ахлоқий қадриятлар тизимида катта мактаб яратган мутафаккирлар, жумладан, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Фаридиддин Аттор, Саъдий Шерозий, Жалолиддин Румий, Азизиддин Насафий, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Ҳусайн Воиз Кошифийлар ва улар қатори Мирзо Бедилнинг ахлоқ, хулқ-одоб, таълим-тарбия, юксак фазилатларни эгаллаш тўғрисидаги фикрлари кишиларни залолатдан қутулиб, ҳидоят йўлига ўтишларида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Уларнинг *камтарлик, Адолатпарварлик, виждонлилик, поклик, диний бағрикенглик, меҳнатсеварлик, имонлилик, карамлилик, меҳр-мурувват, ишқ-муҳаббат, мулойимлик, донолик, эзгулик, яхшилик* ҳамда *комил инсон* тўғрисидаги фикрлари ҳозирги ёшларнинг маънавияти юксалишида, уларни юксак ахлоқ руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Бу хулосалар асосида қуйидаги таклиф ва тавсия-

ларни бериш мумкин:

1. Ўзбекистонда миллий – маънавий қадриятларни, фалсафий тафаккур тарихига эътиборни янада кучайтириш мақсадида Мирзо Бедилнинг фалсафий, илмий-адабий меросини Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида таълим-тарбия ва маънавий-маърифий тадбирлар соҳасида кенг қўллаш зарур. Масалан, ўқувчи ёшлар, талабалар орасида Бедилнинг инсонпарварлик, инсон камолоти, ватанпарварлик каби ахлоқий қадриятлар руҳида суғорилган рубоийлари асосида *бедилхонлик кечалари*, *шеъроят гулшани танловлари*, оммавий ахборот воситаларида эса Бедил фалсафаси ва ижоди билан боғлиқ бўлган материаллар, фалсафий рух, кўрсатув ҳамда эшиттиришлар ташкил этиш лозим.

2. Жаҳон фалсафий тафаккури тарихида ўчмас из қолдирган ўтмиш аجدодларимизнинг бой фалсафий меросининг бугунги миллий тикланиш ва миллий фалсафа тараққиётидаги ўрнини кўрстишда, ушбу соҳадаги илмий-назарий ва амалий ишлар самарадорлигини ошириш, миллий ғояни ёшларимиз онги ва қалбига сингдиришда улардан фалсафий асос сифатида унумли фойдаланишни йўлга қўйиш, бунинг учун олий ўқув юртларининг фалсафа йўналишида “Маънавият ва ахлоқ фалсафаси”, “Миллий ғоянинг шаклланишида ахлоқий қадриятларнинг ўрни” каби махсус курслар ташкил этиш керак.

3. Мирзо Абдулқодир Бедил ижодининг бой фалсафий мазмунини бугунги авлодларга тарихий ҳолислик нуқтаи назаридан тўла-тўқис етказиш мақсадида мутафаккирнинг илмий асарларини форс тилидан ўзбек тилига таржима қилиш ишларини таржимон олимларимиз фаолиятида янада жонлантириш вақти етиб келди, деб ўйлаймиз. Буни амалга ошириш учун форс тилининг етук мутахассислари иштирокида Бедил асарларининг таржимасига бағишланган танловларнинг ўтказилиши, унинг сифати ва самарадорлигини оширишда давлат

грантларининг жорий этилиши зарур.

4. Мирзо Абдулқодир Бедил ижодини янада кенг ва ҳар томонлама ўрганиш мақсадида тарихчи, адабиётшунос ва файласуф олимлар ҳамда адиб ва таржимонларнинг илмий-ижодий ҳамкорлигини йўлга қўйиш зарур. Бунинг учун мамлакатимиздаги олий ўқув юртлари Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ, ТДШИ, Тошкент ислом университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети) илмий марказлар ва муассасалар ҳамкорлигида Мирзо Бедил ижодига бағишланган илмий-назарий ва амалий анжуманлар ўтказиб туриш керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Назарий-методологик адабиётлар

Каримов И. А. Ижобий ишларимизни охирига етказайлик. – Т.: “Ўзбекистон”, 1994. – 32 б.

Каримов И. А. Истиқлол ва маънавият. – Т.: “Ўзбекистон”, 1994. – 160 б.

Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996. Т.1. – 364 б.

Каримов И. А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т.: “Ўзбекистон”, 1996. Т.2. – 380 б.

Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996. Т.3. – 366 б.

Каримов И. А. Буюк келажак сари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1998. – 686 б.

Каримов И. А. Маънавий юксалиш йўлида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1998. 480 б.

Каримов И. А. Баркамол авлод орзуси. – Т.: “Шарқ”, 1998. – 144 б.

Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1998.Т.6. – 429 б.

Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. Т.7. – 410 б.

Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. – 686 б.

Каримов И. А. XXI асрга интилиб. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. – 506 б.

Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000. Т.8. – 528 б.

Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун кураш-

моқ керак. – Т.: “Ўзбекистон”, 2002. Т.10. – 432 б.

Каримов И. А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – Т.: “Ўзбекистон”, 2003. Т.11. – 320 б.

Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008.

Китоблар, рисоалар, илмий тўпламлар

Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: “Ўқитувчи”, 1992. – 97 б.

Абдулҳаким Шаърий Жузжоний. Тасаввуф ва инсон. – Т.: “Адолат”, 2001. – 192 б.

Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993. – 224 б.

Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад Ғаззолий. Кимёи саодат. – Т.: “Камалак”, 1995. – 80 б.

Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад Ғаззолий. Охи-ратнома. – Т.: “Ёзувчи”, 1994. – 32 б.

Азизиддин Насафий. Зубдат ул ҳақойиқ. Ҳақиқатлар қаймоғи. – Т.: “Камалак”, 1995. – 36 б.

Айни С. Мирза Абдулқодир Бедил. – Сталинабад: Таджгосиздат, 1954. – 132 с.

Айний С. Танланган илмий асарлар. – Т.: “Фан”, 1978. – 335 б.

Айни Х. Бедил и его поэма “Ирфон” – Сталинабад: Таджгостиздат, 1956. – 126 б.

Акимюшкин А.Ф., Брагинский В.И. Суфизм в контексте мусульманской культуры. – М.: “Наука”, 1989. – 228 с.

Ал-Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрад. – Т.: “Ўзбекистон”, 1990. – 200 б.

Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1983. – 112 б.

Алишер Навоий. Лисонут – тайр. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1991. – 464 б.

Алиқулов Х. Этические воззрения мыслителей Средней Азии и Хорасана. – Т.: “Фан”, 1992. – 98 б.

Ахмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Т.: “Ўқитувчи”, 1994. – 432 б.

Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1992 – 270 б.

Аҳмад Дониш. Наводир ул вақое. – Т.: “Фан”, 1964. – 412 б.

Бедил ва ўзбек маънавияти. – Т.: “Мовароуннахр”, 2005. – 183 б.

Бедиль. Избранное / состав. Р.Хади – Заде. – Душанбе: “Ирфон”, 1984. – 192 б.

Бернье Ф. История последних политических переговоров в государстве Великого могола. – М.: “Наука”, 1936. – 349 с.

Бертельс Б. Э. Суфизм и суфийская литература. – М.: “Наука”, 1965. – 335с.

Бертельс Е.Э. Избранные труды, История персидско – таджикской литературы, М.: ИВЛ, 1960. – 278 с.

Богомолов А.С. Античная философия. – М.: 1985. – 367 с.

Бозоров Н. Худойкулов А. Ахлокий кадриятлар ва ислом. – Самарқанд: “Зарафшон”, 1992. – 62 б.

Брагинский И.С. О проблеме периодизации персидско – таджикской литературы. – М.: ИВЛ, 1960. – 238 с.

Гордон – Полонская Л. Р. Мусульманские течения в общественной мысли Индии и Пакистана. – М.: ИВЛ, 1963. 46 с.

Григорян С.Н. Средневековая философия народов Ближнего и Среднего Востока. – М.: “Наука”, 1966. – 352 с.

Гулшани адиб. Намунаҳои назми тоҷик. Асрҳои XVI – XVIII. Ҷилди IV. – Душанбе: “Ирфон”, 1977. – 248 сах.

Дробницкий О. Т. Понятие о морали. – М.: “Наука”, 1974. – 136с.

- Дробницкий О.Т.* Проблемы нравственности. – М.: “Наука”, 1977. – 333 с.
- Жалолиддин Румий.* Ичиндаги ичиндадир. – Т.: “Меҳнат”, 2001. – 158 б.
- Жалолиддин Румий.* Маънавий маснавий. / Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: “Шарқ”, 1999. – 368 б.
- Жалолиддин Румий.* Учмоққа қанот йўқ вале учгайман. / Жамол Камол таржимаси – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1994. – 48 б.
- Зебуннисо, Дилшод ва Анбар отинлар шеърятидан / Масъул муҳаррирлар Ф.А Абдурахмонов ва бошқалар. – Т.: 1981, “Ўзбекистон”. – 228 б.
- Иброҳим Ҳаққул.* Тасаввуф ва шеърят. – Т., 1991. – 184 б.
- Иброҳим Ҳаққул.* Ирфон ва идрок. – Т.: “Маънавият”, 1998. – 160 б.
- Имомназаров М.* Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. – Т.: Шарқ, 1998. – 240 б.
- Ирисов А.* Абу Али ибн Сино. – Т.: “Фан”, 1980. – 208 б.
- История Индии в средние века. – М.: “Наука”, 1968. – 300 б.
- Кайковус.* Қобуснома. / Форсчадан Муҳаммад Ризо Огаҳий таржимаси. – Т.: “Мерос”, 1992. – 176 б.
- Камилов Н.* Тасаввуф. – Т.: “Ёзувчи”, 1996. – 270 б.
- Камилов Н.* Тасаввуф. 2-китоб. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, “Ўзбекистон”, 1999. – 207 б.
- Камилов Н.* Комил инсон ҳақида тўрт рисола. – Т.: Маънавият, 1997. – 208 б.
- Кобляков В.П.* Этические аспекты глобальных проблем современности. – М.: “Знание”, 1986. – 63 с.
- Кобляков В.П.* Этическое сознание. – Л.: ЛГУ, 1979. – 223 с.
- Краткая история этики. – М.: “Мысль”, 1987. – 254 с.
- Маҳмудов М.* Аҳли дил. – Т.: “Ўқитувчи”, 1997. – 312 с.

Маҳмудов Т. Комиллик асрорлари. – Т.: “Адолат”, 2006. – 96.

Маҳкамов У. Ахлоқ – одоб сабоқлари. – Т.: “Фан”, 1994. – 135 б.

Маҳмуд Асъад Жушон. Ислом, Тасаввуф ва ахлоқ / Сайфиддин Сайфуллоҳ таржимаси – Т.: “Истиқлол”, 2000. – 240 б.

Маҳмуд Асъад Жушон. Юнус Эмро ва тасаввуф. – Т.: “Фан”, 2001. – 127 б.

Матназар Абдулҳаким. Табаррук ташриф / Бедил рубойларининг таржимаси. – Урганч: Хоразм, 1991. – 39 б.

Матназар Абдулҳаким. Такаллум. – Нукус: Қорақалпоғистон, 1995 – 45 б.

Мирзо Абдулқодир Бедил. Ғазалиёт [Electronic resource]/ Бедил Мирзо Абдулқодир; Ҳаттот Абдулманнон Ҳожи ибн Абдулаҳрор. – Бухоро, 1332. – Б. 120 – 121.

Мирзо Абдулқодир Бедил. Ғазалиёт [Electronic resource]/ Бедил Мирзо Абдулқодир; Ҳаттот Мулла Абдуазимбой бин Абдурахимбой. – Т., 1332 – 192 б.

Мирзо Абдулқодир Бедил. Ғазалиёт [Electronic resource]/. – Т., 1299. – 4576.

Мирзо Абдулқодир Бедил. Девон [Electronic resource] / Масъул шахс Қози Муҳаммад Иброҳим ибн Қози Нурмуҳаммад. – Бомбей, 1292. – 376 б.

Мирзо Абдулқодир Бедил. Мирзо Бедил ва Умар Хайём рубойлари [Electronic resource]/ – Т., Нашрётсиз, 1907. – 1476.

Мирзо Абдулқодир Бедил. Куллиёт – Душанбе: “Ирфон”, 1956. – 655 б.

Мирзо Абдулқодир Бедил. “Комде ва Мудан”. / Назармат таржимаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 1960. – 94 б.

Мирзо Абдулқодир Бедил. Осор: иборат аз ҳашт ҷилд. Ҷилди якум. – Душанбе: “Адиб”. 1989. – 670 б.

Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубойлар. / Форс-тожик

тилидан Ш.Шомухамедов таржимаси. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1974. – 106 б.

Мирзо Абдулқодир Бедил. Ғазал ва қасидалар. – Ҳижрий 1333. – 118 б.

Мирзо Абдулқодир Бедил. Шавқингни ёд этиб. – Т.: Нашриёт матбаа ижодий уйи, 2005. – 144 б.

Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000. – 80 б.

Муҳаммад Шариф ал-Бухорий. Фавоиди ҳоққоний-йа: Ҳоқонга аталган фойдалар. / Форс тилидан М.Нуритдинов, М.Ҳасаний таржимаси. – Т.: “Адолат”, 1995. – 56 б.

Мухаммадиева Ойниса. Мирзо Абдулқодир Бедилнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари. – Т.: “Фан ва технология”, 2010.

Мутафаккирлар ахлоқ ва адолат ҳақида / Форс тилидан Ҳ.Алиқулов таржимаси. – Т.: “Адолат”, 1995. – 48 б.

Муминов И. Мирза Бедил. – Т.: “Фан”, 1964. – 76 б.

Муминов И. Мирза Бедилнинг фалсафий қарашлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1957. – 96 б.

Муминов И. Философские взгляды Мирзы Бедия. – Т.: Уз “Фан”, 1957. – 110 с.

Муминов И. Ўзбекистонда прогрессив ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихига доир материаллар. – Т.: “Ўзбекистон”, 1959. – 443 б.

Муминов И. Танланган асарлар. 1 жилд. – Т.: “Фан”, 1969. – 494 б.

Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси (аксиология). – Т.: Файласуфлар миллий жамияти, 2004. – 196 б.

Назаров Қ. Ҳозирги замон ва умуминсоний қадриятлар. – Т.: “Фан”, 1994. – 23 б.

Низомиддинов И. Мирза Абдулқодир Бедил. – Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1970. – 120 б.

Низомиддинов И. XVI – XVIII асрларда Ўрта Осиё – Ҳиндистон муносабатлари. – Т.: “Фан”, 1966. – 119б.

Низомиддинов. Н. Ғ. Жанубий – Шарқий Осиё ди-

ний-фалсафий таълимотлари ва ислом. – Т.: “Зар қалам”, 2006. – 118 б.

Низомов А. Суфизм в контексте музыкальной культуры народов Центральной Азии. – Душанбе: “Ирфон”, 2000. – 272 с.

Носиров Р. Н. Тасаввуф таълимоти, унинг моҳияти ва аҳамияти. – Т.: ТАҚИ, 1996. – 85 б.

Нуриддинов М. Юсуф Қорабоғий ва Ўрта Осиёда XVI – XVI асрлардаги ижтимоий-фалсафий фикр. Ўзбекистон Республикаси ФА И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти. – Т.: “Фан”, 1991. – 124 б.

Нуриддинов М. И. Из истории общественно-философской мысли Средней Азии в XVI-XVII веках. – Т.: Медицинской литературы имени Абу Али ибн Сино, 1996. – 216 с.

Нуриддинов М. Бобурийлар сулоласи. – Т.: “Фан”, 1994. – 49 б.

Ортиқов Н. Маънавият: Миллий ва умуминсоний кадриятлар. – Т.: “Фан”, 1994. – 48 б.

Основы философии. – Т.: “Ўзбекистон”, 1998. – 415 с.

Права человека и работа в социальной сфере: Центр по правам человека ООН. – Женева, 1995. – 16 с.

Саййид Ҳайбатуллоҳ хўжа Хислат. Тухфаи Хислат. / Тузувчи Урфон Отажон. – Т.: “Нур”, 1992. – 64 б.

Саъдий Шерозий. Гулистон. / Форсийдан Муҳаммад Ризо Огаҳий таржимаси. – Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993. – 14 б.

Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Т.: “Ўзбекистон”, 1994. – 416 б.

Тасаввуф таълимоти ва унинг ёшлар тарбиясидаги ўрни. Ҳ.Алиқулов, Р.Носиров, М.Қодиров, Р.Омонбоева, А.Ашуров. – Андижон, 2005. – 372 б.

Туркистонда фалсафий ва ижтимоий-сиёсий фикрнинг шаклланиши ва ривожланиши. – Т.: “Университет”, 1992. – 48 б.

Турар Усмон. Тасаввуф тарихи. – Т.: “Истиклол”, 1995. – 180 б.

Умар Форук Сайдо ал-Жазарий. Тасаввуф сирлари. / Б. Умрзоқ, А. Мурод таржимаси. – Т.: “Мовароуннахр”, 2001. – 88 б.

Файзуллаев А.Ф. Научное творчество Мухаммада ал-Хорезми. – Т.: “Фан”, 1983. – 32 с.

Файзуллаев А.Ф. Проблемы противоречия в трудах классиков естествознания и философии Средней Азии. – Т.: “Фан”, 1974. – 148 с.

Файзуллаев О. Фалсафа ва фанлар методологияси. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2006. – 124 б.

Фалсафа: қомусий лугат. – Т.: “Шарқ”, 2004. – 495 б.

Фаридиддин Аттор. Илоҳийнома / Форс тилидан Н.Комилов таржимаси. – Т.: “Ёзувчи”, 1994. – 94 б.

Фитрат. Бедил. – Т.: Халқ мероси, 1996. – 48 б.

Хайруллаев М.М. Форобий. Т.: Ўзбекистон, 1991. – 78 б.

Хайруллаев М.М. Ўрта Осиёда IX-XII асрларда маданий тараққиёт. Т.: «Фан», 1994. – 79 б.

Хайруллаев М. М. Ўрта Осиё халқларининг фалсафий мероси. Т.: “Фан”, 1965. – 43 б.

Холмўминов Жаъфар, Ҳазратқулов Жалил. Форсий адабиётнинг жаҳон адабиётидаги ўрни. – Т.: “Янги нашр”, 2012. – Б. 214-225.

Хорижий Шарқ халқларининг илғор ижтимоий-фалсафий фикрлари тарихи очерки. – Т.: “Фан”, 1971. – 272 б.

Хусаин Воиз Кошифий. Футувватномаи Султоний. – Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1994. – 112 б.

Шайхова Х.А. Назаров Қ. Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот. – Т.: “Ўзбекистон”, 1994. – 117 б.

Шайхова Х.А. Миллий қадриятлар ва инсон камолоти. – Т.: “Ўзбекистон”, 1992. – 28 б.

Шайхова Х.А. Маънавият ва соғлом авлод камолоти. – Т.: “Академия”, 2006. – 64 б.

Шомухамедов Ш. Хазиначар жолоси. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1981. – 397 б.

Шомухамедов Ш. Форс – тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм. – Т.: “Фан”, 1968. – 430 б.

Шукуров Ш. Мирза Бедилнинг поэтик мероси. – Т.: “Фан”, 1979. – 132 б.

Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1998. – 184 б.

Юсупов Э. Исмоилов Ф. Одабийлик сабоқлари. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1997. – 176 б.

Қодиров П. Хумоюн ва Акбар. – Т.: “Шарқ”, 1994. – 576 б.

Қори Низомиддин бин мулла Ҳасан. Илми ахлоқ. – Т.: “Ёзувчи”, 1993. – 16 б.

Ғафур Ғулом. Асарлар. 10 томлик. – Т.: “Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. 8.Т. – 504 б.

Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. – Т.: “Шарқ”, 2004. – 208 б.

Ҳомидий Ҳ. Кўҳна Шарқ дарғалари Т.: “Шарқ”, 1999. – 352 б.

Хорижий мамлакатларда чоп этилган адабиётлар

Бедил. Куллиёт. Бомбей, 1882.

D'Encausse Helene Carrere. Islam and the Russian empire // Reform and revolution in Central Asia – London, 1988. – P 88 – 207.

Willim Stoddart. Sufism. London. George Allen Unwin, 1950. – 184 p.

Lamb Harold. Babur. – New York., 1961. – 400 p.

Кадканий, Муҳаммадрэзо Шафеъи-йэ. Шоър-э ойинэхо. Барраси-йэ сабк-э ҳэндий ва шър-э Бидэл. – Тэхрон: “Огоҳ”, 1384.

Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавий маънавий. Олтинчи китоб. / Жамол Камол таржимаси. – Тэхрон:

“Ал-Худо”, 2004. – 455 б.

Thomas English Hil. Contemporary ethical theories. – New York.: The Macmillan Co., 1959. – 367 p.

Philosophy and literature. – Cambridge.: Cambridge University press, 1984. Printed in the United States of America, 1984. – 215p.

Овозҳо-йэ Бидэл. Наср-э адабӣ (“Руқъэот”, “Нукот”, “Эшорот”, “Чаҳор унсур”). Тасхих: Акбар Бэхдорванд. – Тэхрон: Муассэсэ-йэ энтэшорот-э “Нэгоҳ”, 1386. – 672 б.

Шаҳроний, Бурҳониддин Номӣқ. Бедилхонлик ва бедилшунослик диёрига қисқача сафар. Форс тилидан Ш.Олимов таржимаси. // “Сино” журнали, 2011 йил: куз-қиш. 43-44 сонлар. – Б.46-63.

Шуштарий, Меҳрин. Торих-э забон ва адабийёт-э Ирон. – Тэхрон, 1973.

Гуҳарин, Саййид Содэқ. Шарҳ-э истилоҳот-э тасаввуф. 1-4 жилд. – Тэхрон, 1988. – Б. 14-15.

Худоёр Иброҳим. Садрэддин-э Айний ва Бидэл-э Дэхлавий (Форс тилида). // “Сино” журнали, 2011 йил: баҳор-ёз. 41-42 сонлар. – Б.34-49.

Мақолалар

Абдуллаева Мухтабар. Иброҳим Мўминов – Бедилнинг ижтимоий-фалсафий фикрлари тадқиқотчиси. / “Бедил ва ўзбек маънавияти” мавзуидаги халқаро анжуман материаллари. – Т.: “Мовароуннаҳр”, Тэхрон: “Ал-Худо” халқаро нашриёти, 2005. – Б.92-102.

Болтабоев Ҳамидулла. Кўнгил китобидан англаган фикрлар. // “Тафаккур” журнали, 1996. – № 3. – Б.120-124.

Болтабоев Ҳамидулла. Фитрат – бедилшунос. / “Бедил ва ўзбек маънавияти” мавзуидаги халқаро анжуман материаллари. – Т.: “Мовароуннаҳр”, Тэхрон: “Ал-Худо” халқаро нашриёти, 2005. – Б.34-53.

Воҳидов Раҳим. Теран тафаккурга йўғрилган шеър-ият. / “Бедил ва ўзбек маънавияти” мавзуидаги халқаро анжуман материаллари. – Т.: “Мовароуннаҳр”, Техрон: “Ал-Худо” халқаро нашриёти, 2005. – Б.59-74.

Исмоил Бекжон. Навоийдан улгу олган Бедил. // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2007. № 27. – Б.4.

Мирзо Абдулқодир Бедил. Ғазаллар. // “Тафаккур” журнали, 1996. – № 1. – Б.100-104.

Мирзо Абдулқодир Бедил. Ғазаллар. // “Жаҳон адабиёти” журнали, 1997. – № 6. – Б.6.

Комилов Нажмиддин. Ирфон нури. // “Тафаккур” журнали, 2006. – № 2. – Б.68-73.

Комилов Нажмиддин. Ирфон нури Абулмаоний. / “Бедил ва ўзбек маънавияти” мавзуидаги халқаро анжуман материаллари. – Т.: “Мовароуннаҳр”, Техрон: “Ал-Худо” халқаро нашриёти, 2005. – Б.3-18.

Очилов Эргаш. Ғафур Ғулом ва Мирзо Бедил. / “Бедил ва ўзбек маънавияти” мавзуидаги халқаро анжуман материаллари. – Т.: “Мовароуннаҳр”, Техрон: “Ал-Худо” халқаро нашриёти, 2005. – Б.118-127.

Очилов Эргаш. Бедил асарлари ўзбек тилида. / “Бедил ва ўзбек маънавияти” мавзуидаги халқаро анжуман материаллари. – Т.: “Мовароуннаҳр”, Техрон: “Ал-Худо” халқаро нашриёти, 2005. – Б.128-141.

Шеров Абдулла. Тасаввуф. Ғаззолий ва ғузалик фалсафаси. // “Соғлом авлод учун” журнали, 2002. – № 2. – Б.12-22.

Шукуров Шавкат. Сердовон бир тоғ. / “Бедил ва ўзбек маънавияти” мавзуидаги халқаро анжуман материаллари. – Т.: “Мовароуннаҳр”, Техрон: “Ал-Худо” халқаро нашриёти, 2005. – Б.75-85.

Саидқосимов С. Миллий қадриятлар. // “Инсон ва сиёсат”. – 1991. – № 9. – Б.3-12.

Холмуминов Жаъфар. Абулмаоний таважжухлари. // “Маънавий ҳаёт” журнали, №3 2015. – Б.90-95.

Холмуминов Жаъфар. Буюк тамаддун асосчиси. /

“Хуррият”, 2016 йил 10 феврал. – Б.8.

Холмуминов Жаъфар. Бедил фалсафасини яратган давр. / “Ўзбекистоннинг маънавий стратегияси: генезиси, эволюцияси ва амалиёти” мавзуидаги Республика илмий-амалий анжумани илмий мақолалар тўплами. 2016 йил 31 март. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети. – Т., 2016. – Б.52-54.

Холмуминов Жаъфар. Бедилни англаш завқи. / “Ўзбек шарқшунослиги: бугуни ва эртаси”. Илмий мақолалар тўплами. 7. – Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2016. – Б.216-227.

Holmo'minov Ja'far. Bedilni anglash zavqi. / “Til va adabiyot ta'limi”, 2016 yil 6 son. – B.36-37.

Эдуард Холден. Ҳиндистон императори Буюк Акбаршоҳ. // “Тулистон” журнали, 1997. – № 5. – Б.39-44.

Диссертация ва авторефератлар

Арифханова С.М. Нравственные принципы ислама как компонент культуры народов Центрально – азиатского региона: Автореф. канд. филос. наук. – Т., 1994. – 19 с.

Мадаева Ш. А. Общественно-философские воззрения Абдурауфа Фитрата: Автореф. дис. канд. филос. наук. – Т., 1996. – 21 с.

Муратбаева А.Ж. Нравственные ценности народа и их значение в духовном возрождении. Автореф дис. канд. филос. наук. – Т., 2000. – 18 с.

Низомов Ф.С. Алишер Навоий дунёкарашида умуминсоний қадриятлар муаммоси: Фалсафа фанлари номзоди дис. Автореф. – Т., 1996. – 16 б.

Носирхўжаева Г. Проблемы историко-философской мысли в трудах Беруни: Автореф. дис. канд. филос. наук. – Т., 1999. – 23 с.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
------------	---

I БОБ. МИРЗО БЕДИЛ ФАЛСАФИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРИНИНГ ҒОЯВИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1. XVI-XVII асрларда Ўрта Осиё ва Ҳиндистондаги ижтимоий-маданий ҳаёт.....	13
2. Мирзо Абдулқодир Бедилнинг ҳаёти ва ижодига таъсир кўрсатган омиллар	26
3. Мирзо Бедил ахлоқий қарашларида фалсафа ва дин масалалари.....	45

II-БОБ. МИРЗО БЕДИЛ АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРИНИНГ МУҲИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

1. Бедил фалсафасида ахлоқий тушунчалар талқини	68
2. Мирзо Бедил ахлоқий қарашларининг асосий тамойиллари...94	

III-БОБ. МИРЗО БЕДИЛНИНГ ИНСОН МОҲИЯТИ ВА КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИГА ОИД ҚАРАШЛАРИ

1. Мирзо Бедил ахлоқий қарашларининг асосий тамойиллари..	126
2. Мирзо Бедил фалсафасида комил инсон ғоясининг ўзига хос талқини ва унинг ҳозирги замондаги аҳамияти	136

Хулоса	148
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати	155

Илмий нашр

Ойниса Мухаммадиева

БЕДИЛ ВА АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР ФАЛСАФАСИ

Монография

Мухаррир *Жаъфар Муҳаммад*
Бадий муҳаррир *Бахтиёр Муҳамедов*
Техник муҳаррир *Беҳзод Ирисбоев*
Мусахҳих *Дано Исмоилова*
Саҳифаловчи *Дилшод Ақромов*

Лиц. АИ № 111. Босишга 8.09.2016 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. Ҳажми 10,0 б. т.

Адади 300 нусха. Шартнома № 4/2. Буюртма № 49/6.

«YANGI NASHR» нашриёти,
100115, Тошкент ш., Чилонзор кўчаси, 1-уй.

Оригинал макет «Bilik-Print» МЧДЖ корхонасида тайёрланди.
100115, Тошкент ш., Чилонзор кўчаси, 1-уй.

«ADAD PLYUS» МЧЖ босмахонаси.
Тошкент ш., Чилонзор тумани, Бунёдкор 28- уй.



Мухаммаднева Ойниса Мустафокуловна 1970 йилда Сирдарё вилоятининг Янгир шаҳрида туғилган. 1996 йилда Тошкент Давлат университети Фалсафа-иқтисод факультетининг Фалсафа бўлимини имтиёзли диплом билан тамомлаган. 2000-2001 йилларда Ўзбекистон Миллий университети Фалсафа факультети Хотин-қизлар кўмитаси раиси. 2001-2002 йилларда факультетнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича декан муовини лавозимларида фаолият юритган. 2008 йилда “Мирзо Абдулқодир Бедил фалсафасида ахлокий кадриятлар масаласи” мавзусидаги диссертациясини ёклаб, фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олган. 2008 йилдан буён Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг аъзоси.

Шу пайтгача Ойниса Мухаммадневанинг Шарқ фалсафаси, буюк шоир ва мутафаккир Мирзо Абдулқодир Бедил фалсафий, ижтимоий ва ахлокий қарашларига онд бир қатор рисоалари, ўқув-услубий ишлари, 100 га яқин илмий ва илмий-оммабоп мақолалари Ўзбекистон ва чет эл матбуотида нашр этилган.

Айни пайтда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети доценти лавозимида ишлайди.



ISBN-978-9943-22-248-9



9 789943 222489